

Фотиҳа ва Бақара сураларининг тафсири

Бир гуруҳ олимлар

Фотиҳа ва Бақара сураларининг тафсири "ат-Тафсир ал-Муяссар" — "Қулай Тафсир" китобидан таржима қилинган бўлиб, оятлар маънолари лўнда ва енгил тафсир қилингандир.

<https://islamhouse.com/۲۸۱۹۰۷۴>

- Фотиҳа ва Бақара сураларининг тафсири
 - Истиъоза
 - Биринчи жузъ
 - ۱. «Бақара» сураси

Фотиҳа ва Бақара сураларининг тафсири

«ат-Тафсир ал-Муяссар» китобидан
иктибос

[Ўзбекча — Uzbek — الأوزبكي]

Бир гурух сара уламолар тайёрлаган

—TM

Таржимон: Исломил Мухаммад
Яъқуб

Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

Истиъоза

الاستعاذة

(أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ)

Аллоҳ таоло ҳар бир Қуръон
ўқимоқчи бўлган кишига шайтони
лаиндан паноҳ тилашга буюриб:
«Эй мўмин, қачон Қуръон ўқимоқчи
бўлсанг, (Аъзу биллаҳи минаш-
шайтонир-рожийм, деб) Аллоҳнинг
раҳматидан қувилган шайтоннинг
ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ
тилагин!», деди (Наҳл: ۹۸). Чунки,
Қуръони Карим одамлар учун
ҳидоят, қалб касалликлари учун
шифодир, шайтон эса барча
ёмонликлар ва залолатлар
сабабчисидир. Шунинг учун Аллоҳ
субҳанаҳу ва таоло ҳар бир Қуръон
ўқувчи кишини шайтони лаиндан,
унинг васвасалари ва малайларидан
Аллоҳдан паноҳ сўрашга буюрди.

Уламолар «истиъоза»ни Қуръони
Карим оятларидан эмаслигига
иттифоқ қилганлар, шунинг учун у
мусҳафларда ёзилмаган.

أَعُوذُ بِاللَّهِ

Ягона Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ
сўрайман.

من الشيطان

Мени Роббимнинг тоатидан ва
Унинг китобини тиловат қилишдан
тўсадиган ҳар бир туғёнкор инсу
жиндан

الرجيم

Аллоҳнинг раҳматидан қувилган.

Биринчи жузъ

الفاتحة - ۱ - سورة

۱. «Фотиҳа» сураси

Ушбу сура «Фотиҳа» (очувчи) деб номланди, чунки Қуръони Азийм у билан бошланади. Яна уни намозларнинг ҳар бир ракаатида ўқилгани учун «Масоний» (такрорланиб келувчи) деб ҳам номланади. Унинг бундан бошқа исмлари ҳам бор.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ (۱)

۲. Қуръон ўқиши Аллоҳнинг исми билан, Унинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолда бошлайман.

«Аллоҳ» ибодатга сазовор бўлган ягона барҳақ маъбуд — Роб таборака ва таолонинг атоқли исми бўлиб, У Зотнинг исмлари ичида энг

хосидир, бу исм билан Ундан ўзга ҳеч ким номланмайди.

«Ар-Роҳман» — раҳмати-мехрибонлиги бутун махлукотга умумий бўлган кенг-мўл раҳмат соҳиби, «ар-Роҳийм» эса фақат мўминларни раҳмат қилувчи Зот демакдир. Бу иккиси У Зотнинг исмларидан бўлиб, Аллоҳ таолога Унинг улуғлигига лойик тарзда меҳрибонлик сифатини исботлашни (**бор деб билишни**) ўз ичига олади.

الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ (۲)

۲. Алҳамдуиллаҳ — Аллоҳга Унинг барча мукаммал сифатлари билан ҳамда ошкор ва маҳфий,

диний ва дунёвий неъматлари билан мақтов айтишдир.

Бу оят зимнида бандаларига Аллоҳга мақтов айтишга буйруқ бор. Зотан, У — субҳанаҳу ва таоло — халқларни яратувчи, уларнинг барча ишларини бошқариб турувчи, бутун махлукотини Ўз неъматлари билан, Ўз дўстларини эса иймон ва солих амаллар билан тарбия қилувчи Зотдир.

الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ (۵)

۳. «Ар-Роҳман» — раҳмати-мехрибонлиги бутун махлукотга етадиган бепоён раҳмат соҳиби, «ар-Роҳийм» эса мўминларни хос раҳмат қилувчи Зот деган маънода

бўлиб, бу иккиси Аллоҳ таолонинг исмлариданdir.

مَالِكٌ يَوْمُ الدِّينِ (٤)

﴿. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ёлғиз Ўзи қиёмат кунининг эгасидир. Қиёмат куни амалларга жазо ва мукофот бериладиган кундир. Мусулмон киши намозларининг ҳар бир ракаатида бу оятни ўқийдики, унда охират кунини эслатиш, у кунга солиҳ амаллар ҳамда ёмонлик ва гуноҳлардан тийилиш билан ҳозирлик кўришга ундов бордир.

إِنَّا لَكَ تَعْبُدُ وَإِنَّا لَكَ نَسْتَعِينُ (۵)

◦ . Биз ибодатни фақат Сенга хослаймиз ва барча ишларимизда

фақат Сендан ёрдам сўраймиз. Зеро,
барча ишлар Сенинг қўлингда,
бошқа ҳеч ким улардан бир
заррачасига ҳам эга эмас.

Бу оятда банда дуо қилиш, мадад
сўраш, қон чиқариш, тавоф қилиш
каби ибодатлардан ҳеч бир турини
Аллоҳдан ўзгасига буриб юбориши
жоиз эмаслигига далил бор. Яна
унда қалблар учун Аллоҳдан
ўзгасига боғланиш иллатидан,
шунингдек, риё, манманлик ва кибр
дардларидан шифо бор.

(٦) اهْدَنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ

۶. Бизларни Тўғри Йўлга йўлла,
етакла ва муваффак қил,

ўлгунимизча ўша йўлда событқадам қил.

Аллоҳнинг розилиги ва жаннатига элтувчи бу ёруғ йўл Исломдир, унга пайғамбар ва расулларнинг сўнгиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлладилар, банданинг саодати фақат шу йўлда устувор туриш билан ҳосил бўлади.

صِرَاطُ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرَ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ (۵)

7. Ўз инъом-эҳсонингга мушарраф этган пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳларнинг йўлига йўллагин, ана ўшалар ҳидоят ва тўғрилик эгалари дир. Бизларни ғазабга дучор бўлганлар — ҳақни била туриб, унга амал қилмаган

яҳудлар ва уларга ўхшаганлар йўлига йўлланадиган кимсалардан қилмагин. Шунингдек, ҳақ йўлдан адашганлар — жоҳилликлари туфайли ҳидоят йўлидан адашиб кетган насронийлар ва уларга эргашганлар йўлига йўлланадиган кимсалардан қилмагин.

Бу дуода мусулмон кишининг дилига жаҳолат, ҳақни инкор қилиш, тўғри йўлдан тойилиш касаллигидан шифо бор ва мутлақ энг буюк неъмат Ислом неъмати эканига далил бор. Бинобарин, ким ҳақни билувчироқ ва унга эргашувчироқ бўлса, ўша одам Тўғри Йўлга лойикроқдир. Шубҳасиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг сахобалари пайғамбарлардан сўнг ушбу йўлга энг лойикроқ инсонлардир. Ояти карима уларнинг фазлига ва мақомла-рининг нақадар олий эканига далил бўлади, барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин.

Намозда ушбу сурани ўқигандан сўнг «Омийн» дейиш мустаҳабдир, маъноси «Эй Аллоҳ, ижобат қилгин», демакдир. «Омийн» уламолар иттифоқига кўра, «Фотиҳа» сурасидан бир оят эмас, шунинг учун уни Мусҳафда ёзилмаслигига иттифоқ қилганлар.

٢ - سورة البقرة

۲. «Бақара» сураси

‘. Алиф, лам, мим. Бу ва бошқа баъзи сураларнинг аввалида келадиган шу каби ҳуруфи муқаттана — узиқ ҳарфларда Қуръоннинг мўъжиз — барчани ожиз қолдирувчи китоб эканига далил бор. Яъни, Қуръон араблар ишлатадиган айни шу каби ҳарфлардан ташкил топган бўлиб, бу билан муширикларга, агар қўллардан келса, шунга ўхшашиб оятлар олиб келишга чақириқ бўлди, улар эса бунга қодир бўлмадилар. Фасоҳату балоғатнинг чўққисида бўлган арабларнинг унга ўхшишини келтиришдан ожиз бўлишлари

Куръоннинг Аллоҳ томонидан келган ваҳий эканига далил бўлди.

ذَلِكَ الْكِتَابُ لَا رَبَّ لَهُ إِلَّا هُدَىٰ لِلنَّاسِ (۲)

۱. Бу Куръон Аллоҳ ҳузуридан эканига шак-шубҳа бўлмаган Улуғ Китобдир. Куръон очик-равshan бўлгани туфайли бирон кимса у ҳақда шак-шубҳа қилиши дуруст эмасдир. Фойдали илм ва солиҳ амал билан тақво ҳосил қилувчилар — Аллоҳдан қўрқадиган ва Унинг ҳукмларига эргашадиган кишилар у билан фойдаланадилар.

الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ (۳)

۲. Улар сезгилари ва ақллари идрок қилолмайдиган ғайбга ишонадилар. Зеро, ғайб фақат Аллоҳнинг пайғам-

барларга қиласидиган ваҳийси
(хабари) билангина билинади.
Малоикалар, жаннат, дўзах ва
бундан бошқа Аллоҳ ёки
пайғамбари хабар берган
нарсаларни тасдиқлаш ғайбга иймон
келтириш сирасига киради.

Иймон — Аллоҳга, фаришталарига,
китоблариға, пайғамбарлариға,
охират кунига, қадарнинг яхши ва
ёмонига иқрор бўлиш ҳамда шу
иқрорни сўз билан ва қалб, тил ва
аъзолар амали билан тасдиқлашдир.

Улар ғайбга ишониш билан бир
қаторда намозларни ўз вақтларида,
Аллоҳ таоло Ўз пайғамбари
Мұхамад соллал-лоҳу алайҳи ва

салламга машруъ қилган кўринишда тўғри адо қилишади, Биз уларга ато этган моллардан фарз ва нафл садақаларни чиқаришади.

وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنْزِلَ مِنْ قَبْلِكَ وَبِالْآخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ (٤)

ξ. Эй Пайғамбар, улар сизга туширилган Қуръонни, сизга туширилган ҳикмат — Суннатни, шунингдек, сиздан олдинги пайғамбарларга туширилган Таврот ва Инжил каби илоҳий китобларнинг ҳаммасини тасдиқлайдиган, ўлгандан кейин қайта тирилиш диёри борлигини ва унда бўладиган ҳисоб-китоб ва жазо-мукофотларни тасдиқлайдиган, дилларида тасдиқлаган

нарсани тиллари ва аъзола-рида изҳор қиласиган кишилардир.

Охират кунига бўлган иймон хос зикр қилинди. Сабаби, охиратга бўлган иймон тоатларни қилишга ва ҳаромлардан сакланишга ҳамда нафсни сарҳисоб қилишга кучли боис бўлади.

أُولَئِكَ عَلَى هُدًى مِنْ رَبِّهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ (٥)

◦ Мазкур сифатлар эгалари Роббилиари тарафидан бўлган нур ёғдусида, ўзларини яратган ва ҳидоят қилган Зотнинг тавфиқи билан юрадилар. Улар ўзлари талаб қилган нарсага эришган ва ўзлари қочган нарсанинг ёмонлигидан нажот топган кишилардир.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أَنذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ (٦)

၆. Роббингиздан сизга туширилган нарсани кибр ва түғён сабабли инкор қилган кимсалар ўз ботилларида маҳкам туришгани учун — хоҳ уларни Аллоҳнинг азобидан қўрқитинг, хоҳ қўрқитманг, баробар — улар асло иймон келтиришмайди.

خَتَمَ اللَّهُ عَلَىٰ فُلُوِيهِمْ وَعَلَىٰ سَمْعِهِمْ وَعَلَىٰ أَبْصَارِهِمْ غَشَاؤْهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ (၇)

၇. Уларга ҳақ равшан бўлганидан сўнг куфр ва саркашлиқ йўлини тутишгани сабабли Аллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб, қўзларига парда қоплаб қўйди, уларни ҳидоятга муваффақ қилмади, улар учун жаҳаннамда қаттиқ азоб бордир.

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ أَمَّا بِاللَّهِ وَبِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَمَا هُمْ بِمُؤْمِنِينَ (٨)

8. Одамлар ичида бир гурухи борки, мүминлар билан кофирлар орасида бекарорлик билан иккиланиб юришади. Улар тиллари билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик, деб айтадиган, аммо ботинларида иймон келтирмаган ёлғончи мунофиқлардир.

يُخَادِعُونَ اللَّهَ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَمَا يَخْدَعُونَ إِلَّا أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ (٩)

9. Жоҳилликлари сабабли улар тилда иймонни изҳор қилиш ва ичларида куфрни яшириш билан Аллоҳни ва мүминларни алдаяпмиз, деб ўйлашади, вахоланки, фактат ўзларини алдашади. Чунки, алдовлари охир-оқибат ўзла-рига зиён келтиради. Ўта

жоҳилликларидан ва кўнгиллари
бузуқлигидан буни ўзлари
сезишмайди.

فِي فُلُوبِهِمْ مَرَضٌ فَرَادَهُمُ اللَّهُ مَرَضًا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ بِمَا كَانُوا يَكْبِثُونَ (١٠)

‘. Уларнинг дилларида шак-шубҳа
ва фасод бор, улар азоб-укубат
келтирувчи гуноҳларга мубтало
бўлишган. Аллоҳ уларнинг шак-
шубҳаларини кучайтириб қўйди,
ёлғончиликлари ва мунофиқликлари
туфайли уларга алам-ли азоб
бордир.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ لَا تُقْسِدُوا فِي الْأَرْضِ قَالُوا إِنَّمَا نَحْنُ مُصْلِحُونَ (١١)

‘. Уларга куфру маъсиятлар,
мўминларнинг сирлари-ни ёйиш ва
кофирларни дўст тутиш билан Ер
юзида бузғун-чилик қилишдан

тийилишга насиҳат қилинса,
ёлғончилик билан, **гапдонлик қилиб:**
«Факат бизгина ислоҳчилармиз»,
дайишади.

أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ الْمُفْسِدُونَ وَلَكِنْ لَا يَتَشَعَّرُونَ (١٢)

١٢. Улар қилаётган ва ислоҳ деб
даъво қилишаётган бу иш, аслида,
айни фасоддир. Лекин,
жоҳилликлари ва қай-сарликлари
сабабли ўзлари буни сезмайдилар.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ آمَنُوا كَمَا آمَنَ النَّاسُ قَالُوا أُنُّوْمِنُ كَمَا آمَنَ السُّفَهَاءُ أَلَا إِنَّهُمْ هُمُ السُّفَهَاءُ وَلَكِنْ لَا يَعْلَمُونَ (١٣)

١٣. **Мунофиқларга:** «Сизлар ҳам
саҳобалар иймон келтирганидек
иймон келтиринглар — қалб, тил ва
аъзолар билан тасдиқланглар»,
дейилса, **улар тортишиб:** «Биз ақли
паст ва фикри саёз кимсалар тасдиқ

қилганидек тасдиқлаб, ақлсизликда улар билан тенг бўламизми?!», дейишади. Шу боис Аллоҳ таоло уларга раддия бериб: «Огоҳ бўлингки, ақлсизлик фақат уларга хос, улар ўзларининг адашиш ва зиёнкорликда эканларини ҳам билишмайди», деди.

وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ آمَنُوا قَالُوا آمَنَّا وَإِذَا حَلَوْا إِلَى شَيَاطِينِهِمْ قَالُوا إِنَّا مَعْكُمْ إِنَّمَا نَحْنُ مُسْتَهْزِئُونَ
(١٤)

۱۴. Мунофиқлар мўминларга йўлиққандада: «Биз ҳам худди сизлар каби Исломни тасдиқладик», дейишади. Улар ҳузуридан кетиб, кофир ва туғёнкор пешволари ёнига боришганида, уларга ўзларининг куфр миллатида эканла-рини, уни тарк қилишмаганини, шунчаки,

мўминларни мазахлаб, улар устидан кулиб юришганини таъкидлашади.

اللَّهُ يَسْتَهْزِئُ بِهِمْ وَيَمْدُهُمْ فِي طُغْيَانِهِمْ يَعْمَهُونَ (١٥)

۱۵. Аллоҳ уларни масхара қилади ва яна ҳам кўпроқ адашиб — улоқиб юришлари учун уларнинг муҳлатларини узайтиради ва уларга мўминларни мазах қилишларининг жазосини беради.

أَوْلَئِكَ الَّذِينَ اشْتَرَوُ الصَّلَالَةَ بِالْهَدَىٰ فَمَا رَبَحُتْ تِجَارَتُهُمْ وَمَا كَانُوا مُهْتَدِينَ (١٦)

۱۶. Ўша мунофикалар жонларини ўзлари учун зиёнли бўлган савдога тикиб, иймонни ташлаб, куфрни олдилар. Ва бирон фойда топиш ўрнига, аксинча, ҳидоятни бой бердилар. Бу эса очик зиёндир.

مَثُلُهُمْ كَمَثُلُ الَّذِي اسْتَوْقَدَ نَارًا فَلَمَّا أَضَاءَتْ مَا حَوْلَهُ ذَهَبَ اللَّهُ بِنُورِهِمْ وَتَرَكَهُمْ فِي ظُلُمَاتٍ لَا يُبَصِّرُونَ (١٧)

۱۷. Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлариға — ботинда әмас, зоҳирда — иймон келти-риб, кейин коғир бўлиб, ўзлари сезмаган ҳолда залолат зулматларида тентираб юрган, ундан чиқиши үмид ҳам қилмайдиган ўша мунофиқларнинг ҳоли зулматли кечадаги бир жамоанинг ҳолига ўхшайдики, улардан бири исиниш ва ёритиш мақсадида катта гулхан ёқди. Гулхан ловуллаб, атрофни ёритиб турганда бирдан ўчиб қолиб, ҳаммаёқни зим-зиё қоронғулик қоплади ва гулхан эгалари қоронғуда ҳеч нарса кўролмай ва йўл тополмай қолдилар.

صُمُّ بُكْمٌ عُمَيْ فَهُمْ لَا يَرْجِعُونَ (١٨)

۱۸. Улар ҳақни онгли равишда эшитишдан кар, уни сўзлашдан соқов, ҳидоят нурини кўришдан кўрдирлар. Шунинг учун ўzlари тарқ қилган ва залолатга алмаштириб юборган иймонга қайтолмайдилар.

أَوْ كَصَبَّ مِنْ السَّمَاءِ فِيهِ ظُلْمَاتٌ وَرَعْدٌ وَبَرْقٌ يَجْعَلُونَ أَصَابِعَهُمْ فِي آذَانِهِمْ مِنَ الصَّوَاعِقِ حَذَرَ الْمَوْتُ وَاللَّهُ مُحِيطٌ بِالْكَافِرِينَ (١٩)

۱۹. Ёки мунофикаларнинг яна бир гуруҳи борки, баъзан уларга ҳақиқат зоҳир бўлади, баъзида эса у ҳақда шак-шубҳа қиладилар. Ўшаларнинг ҳоли дашти биёбонда бораётган пайтларида устларига кучли жала қуийиб юборган бир жамоанинг ҳолига ўхшайдики, атрофни қат-қат

зулматлар қоплагани, момақалдирок гумбурлаб, чақмоқ чақиши ва оловли яшинлар даҳшатидан ўзларини йўқотиб, ўлимдан қўрқанларидан бармокларини қулоқларига тиқиб оладилар. Аллоҳ таоло кофирларни қамраб олувчиdir, улар Ундан қочиб қутулолмайдилар ва Уни ожиз қолдирол-майдилар.

يَكَادُ الْبَرْقُ يَخْطُفُ أَبْصَارَهُمْ كُلَّمَا أَصَاءَ لَهُمْ مُتَّسِّرًا فِيهِ وَإِذَا أَظْلَمُ عَلَيْهِمْ قَاتَمُوا وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَذَهَبَ بِسَعْيِهِمْ وَأَبْصَارِهِمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (٢٠)

۲۰. Чакмоқнинг кучли нури уларнинг кўзларини кўр қилай дейди. Шу ҳолда, улар чакмоқ чакқан пайт унинг ёруғида йўл юриб олишади, чакмоқ тиниб, атрофни зулмат қоплагач, йўл тополмай,

жойларида туриб қолишиади. Аллоҳ уларга муҳлат бериб қўймаганида эди, қулокларини кар ва кўзларини кўр қилиб қўйган бўлар эди. У бунга ҳар вақт қодирдир, зоро У ҳамма нарсага қодир Зотдир.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ (۲۱)

۲۱. Эй инсонлар, сизларни Ўз неъматлари билан тарбият қилган Роббингизга ибодат қилинглар, Ундан қўрқинглар, Унинг динига қарши чиқманглар! Дарҳақиқат, У сизларни ҳам, сизлардан илгариғиларни ҳам Ўзи улардан рози бўлган ва улар ҳам Ундан рози бўлган тақвадорлардан бўлишингиз учун яратган.

الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فَرَاشًا وَالسَّمَاءَ بُنَاءً وَأَنْزَلَ مِنْ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنِ الْثَّمَرَاتِ رِزْقًا
لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا إِلَهًا أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ (٢٢)

۲۲. Роббингиз осон-қулай ҳаёт кечиришингиз учун сизларга ерни тўшама, осмонни эса мустаҳкам бино қилди, булулардан ёмғир ёғдириб, у билан турли мевалар ва анвои хил набототларни сизларга ризқ қилиб чиқариб қўйди. Энди сизлар Аллоҳнинг яратиш ва ризқ беришда ягоналигини, ибодат қилинишга Унинг Ўзигина лойик-лигини билатуриб, ибодатда Унга шериклар қилманглар!

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِنْ مِثْلِهِ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ
كُنْتُمْ صَادِقِينَ (٢٣)

۲۳. Агар сизлар — эй саркаш кофирлар — Биз бандамиз Мұхаммад соллаллоху алайхи ва

салламга туширган Қуръон ҳақида шак-шубҳада бўлсангиз ва унинг Аллоҳ ҳузуридан эмаслигини даъво қилсангиз, у ҳолда Қуръон сурасига ўхшаш биргина сура келтиринглар ва агар даъволарингиз рост бўлса, бу иш қўлидан келадиган барча кўмакчиларингизни ёрдамга чақиринглар!.

فَإِنْ لَمْ تَفْعُلُوا وَلَنْ تَفْعُلُوا فَأَنَّهُمْ النَّارُ الَّتِي وَقُوْدُهَا النَّاسُ وَالْجِبَارَةُ أُعِدَتْ لِكُلِّ كَافِرٍ (٢٤)

۲۴. Агар ҳозир бундай қиломасангиз — кейин ҳам ҳаргиз қиломайсизлар — у ҳолда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириш ва Аллоҳ таолога итоат қилиш билан дўзах ўтидан сақланинглар! Бу ўтнинг ўтинлари одамлар ва тошлар бўлиб,

Аллоҳга ва пайғам-барларига коғир бўлганлар учун ҳозирлаб қўйилган.

وَبَشِّرُ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ كُلَّمَا رُزِقُوا مِنْهَا مِنْ ثُمَّرَةٍ رُزْقًا قَالُوا هَذَا الَّذِي رُزِقْنَا مِنْ قَبْلٍ وَأَتُوا بِهِ مُنْشَابِهًَا وَلَهُمْ فِيهَا أَرْوَاحٌ مُطَهَّرَةٌ وَهُمْ فِيهَا حَلَدُونَ (۲۵)

۲۵. Эй Пайғамбар, иймон ва солих амаллар эгаларига уларнинг дилларини қувончга тўлдирувчи хушхабар берингки, охиратда улар учун ғоят гўзал боғлар бор, улар ичидаги баланд қасрлар ва серсоя дарахтлар остидан анҳорлар оқиб туради. Ҳар сафар Аллоҳ таоло уларни ўша боғларнинг меваларидан бирон лаззатли мева билан ризқлантирса, бу хил мева билан бундан олдин ҳам ризқланган эдик-ку, дейишади. Аммо, унинг мазасини тотиб кўришгач, ранг,

шакл ва кўринишда аввалги мевага ўхшагани ҳолда, таъм ва лаззатда бутунлай бошқа, янги бир мева эканини билишади. Улар учун жаннатларда бавл ва ҳайз каби ҳиссий ҳамда ёлғон ва бадхулқлик каби маънавий нопокликлардан тамоман покиза жуфтлар бор. Улар жаннат неъматларига мангу ғарқ бўлиб яшайдилар, ўлмайдилар, ундан чиқарилмайдилар.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي أَنْ يَضْرِبَ مَثَلًا مَا بَعْوَذَةً فَمَا فُوقُهَا فَأَمَّا الَّذِينَ آمَلُوا فَيَعْمَلُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ وَأَمَّا الَّذِينَ كَفَرُوا فَيَقُولُونَ مَادًا أَرَادَ اللَّهُ بِهَذَا مَثَلًا يُضِلُّ بِهِ كَثِيرًا وَيَهْدِي بِهِ كَثِيرًا وَمَا يُضِلُّ بِهِ إِلَّا الْفَاسِقِينَ (٢٦)

۲۶. Аллоҳ таоло ҳақдан бирон нарсани, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳатто Аллоҳдан бошқа ҳар қандай маъбуд-нинг ожизлигига масал қилиб келтиргани каби пашша

ва чивиндек энг ҳақир нарсани-да зарбулмасал қилиб келтиришдан уялмайди. Мўминлар Аллоҳ Ўзининг катта-ю кичик махлукотини зарбулмасал қилиши остидаги ҳикмат-ни биладилар. Аммо, коғирлар: «Аллоҳ бу ҳақир ҳашоротларни масал қилиш билан нима демоқчи ўзи?!», дейишади. Аллоҳ уларга жавоб берадики, бундан мурод имтиҳон ва мўминни коғирдан ажратишидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бу масал билан кўп кимсаларни — уни мазахлашгани учун — ҳақдан буриб қўяди, бошқа кўп кишиларни эса иймон ва ҳидоятга яна-да муваффақ қиласди. Аллоҳ таоло бирон кимсага зулм қилмайди. Зеро, У фақат Ўз

тоатидан чиққанларнигина ҳақдан буриб қўяди.

الَّذِينَ يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيَاثِيقِهِ وَيَنْهَا عَنْ مَا أَمْرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوَصِّلَ وَيُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ
أُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ (٢٧)

۲۷. Пайғамбарлар юбориш ва китоблар тушириш билан уни қувватлаган тавҳид ва тоат борасида улардан олган Аллоҳнинг аҳдини бузадиган, қариндошлиқ алоқаларини узиш ва ерда фасод ёйиш каби Аллоҳнинг динига хилоф ишларни қиладиган кишилар — ўшалар дунё ва охиратда ҳақиқий зиёнкорлардир.

كَيْفَ تَكُفُّرُونَ بِاللَّهِ وَكُنْتُمْ أَمْوَاتًا فَلَاحِيَّكُمْ ثُمَّ يُمْبَيِّثُكُمْ ثُمَّ يُحْبِيَّكُمْ ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَمُونَ (٢٨)

۲۸. Эй мушриклар, қандай қилиб Аллоҳнинг ягона ҳақ илоҳлигини инкор қиласиз ва ибодатда

бошқаларни Унга шерик қиласиз,
 ваҳоланки, ўз вужудингизда бунга
 қатъий далил-хужжатлар бор?! Ахир
 сизлар жонсиз эдингиз, У сизларни
 пайдо қилди ва жон ато этди, кейин
 Ўзи сизларга белгилаб кўйган
 ҳаётни яшаб ўтганингиздан сўнг У
 сизларни вафот эттиради, сўнг қайта
 тирилиш кунида У сизларни яна
 ҳаётга қайтаради, сўнг ҳисоб-китоб
 қилиниш ва жазо-мукофот олиш
 учун Унинг ҳузурига қайтариласиз!

هُوَ الَّذِي خَلَقَ لِكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعاً ثُمَّ اسْتَوَى إِلَى السَّمَاءِ فَسَوَاهُنَّ سَبْعَ سَمَوَاتٍ وَهُوَ بِكُلِّ
 شَيْءٍ عَلِيمٌ (۲۹)

۲۹. Ягона Аллоҳнинг Ўзигина
 Ердаги сизлар фойдаланадиган
 неъматларнинг барчасини сизлар
 учун яратди, сўнг осмонларни

яратишга қасд қилиб, уларни етти осмон қилиб ростлади. У ҳамма нарсани билувчи Зотдир, Унинг — субҳанаҳу ва таоло — илми бутун махлукотини қамраб олган.

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِلُ
الْجَمَاءَ وَنَحْنُ سُلَيْحٌ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ (٣٠)

۳۰. Эй Пайғамбар, одамларга айтингки, Роббингиз фаришталарга: «Мен Ерда, уни обод қилишлари учун бир-бирига ўринбосар бўлиб ҳаётга келадиган қавмни (Одам ва унинг зурриётини қилмоқчиман», деганида улар: «Эй Роббимиз, уларни яратишинг остидаги ҳикматни бизларга билдиргил, ҳолбуки, Ерда бузғунчилик қилиш ва зулму тажовуз билан қон тўкиш

уларнинг белгиларидан бўлса, биз эса Сенинг амрингга тўла бўйсинувчимиз, Сени Ўз мақтовинг ва буюклигингга лойиқ бўлганидек поклаймиз, барча комиллик ва улуғлик сифатлари билан Сени улуғлаймиз», дедилар. Аллоҳ уларга: «Уларни яратиш остидаги сизлар билмайдиган етук ҳикматларни Ўзим биламан», деди.

وَعَلِمَ آدَمُ الْأَسْمَاءَ كُلُّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالَ أَئِنِّي بِإِسْمَاءٍ هُوَ لِاءٌ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ
(۳۱)

۳۱. Одам алайҳиссаломнинг фазлини кўрсатиб қўйиш учун Аллоҳ таоло унга барча нарсаларнинг номини билдири-ди, сўнг ўша ном эгаларини фаришталарга рўпара қилиб: «Ерда

халифа қилинишга улардан
(одамлардан) кўра биз ҳақлироқмиз,
деган даъвонгизда ростгўй
бўлсангиз, мана бу
мавжудотларнинг номларини айтиб
беринг-чи», деди.

قَالُوا سُبْحَانَكَ لَا عِلْمَ لَنَا إِلَّا مَا عَلِمْنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيُّ الْحَكِيمُ (٣٢)

۳۲. **Фаришталар:** «Сени поклаймиз
эй Роббимиз, бизда Ўзинг
билдирганингдан бошқа илм йўқ.
Албатта, ёлғиз Ўзинг барча
махлукотинг ҳолини яхши билувчи
ва тадби-рингда ҳаким Зотсан»,
дедилар.

قَالَ يَا آدُمُ أَنْبِئْهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ فَلَمَّا أَنْبَأْهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ قَالَ أَلَمْ أَفْلُكُ لَكُمْ إِنِّي أَعْلَمُ غَيْرُ السَّمَوَاتِ
وَالْأَرْضِ وَأَعْلَمُ مَا تُبَدُونَ وَمَا كُنْتُمْ تَكْنُمُونَ (٣٣)

۳۳. **Аллоҳ деди:** «Эй Одам,
фаришталарга улар билмаган мана

бу нарсаларнинг номларини айтиб бер». Одам уларга айтиб бергач, Аллоҳ фаришталарга деди: «Мен сизларга айтдим-ку, осмонлару ерда сизларга махфий бўлган барча нарсани биламан, сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни ҳам биламан».

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِأَدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَى وَاسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ (٣٤)

۳۴. Эй Пайғамбар, сиз одамларга Аллоҳ Одамни иззат-икром қилганини айтиб беринг, ўшандада Аллоҳ фаришта-ларга: «Одамга эҳтиром кўрсатиб ва fazlini изҳор қилиб, сажда қилинглар!», деганида ҳаммалари итоат қилдилар, факат Иблис кибр ва ҳасад туфайли саждадан бош тортиб, Аллоҳни

инкор қилувчи ва Унинг амрига
итоатсиз бўлди.

وَقُلْنَا يَا آدَمَ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا
مِنَ الظَّالِمِينَ (٣٥)

۳۵. Аллоҳ деди: «Эй Одам, жуфтиңг
Ҳавво билан бирга жаннатни маскан
тутинглар, унда истаган
жойингизда, истаганингизча
меваларидан еб ҳузурланинглар,
фақат мана бу дарахтга
яқинлашманглар, акс ҳолда гуноҳга
ботиб, Аллоҳнинг амрига тажовуз
қилувчилардан бўлиб қоласиз».

فَأَرْلَهُمَا الشَّيْطَانُ عَنْهَا فَلَمَّا خَرَجُوكُمْ مِّمَّا كَانَتُمْ فِيهِ وَقُلْنَا اهْبِطُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَذَّرٌ وَلَئِنْ فِي
الْأَرْضِ مُسْنَدٌ وَمَتَاعٌ إِلَى حِينٍ (٣٦)

۳۶. Шайтон уларни гуноҳга
туширди: уларга васваса қилиб, ўша
дарахт мевасидан totтирди ва

икковларини жаннат ва унинг
неъматларидан чиқарилишларига
сабабчи бўлди. Аллоҳ уларга: «Бир-
бирингизга — яъни, Одам ва Ҳавво
шайтонга — душман бўлган ҳолда
ерга тушиналар, сизлар учун ерда
ўрнашиб яшаш ва ажалларингиз
етгунича ундаги нарсалардан
фойдаланиш имкони бор», деди.

فَلَقَّى آدُمْ مِنْ رَبِّهِ كَلِمَاتٍ قَتَابٌ عَلَيْهِ إِنَّهُ هُوَ التَّوَابُ الرَّحِيمُ (٣٧)

۳۷. Сўнг Одам Аллоҳ унга илҳом
қилган тавба ва истиғфор
калималарини қабул қилиб олди,
улар Аллоҳ таолонинг: «Эй
Роббимиз, биз ўз жонимизга зулм
қилдик, агар Сен бизни мағфират
қилмасанг ва раҳм қилмасанг, аниқ
зиёнкорлардан бўлиб қоламиз»

(Аъроф: ۲۳) деган сўзлари эди. Сўнг Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилди ва гуноҳини кечирди. Зотан, У тавба қилган бандаларининг тавбаларини чексиз қабул қилувчи, уларга меҳрибон Зотдир.

فُلَّا اهْبِطُوا مِنْهَا جَمِيعًا فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنْ تَبَعَ هُدَىيَ فَلَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْرَثُونَ
(۳۸)

۳۸. Аллоҳ уларга деди: «Барчангиз жаннатдан тушинг, сизларга ва ортингиздан келувчи зурриётингизга Менинг ҳузуримдан ҳаққа йўлловчи ҳидоят келгай. Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, улар учун ўзлари юзланажак охират ишларида ҳеч бир хавфу хатар бўлмас, улар қўлларидан кетган

дунё ишларига ғамгин ҳам
бўлмаслар».

وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا أُولَئِنَّكُمْ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ (٣٩)

۳۹. Кофир бўлган ва Бизнинг тиловат қилинадиган оятларимизни ва тавҳидимизга далил бўлувчи оят-аломат-ларимизни ёлғон санаган кимсалар — ана ўшалар агадул-абад дўзахда қолгайлар ва ундан ҳеч қачон чиқарилма-гайлар.

يَا بَنِي إِسْرَائِيلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِي الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأُوفُوا بِعَهْدِي أُوفِ بِعَهْدِكُمْ وَإِيَّاهُ فَارْهَبُونَ (٤٠)

۴۰. Эй Яъкуб авлоди (Бани Исроил), сизларга инъом этган кўпдан-кўп неъматларимни ёдга олинглар ва Менга шукр қилинглар! Менинг китобларимга ва барча пайғамбарларимга иймон келтиришингиз

ва шариатимга амал қилишингиз
ҳақидаги аҳдимга-амримга тўла
амал қилинг-лар! Шундай
қилсангиз, Мен ҳам сизларга ваъда
қилганим — бу дунёдаги раҳмат ва
охиратдаги нажотни тўла-тўкис ато
этаман. Фақат Мендангина
қўрқинглар! Аҳдни бузсанг-лар ва
Менга кофир бўлсанглар, азобимдан
огоҳ бўлинглар!

وَأَمْنُوا بِمَا أَنْزَلْتُ مُصَدِّقًا لِمَا مَعَكُمْ وَلَا تَكُونُوا أَوَّلَ كَافِرٍ بِهِ وَلَا تَشْتُرُوا بِإِيمَانِي ثَمَنًا قَلِيلًا وَإِيَّاهُ
فَالْقَوْنُ (٤١)

﴿٤١﴾ Эй Бани Исроил, пайғамбарим
ва элчим Муҳаммад-га нозил
қилганим, сахих (**бузилмаган**
шаклдаги) Тавротдан ўзингиз
билган нарсаларга мувофиқ ҳолдаги
Куръонга иймон келтиринглар, аҳли

китоблар ичидан унга кофир
бўладиган дастлабки гурух
бўлманглар! Менинг оятларим-ни
қийматсиз ўткинчи дунё матоларига
алмаштирманглар, фақат Менга
тоат-ибодат қилинглар ва Менга
осий бўлиш-ни бас қилинглар!

وَلَا تَلِسُوا الْحَقَّ بِالْبَاطِلِ وَتَكْتُمُوا الْحَقَّ وَإِنَّمَا تَعْلَمُونَ (٤٢)

۴۲. Мен сизларга баён қилган ҳақни
ўзингиз тўқиб чиқарган ботилга
аралаштирманглар,
китобларингизда мавжуд бўлган,
Аллоҳнинг пайғамбари ва элчиси
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг белгилари борасидаги
очик ҳақиқатни беркитманглар,
сизлар уни қўлларингизда бўлган

китоблардаги битиклардан ўқиб,
билиб турибсиз.

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَأْتُوا الزَّكَةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ (٤٣)

﴿٤٣﴾ Намозни Аллоҳнинг пайғамбари ва элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатиб берганидек тӯғри кўринишда адо этиш, фарз закотни машруъ кўринишда ўташ, унинг (**соллаллоҳу алайҳи ва саллам**) умматидан рукуъ қилувчилар билан бирга бўлиш билан Ислом динига кирингиз!

أَنْأَمْرُونَ النَّاسَ بِاللِّيْرِ وَتَنْسَوْنَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ تَنْثُلُونَ الْكِتَابَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ (٤٤)

﴿٤٤﴾ Сизларнинг ҳолингиз ва олимларингиз ҳоли нақа-дар қабиҳки, одамларни яхшиликларга чорлаб, ўзингизни унутасиз,

ўзингизни энг буюк яхшиликка —
Исломга чорламайсиз! Ҳолбуки,
сизлар Таврот ўқийсиз, унда
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва
салламнинг белгилари ва у зотга
иймон келтириш вожиблиги
битилган! Ақлингизни түғри
ишлатсангиз бўлмайдими?!

وَاسْتَعِنُوا بِالصَّابِرِ وَالصَّلَاةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْخَائِسِينَ (٤٥) الَّذِينَ يَظْلَمُونَ أَنَّهُمْ مُلَاقُو
رَبِّهِمْ وَأَنَّهُمْ إِلَيْهِ رَاجِعُونَ (٤٦)

٤٥, ٤٦. Барча ишларингизда
сабрнинг ҳамма турлари билан,
шунингдек намоз билан мадад
сўранглар! Албатта, намоз ўқиш
Аллоҳдан қўрқадиган, Унинг
хузуридаги ажру-савобларни умид
қиласидиган, ўлгандан сўнг албатта
Роббилирига йўлиқишлирига ва

қиёмат куни ҳисоб-китоб учун
Унинг ҳузурига қайтишларига
ишонадиган ўзларини ҳокисор
тутувчи зотлардан бошқаларга
оғирдир.

يَا بَنِي إِسْرَائِيلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِي الَّتِي أَعْمَلْتُ عَلَيْكُمْ وَأُتْيَ فَحَلَّتْكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ (٤٧)

﴿٧﴾ Эй Яъкуб авлоди, сизларга берган кўплаб неъмат-ларимни эсланглар ва уларнинг шукрини адо этинглар, ўз даврингизда кўплаб пайғамбарлар ва Тавроту Инжил каби китоблар билан сизларни бутун олам ахлидан афзал қилганимни эсланглар!

وَإِنَّهُمَا لَا يَحْرِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُبْلِلُ مِنْهَا شَفَاعَةً وَلَا يُؤْخُذُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ (٤٨)

﴿٨﴾ Бирор бирорвнинг бирон ҳожатига ярамайдиган, Аллоҳ

кофирлар ҳақида ҳеч кимнинг
шафоатини-восита-чилигини қабул
қилмайдиган, улардан Ер юзининг
бутун бойлиги миқдорича бўлса-да,
бирон тўлов-бадални қабул
қилмайдиган, уларга ёрдам бериш
ва азобдан қутқариб олиш ҳеч
кимнинг қўлидан келмайдиган
кундан — Киёмат кунидан
қўрқинглар!

وَإِذْ نَجَّيْنَاكُمْ مِنْ آلِ فِرْعَأْنَ فِرْعَأْنَ يَنْهَاكُمْ سُوَءَ الْعَذَابِ يَنْهَاكُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَاءَكُمْ وَفِي
ذَلِكُمْ بَلَاءٌ مِنْ رَبِّكُمْ عَظِيمٌ (٤٩)

« ۹. Сизларни Фиръавн ва унинг
одамларидан қутқарган пайтимизда
ато этган неъматимизни эсланглар.
Ўшанда улар сизларга жуда қаттиқ
азоблар тоттираётган, ўғилла-
рингизни бирма-бир тиғдан ўтказиб,

қизларингизни хорлик ва чўрилиқ учун тирик қолдираётган эди. Буларнинг барида сизлар учун Роббингиз тарафидан имтиҳон, сизларни ундан қутқаришида эса барча асрларда, барча авлодларингиз томонидан Аллоҳ таолога шукроналик бажо келтиришни вожиб қиладиган улкан неъмат бордир.

وَإِذْ فَرَقْنَا بِكُنْ أَبْحَرَ فَأَنْجَبَنَا كُنْ وَأَغْرِقْنَا آلَ فِرْعَوْنَ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ (٥٠)

◦◦◦. Биз сизлар учун денгизни ўртасидан бўлиб, унда қуп-қуруқ йўллар қилган ва сизлар ундан ўтиб олган, сизларни Фиръавн ва унинг қўшинидан ҳамда сувга чўкиб ҳалок бўлишдан қутқарган пайтимиздаги неъматимизни эсга олинглар!

Ўшанда Фиръавн ва унинг қўшини
сизлар юриб ўтган йўлга
кирганларида Биз уларни
сизларнинг кўз олдингизда ҳалок
қилдик.

وَإِذْ وَاعْدْنَا مُوسَى أَرْبَعِينَ لَيْلَةً ثُمَّ أَتَخْذَنُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْثُمْ طَالِمُونَ (٥١)

◦ 1. Сизларга ҳидоят ва нур бўлиши учун Тавротни нозил қилишга Мусо билан қирқ кечага ваъдалашган пайтимиздаги неъматимизни эсланглар! Ўшанда сизлар Мусонинг шу озгина муддат ораларингизда йўқлигидан фойдаланиб, ўз қўлларингиз билан ясаган бузоқни Аллоҳнинг ўрнига ўзингизга маъбуд қилиб олдингиз — бу эса энг ёмон куфрdir — ва сизлар бузоқни олиҳа қилиб олиш

билин (ўзингизга) зулм қилувчи
бўлдингиз.

ثُمَّ عَفَوْنَا عَنْكُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ لَعْنَكُمْ شَسْكُرُونَ (٥٢)

◦ ۲. Сўнг шояд фазлу неъматлари учун Аллоҳга шукр қиласизлар ва куфру туғёнда давом этмассизлар деб, Мусо қайтиб келганидан кейин сизларнинг бу қабих қилмишингизни кечирдик ва тавбаларингизни қабул қилдик.

وَإِذْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَالْفُرْقَانَ لَعْنَكُمْ تَهْتَدُونَ (٥٣)

◦ ۳. Залолатдан ҳаққа йўлланишларингиз учун ҳақ билан ботил ўртасини ажратувчи Китобни — Тавротни — Мусога берган пайтимиздаги сизларга бўлган неъматимиз-ни эсланглар.

وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ يَا قَوْمِ إِنَّكُمْ طَلَمْتُمْ أَنفُسَكُمْ بِاِتْخَادِكُمُ الْعِجْلَ فَثُوَبُوا إِلَىٰ بَارِئِكُمْ فَاقْتُلُوا أَنفُسَكُمْ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ عِنْدَ بَارِئِكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ إِنَّهُ هُوَ الرَّوَابِ الرَّحِيمُ (٤٥)

54. Мусо қавмига: «Сизлар бузоқни илоҳ қилиб олиш билан ўзингизга зулм қилдингиз, энди бир-бирингизни қатл қилиш билан Яратувчингизга тавба қилинглар, Яратувчин-гиз наздида шундай қилишингиз абадий дўзахда қолишин-гиздан кўра яхшироқдир», деган пайтидаги неъматимизни эсланглар! Ўшанда сизлар бу буйруққа бўйсундингиз, Аллоҳ марҳамат қилиб, тавбаларингизни қабул қилди. Зотан, У тавба қилган бандаларининг тавбаларини чексиз қабул қилувчи, уларга меҳрибон Зотдир.

وَإِذْ قُلْنَا يَا مُوسَى لَنْ تُؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ تَرَىٰ اللَّهَ جَهْرَةً فَلَا خَدَّنَكُمُ الصَّاعِقَةُ وَأَنْتُمْ تَنْظُرُونَ (٥٥)

Бу ўлим улар учун жазо бўлди, сўнг Аллоҳ таоло уларни ажалларини тўла қилишлари — яъни, ўзларига белгилаб қўйилган умрларини охиригача яшашлари учун қайта тирилтириди.

وَظَلَّلَنَا عَلَيْكُمُ الْغَمَامُ وَأَنْزَلْنَا عَلَيْكُمُ الْمَنَّ وَالسَّلْوَى كُلُّوا مِنْ طَيِّبَاتٍ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَمَا ظَلَّمُونَا وَلَكُنْ كَانُوا أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ (٥٧)

◦ ۷. Ерда сарсон-саргардон бўлиб юрган пайтларингизда сизларга ато этган неъматимизни эсланглар, ўшандада булутни сизларга қуёш тифидан сақловчи соябон қилдик, сизларга «манн» — таъми асалдек, елимсимон шириналлик ва «салва» — беданасимон қушларни тушириб бердик, сизларга: «Биз сизларга ризқ қилиб берган покиза егулик-лардан

енглар ва динингизга хилоф иш қилманглар!», дедик, бироқ сизлар бу буйруғимизга амал қилмадингиз. Улар неъматларга ношукурчилик қилишлари билан бизга зулм қилишмади, балки ўзларига зулм қилишарди, чунки зулмнинг оқибати ўзларига қайтувчиdir.

وَإِذْ قُلْنَا ادْخُلُوا هَذِهِ الْقَرْيَةَ فَكُلُّو مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ رَغْدًا وَادْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا وَقُولُوا حَمْدًا نَعْفُرْ
لَكُمْ خَطَايَاكُمْ وَسَنَزِيدُ الْمُحْسِنِينَ (٥٨)

• ۸. Сизларга: «Байтул Макдис (Қуддус) шаҳрига киринглар, унинг пок егуликларидан истаган жойингизда истаганингизча тановул қилинглар, шаҳар дарвозасидан кираётган пайтингизда Аллоҳга эгилиб, ҳокисорлик билан: «Эй Роббимиз, бизнинг гуноҳларимизни

ўчиргин», денглар, шунда дуоларингизни ижобат қиласиз ва сизларни афв қилиб, гуноҳларингизни яширамиз, Биз муҳсинларга амал-лари сабабли зиёда ажру савоблар ато этамиз», деган пайтимиздаги неъматимизни эсланглар.

فَبَدَّلَ الَّذِينَ ظَلَمُوا قَوْلًا غَيْرَ الَّذِي قِيلَ لَهُمْ فَأَنْزَلْنَا عَلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا رِجْزًا مِنْ السَّمَاءِ بِمَا كَانُوا يَفْسُدُونَ (٥٩)

⁹. Бани Исроил ичидаги адашган зулмкор кимсалар Аллоҳнинг сўзини (қасдан бошқа сўзга) алмаштиришди, сўзда ҳам, амалда ҳам тескари иш қилиб, шаҳарга кетларида сурилган ҳолда киришди, («ҳитто» — гуноҳ-ларимизни кечир, деган сўз ўрнига) «ҳабба фий

шашра» (арпа ичидаги бир дона буғдой) дейишди ва Аллоҳнинг динини мазах қилишди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло саркаш-ликлари ва Аллоҳнинг тоатидан чиққанлари сабабли улар устига осмондан азоб туширди.

وَإِذْ أَسْتَسْقَى مُوسَى لِقَوْمِهِ فَقُلْنَا اضْرِبْ بِعَصَابَ الْحَاجَرَ فَانْجَرَثَ مِنْهُ اثْنَانِ عَشْرَةَ عَيْنًا قَدْ عَلِمَ كُلُّ أَنَّاسٍ مَشْرَبَهُمْ كُلُّهُ وَأَشْرَبُوا مِنْ رِزْقِ اللَّهِ وَلَا تَعْنَوْا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ (٦٠)

٦٠. Саҳрода ташналик ҳолида эканингизда, Мусо Бизга илтижо қилиб, қавмига сув сўраган пайтида сизларга ато этган неъматимизни эсланглар. **Биз унга: «Асоингни тошга ургин», дедик.** У асосини тошга ургач, ундан қабилалар сонича — ўн иккита чашма отилиб чиқди. Талашиб-тортишмасликлари

учун ҳар бир қабилага ўзига
хосланган чашмани билдирилди.

Биз уларга: «Аллоҳ берган ризқдан
еб-ичинглар ва Ер юзида
бузғунчилик қилиб юрманглар!»,
дедик.

وَإِذْ قُلْنَا لِمُوسَى لَنْ تَصْبِرَ عَلَى طَعَامٍ وَاحِدٍ فَادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُخْرِجْ لَنَا مَمَّا تَثْبِتُ الْأَرْضُ مِنْ نَقْلِهَا
وَفَقَاءِهَا وَفُومِهَا وَعَدَسِهَا وَبَصَلِهَا قَالَ أَنْتُ بَشَّارٌ الَّذِي هُوَ أَنَّى إِلَيْهِ أُخْرِجُ اهْطِوا مَصْرًا
فَإِنَّ لَكُمْ مَا سَأَلْتُمْ وَضُرِبَتْ عَلَيْهِمُ الدِّلْلَةُ وَالْمَسْكَةُ وَبَاعُوا بِغَضَبٍ مِّنَ اللَّهِ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ كَانُوا يَكْفُرُونَ
بِآيَاتِ اللَّهِ وَيَقُولُونَ النَّبِيُّنَ بَعْيَرِ الْحَقِّ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْنِدُونَ (٦١)

۶۱. Эсланглар, сизларга ширин
ҳолва ва лаззатли қуш гўштини
туширганимизда сизлар
одатдагидек, яна неъматга
ношукурлик килдинглар, давомий
бир хил емишдан зерикиб,
малолланиб: «Эй Мусо, биз кунлаб
ўзгармас бир хил таомга асло чидай
олмаймиз, биз учун Роббингга дуо

қил, У бизга ерда ўсадиган сабзавот ва кўкатлардан, бодринг ва саримсокдан, ейиладиган дон-дунлардан, адас (**ясмиқ**) ва пиёзлардан чиқариб берсин», дединглар. **Мусо** бу талабларни ёқтирмасдан: «Аллоҳ сизларга ихтиёр этган фойдали ризқни тарк қилиб, шу қадри паст нарсаларни талаб қиласизларми?! Истаган шаҳарга тушинглар, нафсингиз тилаган нарсаларни дала ва бозорларда мўл-кўл топасизлар», деди. Тушиб боришгач, ҳар бир ўринда Аллоҳнинг улар учун танлагани ўрнига ўз хоҳиш-истакларини муқаддам қўйишлари ўзларига ҳам билинди. Шунинг учун ҳам доимий хорлик ва тубанлик

сифати уларга ёпишди. Аллоҳнинг динидан юз үгиришгани, Аллоҳнинг оятларини инкор қилишлари ва пайғамбарларни зулму тажовуз билан ўлдиришлари сабабли улар Аллоҳ-нинг ғазабига дучор бўлган ҳолда ортга қайтишди. Бу эса осийликлари ва Роббилиарига нисбатан ҳаддиларидан ошишлари сабабли бўлди.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالنَّصَارَى وَالصَّابِئِينَ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُمْ أَجْرٌ هُمْ عَذْنَ رَبِّهِمْ وَلَا حُوقُّ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ (٦٢)

۶۲. Аллоҳни ва Унинг пайғамбарларини тасдиқ қилувчи ва Унинг шариатига амал қилувчи ушбу умматдан бўлган мўминлар, шунингдек, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар

бўлишларидан илгари яшаган яҳудий, насроний ва собиълардан (бирон муайян динга эргашмаган, табиий фитрат устида қолган қавмлардан) иборат ўтмиш халқлар — ана ўшалар ҳаммаси агар Аллоҳни ҳамда қайта тирилиш ва жазо кунини чин дилдан тасдиқласалар, Аллоҳ рози бўладиган амалларни қилсалар, уларнинг ажру савоблари Роббилари ҳузурида событдир. Уларга ўзлари юзланажак охират ишларида ҳеч бир хавфу хатар йўқдир, қўлларидан кетган дунё ишларига ғамгин ҳам бўлмайдилар. Аммо, бутун инсониятга энг сўнгги пайғамбар бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар-

ликларидан кейин Аллоҳ таоло у зот олиб келган диндан — Исломдан бошқа бирон динни ҳеч кимдан қабул қилмайди.

وَإِذْ أَخَذْنَا مِنَّا قُلُوبَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ الطُّورَ خُذُوا مَا آتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَأَنْكُرُوا مَا فِيهِ لَعْنَكُمْ تَنَقُّونَ (٦٣)

٦٣. Эй Бани Исроил, **Биз сизлардан Аллоҳга иймон келтириш ва ибодатда Уни ёлғизлашга қатъий ахдни олган ва устингизда Тур тоғини күтариб:** «**Биз сизларга берган китобни жиддийлик ва ва қунт билан олинглар ва уни ёдда тутинглар, акс ҳолда устингизга тоғни ёпиб қўямиз.** Мендан тақво қилишингиз ва азобимдан қўрқишингиз учун Тавротни сўзу амалда асло унутманглар», деб айтганимиз-ни эсланглар.

لَمْ تَوَلَّنُم مِّنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةً لَكُنْتُم مِّنَ الْخَاسِرِينَ (٦٤)

٦٤. Сүнг, тоғни устингизда күтариб туриб ахду-паймонаңызни олганимиздан кейин ҳам, доимги одатин-гизга күра, яна хилоф қилдингиз, яна осийлик қилдингиз. Агар сизларга Аллоҳ фазлу марҳамат күргизиб, тавбала-рингизни қабул этмаганида ва гуноҳларингизни кечирма-ганида эди, дунё-ю охиратда зиёнкорлардан бўлиб қолар-дингиз.

وَلَقَدْ عِلِّمْنَا الَّذِينَ اعْنَدُوا مِنْكُمْ فِي السَّبَبِ فَقَاتَنَا لَهُمْ كُوئُنُوا قِرَدَةً حَاسِيْنَ (٦٥)

٦٥. Эй яҳудийлар, шанба кунини улуғлаш борасидаги ахдларида Аллоҳга осий бўлган қишлоқ ахлидан бўлган аждодларингиз бошига не бало тушганини

билдингиз. Улар шанба куни балиқ овлаш қасдида ҳовузлар қазиб, түр ташлаб қўйиб, тушган балиқларни якшанба куни овлаш орқали ҳаромга ҳийла қилишди. Шу қилмишлари сабабли Аллоҳ уларни хор ва бадбахт маймунларга айлантириб қўйди.

فَجَعَلْنَا هَا نَكَالاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهَا وَمَا خَلْفَهَا وَمَوْعِظَةً لِلْمُنْتَقَبِينَ (٦٦)

۶۶. Биз бу қишлоқ ва унинг аҳли бошига келган балони ўша даврдаги шаҳар-қишлоқлар аҳлига ва улардан кейин келиб, худди шундай гуноҳларни қилувчиларга ибрат қилдик. Шунингдек уни солих кишиларга ўзларини ҳақ устида эканларини билиб, унда сабот билан

туришлари учун эслатма қилиб
қўйдик.

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تَذْبُحُوا بَقَرَةً قَالُوا أَتَتَخِذُنَا هُرُوناً قَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْجَاهِلِينَ (٦٧)

۶۷. Эй Бани Исроил,
аждодингизнинг саркашлиқ-ларини
ва Мусо алайҳис-салоту вас-салом
 билан кўп талашиб-
тортишишларини эсланглар. **Мусо**
уларга: «Аллоҳ сизларга бир сигир
сўйишни амр этмокда», **деганида**
улар кибру ҳаво билан: «Сен бизни
камситиш ва масхарага нишон
қилаяпсанми?!», дейишиди. **Шунда**
Мусо уларга: «Мазах қилувчи
жоҳиллардан бўлиб қолишдан
Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман»,
деди.

قَالُوا ادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا هِيَ قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا فَارِضٌ وَلَا بِكُرْ عَوَانٌ بَيْنَ ذَلِكَ فَافْعُلُوا مَا تُؤْمِنُونَ (٦٨)

٦٨. Улар: «Роббингга дуо қилиб сўра, У бизга бу сигирнинг белгисини очиқ баён қилсин», дейишди. Мусо деди: «Аллоҳ айтмоқдаки, у сигирнинг белгиси — ўта қари ҳам, ўта ёш ғунажин ҳам бўлмаслиги, балки ўрта ёшли сигир бўлишидир. Бас, энди Роббингизнинг буйруғини адо этишга шошилинглар».

قَالُوا ادْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّنْ لَنَا مَا لَوْنُهَا قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفْرَاءٌ فَاقْبَعَ لَوْنُهَا تَسْرُ النَّاظِرِينَ (٦٩)

٦٩. Улар яна баҳсга киришиб: «Роббингга дуо қилиб сўра, бизга унинг рангини баён қилсин», дейишди. Мусо деди: «Аллоҳ айтмоқдаки, у кўрганларнинг

күзини қувон-тирадиган түк сариқ рангли сигир бўлсин».

فَأَلْوَا ادْعُ لَنَا رَبَّكُمْ يُبَيِّنُ لَنَا مَا هِيَ إِنَّ الْبَقَرَ شَهَادَةُ عَلَيْنَا وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ أَمْهَدُونَ (٧٠)

٧٠. Бани Исроил Мусога яна:

«Роббингга дуо қилиб сўра, бизга унинг юқорида айтилгандан бошқа белгиларини ҳам баён қилсин.

Чунки, бундай сифатдаги сигирлар кўп, қай бирини танлаш бизга иштибоҳли бўлиб қолди. Биз иншооллоҳ, ўша буюрилган сигирни топиб сўямиз», дейишди.

فَالَّذِينَ يَقُولُونَ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَا ذُلُولٌ تُثِيرُ الْأَرْضَ وَلَا تَسْقِي الْحَرْثَ مُسْلَمَةٌ لَا شَيْءًا فِيهَا قَالُوا إِنَّمَا جِئْتُمْ بِالْحَقِّ فَذَبَّوْهَا وَمَا كَانُوا يَفْعَلُونَ (٧١)

٧١. Мусо деди: «Аллоҳ айтмоқдаки, у хор бўлиб, ер ҳайдамайдиган, экин суғоришда ишлатилмайдиган, барча айбу нуқсондан холи, ўз рангидан

бошқа бирон ранги-аломати бўлмаган сигирдир». Улар: «Мана энди у сигир-нинг белгиларини тўла-тўкис келтирдинг», дейишиди ва узоқ пайсалга солишлардан кейин айтилган сигирни сўйишга мажбур бўлишди, саркашликлари сабаб бу ишни амалга оширолмай қолаёзди. Ортиқча саволларни кўпайтиришгани учун Аллоҳ ҳам уларга ишларини қийинлаштириб қўйди.

وَإِذْ قَتَلْنَا نَفْسًا فَادَارُثُمْ فِيهَا وَاللَّهُ مُحْرِجٌ مَا كُنْتُمْ تَكْنُمُونَ (٧٢)

۷۲. Эсланглар, сизлар бир жон (**эгаси**)ни ўлдириб қўйиб, у ҳақда жанжаллашиб қолган ва ҳар ким ўзидан қотиллик тухматини даф қилган эди. Аллоҳ сизлар

яшираётган нарсани юзага
чиқарувчиdir.

فَقُلْنَا اضْرِبُوهُ بِعَصْبِهَا كَذَلِكَ يُخْيِي اللَّهُ الْمُؤْتَى وَيُرِيكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ (٧٣)

٧٣. Шунда Биз: «Мактулни шу сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар, шунда Аллоҳ уни тирилтиради ва қотили кимлигини ўзи айтиб беради», дедик. Улар шундай қилишгач, ўликка жон битиб, қотилини айтиб берди.

Худди шунга ўхшаш, Аллоҳ қиёмат куни ўликларни тирилтиради ва ақлларингизни юргизиб, Унга осий бўлишдан тийили-шингиз учун сизларга — эй Бани Исроил — Ўзининг комил қудратига далил бўлувчи мўъжизаларини кўрсатади.

لَمْ يَسْتُ قُلُوبُهُمْ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ فَهِيَ كُلُّ حِجَارَةٍ أَوْ أَسْدُ قَسْوَةٍ وَإِنَّ مِنْ الْحِجَارَةِ لَمَا يَتَعَجَّبُ مِنْهُ الْأَهْمَارُ
وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَسْتَقِعُ فَيَخْرُجُ مِنْهُ الْمَاءُ وَإِنَّ مِنْهَا لَمَا يَهْبِطُ مِنْ خَشْبَيْنِ اللَّهِ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ
(٧٤)

74. Лекин, сизларга бунинг фойдаси бўлмади. Чунки, шундок ғайриоддий мўъжизалардан кейин ҳам дилларингиз қаттиқлигича қолаверди, уларга яхшилик сизиб киролмади. Дилларингиз Биз сизларга кўрсатган оят-аломатларни кўриб ҳам юмшамади, охир-оқибат қотиб тошга айланди, балки тошданда қаттиқлашди. Зеро, айрим тошлар бўладики, сурилиб, кенгайиб, ораларидан сувлар оқиб, дарёларга айланиб кетади. Айрим тошлар ёрилиб, бўлинниб, ичидан чашма ва булоқлар отилиб чиқади. Айрим тошлар Аллоҳнинг ҳайбатидан

қўрқиб тоғларнинг тепасидан думалаб тушади. Аллоҳ сизлар қилаётган ишлардан ғофил эмас.

أَفَتَطْمَعُونَ أَنْ يُؤْمِنُوا لَكُمْ وَقَدْ كَانَ فَرِيقٌ مِنْهُمْ يَسْمَعُونَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ يُحَرِّفُونَهُ مِنْ بَعْدِ مَا عَفَلُوا
وَهُمْ يَعْلَمُونَ (٧٥)

۷۵. Эй мусулмонлар, Бану Исроилнинг қилмишларини унутдингизми, динингизни яхудлар тасдиқ этишидан умид-вор бўлдингизми?! Ваҳоланки, уларнинг олимлари Аллоҳ-нинг Тавротдаги каломини эшлишишар, сўнгра унинг ҳақиқатини англаб етганларидан кейин маъносини бошқа томонга буриб, ёки лафзларини бошқача қилиб, ўзгартириб юборишар эди, оламлар Роббининг каломини

қасддан ўзгартираётганларини
билиб туриб, шундай қилишарди.

وَإِذَا لَقُوا الَّذِينَ آمَنُوا قَالُوا آمَنَّا وَإِذَا خَلَا بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ قَالُوا أَتَحِدُّثُونَهُمْ بِمَا فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ
لِيُحَاجُوكُمْ بِهِ عِنْدَ رَبِّكُمْ أَفَلَا تَعْقِلُونَ (٧٦)

76. У яхудийлар мўминларга
йўлиққанларида тиллари-да: «Биз
ҳам сизларнинг динингизга ва
Тавротда хабари келган
пайғамбарингизга иймон
келтирдик», дейишади. Ўзлари
ёлғиз қолганларида бир-бирларига
танбех бераб: «Муҳаммад ҳақида
Тавротда Аллоҳ сизларга баён
қилган нарсаларни мўминларга
айтиб қўясизларми, ахир қиёмат
куни Роббингиз ҳузурида буни улар
сизларга қарши ҳужжат қилишади-

ку! Ақлингизни ишлатмайсизми?!»,
дейишади.

أَوْلَا يَعْلَمُونَ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا يُعْلَمُونَ (٧٧)

۷۷. Шу қадар жиноятларни
қилишадими, ахир Аллоҳ уларнинг
яширинча қилаётган ишларини ҳам,
ошкор қилаётган ишларини ҳам
билувчи эканини билмайди-ларми?!

وَمِنْهُمْ أَمِيُّونَ لَا يَعْلَمُونَ الْكِتَابَ إِلَّا أَمَانِيَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَظْلَمُونَ (٧٨)

۷۸. Яхудлар орасида бир гурӯҳи
борки, ўқиши ва ёзишни билмайди,
Тавротни ва унда баён қилинган
Аллоҳнинг пайғамбари Мухаммад
соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг
белгиларини билмайди, бу борада
уларда фақат уйдирмалар ва бузук
гумонлар бор, холос.

فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ يَكْثُرُونَ الْكِتَابَ بِإِيمَانِهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدَ اللَّهِ لَيَسْتُرُوا بِهِ ثَمَنًا فَلِيَلَا فَوَيْلٌ لَّهُمْ مِّمَّا كَتَبُتُ إِنَّهُمْ وَقَاتِلُونَ لَهُمْ مَّا يَكْسِبُونَ (٧٩)

79. Китобни ўз қўллари билан ёзиб, кейин уни Аллоҳ пайғамбари Мусо алайҳиссаломга туширган китобга тамомила зид бўлгани ҳолда, эвазига дунё матосини қўлга киритиш учун: «Бу Аллоҳ ҳузуридан келган», деб айтади-ган баднафс яҳуд олимларига қаттиқ азоб ва ҳалокат бўлсин! Ана шу ботилни қўллари билан ёзганликлари сабабли уларга ҳалокатли азоб бўлсин, бунинг эвазига қўлга киритадиган пора ва шунга ўхшаш моллари сабабли уларга ҳалокатли азоб бўлсин!

وَقَالُوا لَنْ تَمَسَّنَا النَّارُ إِلَّا أَيَّامًاً مَغْدُودةً فُلَنْ أَتَتَّخْدُمْ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدًا فَلَنْ يُخْفِيَ اللَّهُ عَفْدَهُ أَمْ تَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ (٨٠)

۸۰. Бану Исроил: «Охиратда бизга фақат саноқли кунларгина дўзах ўти етади», деди. Эй Пайғамбар, сиз уларнинг даъволарини пучга чиқариб, айтингки: «Бу ҳақда сизларда Аллоҳ берган аҳд бормики, Аллоҳ Ўз аҳдига асло хилоф қилмагай?! Йўқ, сизлар ўз ёлғон даъволарингиз билан Аллоҳ номидан билмаган нарсаларингизни айтмоқ-дасизлар».

بَلَى مَنْ كَسَبَ سَيِّئَةً وَأَحَاطَتْ بِهِ حَطِينَةٌ فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ (۸۱)

۸۱. Бас, Аллоҳнинг ўзгармас ҳукми шуки, кимда-ким гуноҳлар қилса ва охир-оқибат гуноҳлари уни куфрга тортса, гуноҳлари ҳар тарафдан уни ўраб, эгаллаб олса — бу эса Аллоҳга ширк келтирган кимсаларда содир

бўлади — ундей мушрик ва кофирлар мангу дўзахда қолувчи кимсалардир.

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا حَالِدُونَ (٨٢)

٨٢. Бунинг муқобилида Аллоҳнинг яна бир ўзгармас хукми шуки, Аллоҳни ва пайғамбарларини чин дилдан тасдиқлаган ва Аллоҳнинг пайғамбарларига ваҳий қилган шариатига мувофиқ амал қилган кишилар — ана ўшалар охиратда абадул-абад жаннатда бўлгайлар.

وَإِذْ أَخْدُنَا مِيقَاتَ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهُ وَبِأُلُوَّ الدِّينِ إِحْسَانًا وَذِي الْفُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمُسَاكِينِ وَقُلُولَا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَأَنُوْا الزَّكَاةَ ثُمَّ تَوَلَّبُنِمْ إِلَّا قَلِيلًا مِنْكُمْ وَأَنَّمُّ مُعْرَضُونَ (٨٣)

٨٣. Эсланг эй Бану Исройл, шериксиз, ягона Аллоҳнинг Ўзига ибодат қиласизлар, ота-она ва

қариндошларга, етимларга (оталари вафот этган балоғатга етмаган болалар-га) ва мискинларга яхшилик қиласизлар, одамларга яхши гапларни гапирасизлар, намозни адо этасизлар ва закотни ўтайсизлар, деб сизлардан қатъий аҳд олган эдик, кейин сизлар юз ўгирдинглар ва аҳдни буздинглар — факт оз сонли кишиларгина аҳдларида турди — ва сизлар юз ўгиришда давом этиб турибсизлар.

وَإِذْ أَخَذْنَا مِئَاقَكُمْ لَا تَسْنُكُونَ بِمَا كُنْتُمْ وَلَا تُحْرِجُونَ أَنفُسَكُمْ مِنْ دِيَارِكُمْ ثُمَّ أَفْرَزْنُمْ وَأَنْثُمْ شَهَدُونَ
(٨٤)

٨٤. Эсланг эй Бану Исроил,
Тавротда сизлардан бир-
бирингизнинг қонингизни тўкишни
ва бир-бирингизни диёрларингиздан

ҳайдаб чиқаришни ҳаром қилувчи
қатъий аҳдни олган эдик, сизлар
бунинг тӯғрилигига гувоҳ бўлган
ҳолда эътироф этган эдинглар.

لَمْ أَنْتَمْ هُوَ لَاءٌ تَقْتُلُونَ أَفْسَكُمْ وَتُحْرِجُونَ فَرِيقاً مِنْكُمْ مِنْ دِيَارِهِمْ تَنْظَاهِرُونَ عَلَيْهِمْ بِالْإِثْمِ وَالْعُدُوْنَ
وَإِنْ يَأْتُوكُمْ أَسْارَى تُقْدُرُهُمْ وَهُوَ مُحَرَّمٌ عَلَيْكُمْ إِخْرَاجُهُمْ أَفْتُؤْمِنُونَ بِعَصْنِ الْكِتَابِ وَتَكْفُرُونَ
بِعَصْنِ فَمَا جَرَأَ مِنْ يَفْعُلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا خَرْجٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يُرَدُّونَ إِلَى أَشَدِ
الْعَذَابِ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ (٨٥)

85. Кейин сизларнинг ўзингиз — эй
яҳудлар — бир-бирингизни
ўлдирмокдасиз, баъзиларингиз
баъзиларингиз-ни диёрларидан
ҳайдаб чиқармоқда, сизлардан ҳар
бир гурух ўз биродарларига қарши
зулму тажовуз билан душманлар
ёрдамида кучланмоқда. Агар улар
душманлар қўлида асир бўлган
ҳолда ҳузурингизга келишса, тўлов
воситасида асирликдан қутқариб

олишига ҳаракат қиласиз-лар, ҳолбуки, уларни диёрларидан ҳайдаб чиқаришингиз сизлар учун ҳаром қилинган эди. Таврот ҳукмларидан баъзилариға иймон келтириб, баъзиларини инкор қилиб, қилаётган бу ишларингиз нақадар қабих! Ичларингиздан бундай ишни қиладиган кимсаларнинг жазоси дунёда хорлик ва расволикдир, охиратда эса Аллоҳ уларни оғир дўзах азобига дучор этади. Аллоҳ сизлар қилаётган ишлар-дан ғофил эмасдир.

أُولَئِكَ الَّذِينَ اشْتَرَوُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالآخِرَةِ فَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمُ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ (٨٦)

۸۶. Ана ўшалар охират ўрнига дунё ҳаётини ихтиёр қилган кишилардир, улардан азоб енгиллатилмас ва

уларга Аллоҳнинг азобидан
қутқариб оловчи бирон ёрдамчи
бўлмас.

وَلَقَدْ آتَيْنَا مُوسَى الْكِتَابَ وَقَفَّيْنَا مِنْ بَعْدِهِ بِالرُّسُلِ وَآتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ الْبَيْتَاتِ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ
الْقُدْسِ أَفَكَلَّا جَاءَكُمْ رَسُولٌ بِمَا لَا تَهُوَى أَنفُسُكُمْ اسْتَكْبَرُوا كَذَّبُوكُمْ وَفَرِيقًا تَقْتَلُونَ (۸۷)

۸۷. Биз Мусога Тавротни бердик,
унинг ортидан Бану Исроилдан
бўлган пайғамбарларни бирин-кетин
юбордик, Ийсо ибн Марямга очиқ
мўъжизалар бердик ва уни Жибрийл
алайҳиссалом билан қувватладик.
Ҳар қачон сизларга пайғамбар
Аллоҳ хузуридан нафсингизга
ёқмайди-ган ваҳийни келтирса,
такаббурлик қилиб, бировини
ёлғончи санаб, бировини
ўлдираверасизми?!

وَقَالُوا قُلُوبُنَا غُلْفٌ بَلْ لَعَنْهُمُ اللَّهُ بِكُفْرِهِمْ فَقَلِيلًا مَا يُؤْمِنُونَ (۸۸)

۸۸. Бану Исроил Аллоҳнинг пайғамбари ва элчиси Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Бизнинг дилимиз берк, унга сенинг сўзинг ўтмайди», дедилар. Аслида, ундей эмас, балки уларнинг диллари лаънатланган ва уларга муҳр уриб қўйилгандир. Улар куфру инкорлари сабабли Аллоҳнинг раҳматидан қувилганлар, энди улар жуда кам, ўзларига нафи тегмайдиган даражада иймон келтиришади.

وَلَمَّا جَاءَهُمْ كِتَابٌ مِّنْ عَنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَهُمْ وَكَانُوا مِنْ قَبْلٍ يَسْتَعْنِحُونَ عَلَى الَّذِينَ كَفَرُوا فَلَمَّا
جَاءَهُمْ مَا عَرَفُوا كَفَرُوا بِهِ فَلَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْكَافِرِينَ

(۸۹) اللَّهُ عَلَى الْكَافِرِينَ

۸۹. Уларга Аллоҳ хузуридан ўзларида бўлган Тавротни

тасдиқловчи китоб — Қуръон келганида уни инкор қилди-лар, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғам-барликларини инкор қилдилар. Ҳолбуки, илгари, у зот пайғамбар қилиб юборилмай туриб, араб мушриклариға қарши ундан ёрдам кутишар, «охирзамон пайғамбари чиқиш вақти яқин қолди, биз унга әргашиб, сизларни мағлуб қиласыз», дейишарди. Барча белгиларини ва ростлигини үzlари яхши билған пайғамбар келганида эса уни инкор қилиб, ёлғончига чиқардилар. Бас, Аллоҳнинг әлчиси Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ва Аллоҳ у зотга вахий қилған Қуръонни инкор қилған

кимсаларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
إِنَّمَا اشْتَرَوْا بِهِ أَنفُسَهُمْ أَنْ يُكْفِرُوا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِعْدًا أَنْ يُنَزَّلَ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ عَلَى مَنْ يَشَاءُ مِنْ
عِبَادِهِ فَبَاعُوا بِغَصَبٍ عَلَى غَصَبٍ وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ مُهِمٌِّ (٩٠)

۹۰. Бану Исроил ўзлари учун
нақадар ёмон нарсани ихтиёр этди
— Аллоҳ пайғамбари Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи ва салламга Ўз
фазли билан Қуръон нозил
қилганига ҳасад қилиб, иймонга
куфрни алмаштириб олишди, аввал
Тавротни ўзгартириб юборганлари
сабабли Аллоҳнинг ғазабига дучор
бўлишгани ортидан, энди
Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи ва салламни
инкор этишлари сабабли яна бир
бор Аллоҳнинг ғазабига дучор

бўлишди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларини инкор қилувчи кимсалар-га хорловчи азоб бордир.

وَإِذَا قَبَلَ لَهُمْ آمُّنَا بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا تُؤْمِنُ بِمَا أُنْزِلَ عَلَيْنَا وَيَكْفُرُونَ بِمَا وَرَاءَهُ وَهُوَ الْحَقُّ
مُصَدِّقاً لِمَا مَعَهُمْ قُلْ فَلَمْ يَقْتُلُنَّ أَنْبِيَاءَ اللَّهِ مِنْ قَبْلٍ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ (٩١)

۹۱. Мусулмонлар яхудийларга:
 «Аллоҳ туширган Қуръонга иймон келтиринглар», десалар, улар: «Биз ўз пайғамбарларимизга туширилган нарсаларга иймон келтирамиз», дейишади ва Аллоҳ кейин нозил қилган нарсани — ўзларида (**Тавротда**) бўлган нарсани тасдиқ этувчи ҳақ Қуръонни инкор қилишади. Агар улар ўз китобларига ростдан иймон келтиришганда эди, уларни тасдиқ этиб келган Қуръонга

ҳам албатта иймон келтиришган бўларди. Эй Муҳаммад, **сиз уларга айтинг**: «Агар Аллоҳ сизларга туширган нарсага иймон келтирувчи бўлсангиз, нега у ҳолда илгари Аллоҳнинг пайғамбар-ларини ўлдирап эдинглар?!»

وَلَقَدْ جَاءَكُمْ مُوسَى بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ اتَّخَذْتُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ ظَالِمُونَ (٩٢)

۹۲. Аллоҳнинг пайғамбари Мусо сизларга ўзининг рост пайғамбарлигига далил бўлувчи тўфон (**сел**), чигиртка, бит, бақа каби Қуръонда зикр қилинган очик-равshan мўъжиза-ларни олиб келди. Шундай бўлса ҳам, Мусо Робби билан ваъдалашган жойга кетганида сизлар Аллоҳ белгилаб берган

ҳаддингиздан ошиб, бузокни маъбуд
қилиб олдин-гиз.

وَإِذْ أَخَذْنَا مِنْهُمْ وَرَفِعْنَا فَوْقَكُمُ الظُّرُورَ خُذُوا مَا آتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَاسْمَعُوا قَالُوا سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا
وَأَشْرَبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ بِكُفْرٍ هُمْ فَلْ يُسْمَعَا يَأْمُرُكُمْ بِهِ إِيمَانُكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ (٩٣)

۹۳. Эсланглар, сизлардан Мусо олиб
келган Тавротни қабул қилиш
ҳақида қатъий аҳд олгандик, сизлар
аҳдни буздинглар. Биз Тур тоғини
бошларингиз устида кўтариб туриб:
«Биз сизларга берган нарсани
жиддий ушланг, қулоқ солинг ва
итоат қилинг, акс ҳолда ушбу тоғни
устингизга ташлаб юборамиз»,
дедик, **кейин сизлар:** «Сўзингни
эшитдик ва амрингга осий бўлдик»,
дедингиз. Чунки, куфрда давом
этишингиз сабабли бузокқа ибодат
дилларин-гизга ўрнашиб кетганди.

Эй Пайғамбар, уларга айтинг:
«Аллоҳ сизларга туширган нарсага
иймон келтирган бўлсангиз, сизнинг
иймонингиз нақадар ёмон нарсага
— куфр ва залолатга буюради!».

فُلْ إِنْ كَانَتْ لَكُمُ الدَّارُ الْآخِرَةُ عِنْدَ اللَّهِ خَالِصَةً مِنْ دُونِ النَّاسِ فَتَمَّنُوا الْمَوْتَ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ
(٩٤)

٩٤. Эй Пайғамбар, ўзларини
Аллоҳнинг яқин дўстлари, Унинг
болалари ва суюклилари, деб даъво
қилишлари сабабли, жаннат фақат
бизга хос, бошқа одамларга эмас,
деб даъво қиласиган яҳудийларга
айтинг: «Агар иш шундай бўлса, у
ҳолда сизларданми, бошқаларданми,
кимда-ким ёлғончи бўлса, унга ўлим
тилаб, дуо қилинглар, даъвола-
рингиз рост бўлса».

وَلَنْ يَتَمَّنُوهُ أَبَدًا بِمَا قَدَّمْتُ أُنْذِيَهُمْ وَاللَّهُ عَلِيهِ بِالظَّالِمِينَ (٩٥)

۹۵. Улар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақ-рост пайғамбар эканларини, ўзларининг эса ёлғон даъво қилаёттганларини билишгани боис, шунингдек, жаннатдан маҳрум бўлиш ва дўзахга тушишга олиб борувчи куфру исёnlарга гирифтор бўлганлари сабабли, ҳаргиз ўлимни орзу қилиша олмайди. Аллоҳ таоло бандалари орасидаги золим кимсаларни яхши билувчиидир, У уларга қилмишларига яраша жазо беради.

وَلَتَجِدُهُمْ أَحْرَصَ النَّاسَ عَلَى حَيَاةٍ وَمِنْ الَّذِينَ أَشْرَكُوا يَوْدُ أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمَّرُ أَلْفَ سَنَةً وَمَا هُوَ بِمُزَّخْرِجٍ مِنَ الْعَذَابِ أَنْ يُعَمَّرَ وَاللَّهُ بَصِيرٌ بِمَا يَعْمَلُونَ (٩٦)

۹۶. Эй Пайғамбар, сиз яҳудларнинг ҳаётга ғоят ҳарисликларини, ҳар қанча хор ва тубан ҳаёт бўлса-да, узунроқ умр кўришга қаттиқ рағбат қилишларини, узун умр кўришга бўлган рағбатлари мушрикларнинг рағбатидан ҳам ортиқ эканини кўрасиз, айрим яҳудийлар минг йил умр кўришни орзу қиласди. Бироқ, шунча узок умр кўрганда ҳам, бу уни Аллоҳнинг азобидан узоқлаштира олмайди. Аллоҳ таолога уларнинг ҳеч бир иши маҳфий эмас, У уларни барча қилмишларига яраша, ўзлари лойик бўлган азоб билан албатта жазолайди.

فُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَى قَبْلِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُحْسِنًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى وَبُشْرَى
لِلْمُؤْمِنِينَ (۹۷)

٩٧. Эй Пайғамбар, «Фаришталар ичидан Жаброил бизнинг душманимиз», деб айтган яҳудларга айтингки, ким Жаброилга душман бўлса, (бilsинки) Жаброил Аллоҳнинг изни билан ўзидан олдинги китобларни тасдиқ этувчи, ҳаққа йўлловчи ва уни тасдиқ этувчиларга дунё-ю охиратда барча яхшиликлар хушхабарини берувчи бўлган Қуръонни сизнинг қалбингизга туширди.

مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِّلَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ وَجِبْرِيلَ وَمِيكَالَ فَإِنَّ اللَّهَ عَدُوُّ لِلْكَافِرِينَ (٩٨)

٩٨. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, Унинг инсон ва фаришталардан бўлган элчиларига, хусусан, Жаброил ва Микоилга душман бўлса — чунки, яҳудийлар

Жаброилни ўзларига душман,
 Микоилни дўст деб билишарди,
 Аллоҳ таоло уларга эълон қилдики,
 ким бу икки улуғ фариштадан
 бирларини душман тутса,
 иккинчисини ҳам душман тутган
 бўлади ва табиийки Аллоҳни ҳам
 душман тутган бўлади — зотан,
 Аллоҳ таоло Ўз элчиси Мұхаммад
 соллаллоҳу алай-ҳи ва салламга
 нозил қилган нарсани инкор
 қилувчилар душманидир.

وَلَقَدْ أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ وَمَا يَكُفُرُ بِهَا إِلَّا الْفَاسِقُونَ (۱۹)

۱۹. Эй Пайғамбар, Биз сизга
 Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари
 эканингизга далил бўлувчи очик-
 равшан оятларни тушир-дик, бу

оятларни фақат Аллоҳнинг динидан чиққан кимсаларгина инкор қиласди.

أَوْكُلَّمَا عَاهَدُوا عَهْدًا نَبَذُهُ فَرِيقٌ مِنْهُمْ بِلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ (١٠٠)

‘00. Бану Исроилнинг ҳадеб аҳдларни бузавериши нақадар хунук ҳол! Ҳар сафар бирон аҳдга аҳдлашсалар, улардан бир гурухи ўша аҳдни албатта бузади. Кўрасизки, бугун бир нарсага аҳд қилишса, эртага уни бузишади. Аслида, уларнинг кўплари Аллоҳнинг пайғамбари ва элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган нарсани тасдик этишмайди.

وَأَمَّا جَاءُهُمْ رَسُولٌ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَهُمْ نَبَذَ فَرِيقٌ مِنْ الَّذِينَ أَتُوا الْكِتَابَ كِتَابَ اللَّهِ وَرَأَءَاءَ طُهُورٌ هُمْ كَانُوكُمْ لَا يَعْلَمُونَ (١٠١)

۱۰۱. Аллоҳнинг пайғамбари
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва
саллам уларга қўлларидағи Тавротга
мувофиқ келувчи Қуръонни олиб
келганида улардан бир гуруҳи
Аллоҳнинг Китобини ортларига
ташладилар, уларнинг ҳоли унинг
(Қуръоннинг) ҳақиқатини
билмайдиган жоҳил кимсалар
ҳолидир.

وَأَتَبْغُوا مَا تَنْهَى السَّيَاطِينُ عَلَى مُلْكِ سُلَيْمَانَ وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلِكُنَّ الشَّيَاطِينَ كَفَرُوا يُعْلَمُونَ
النَّاسُ السَّحْرُ وَمَا أَنْزَلَ عَلَى الْمَلَكِينَ بِتَابِلَ هَارُوتَ وَمَارُوتَ وَمَا يُعْلَمُانِ مِنْ أَخْدَ حَتَّى يَقُولَا إِنَّا
نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يَقْرَرُونَ بِهِ بَيْنَ الْمُرْءَ وَزَوْجِهِ وَمَا هُمْ بِضَارَّيْنِ بِهِ مِنْ أَخْدٍ
إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ وَيَتَعَلَّمُونَ مَا يَضْرُبُهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَلَقَدْ عَلِمُوا لَمَنْ اسْتَرَاهَا مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلَاقٍ
وَلَيْسَ مَا شَرَوْا بِهِ أَنْفُسَهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ (۱۰۲)

۱۰۲. Яхудийлар Сулаймон ибн
Довуднинг подшоҳлиги даврида
шайтонлар сеҳргарларга келиб
сўзлаган нарсаларга эргашдилар.
Сулаймон кофир эмасди, у сеҳр

ўрганмаганди, балки шайтонлар одамларга динларини бузиш мақсадида сеҳр ўргатиб, кофир бўлишди. Шунингдек, яҳудийлар Ироқдаги Бобил ерида икки фаришта Ҳорут ва Морутга Аллоҳ томонидан бандаларга имтиҳон учун туширилган сеҳрга эргашдилар. Бу икки фаришта ҳеч бир кишига аввал насиҳат қилмай ва сеҳр ўрганиш оқибатидан огоҳлантир-май туриб, бирон нарса ўргатмас эдилар, «Сеҳрни ўрганиш ва шайтонларга итоат қилиш билан кофир бўлиб қолмагин», дер эдилар. Одамлар бу икки фариштадан эр хотинни бир-бирига ёмон кўрсатиб, ўртасини ажратиб юборадиган нарсаларни ўрганишарди. Лекин,

сехргарлар бирон кишига
Аллоҳнинг изни ва қазосисиз бирон
зарар етказишга қодир эмаслар, улар
фақат ўзларига зарарли ва бефойда
бўлган ёмонликларни ўрганишади.

Шайтонлар уни (**сехрни**)

яҳудийларга нақл қилишди ва сехр
улар ичида кенг тарқалиб, ҳатто уни
Аллоҳнинг китобидан-да юқори
қўядиган бўлишди. Дарҳақиқат,
яҳудийлар сехрни танлаган ва ҳақни
тарк қилган кимсалар учун охиратда
яхшилиқдан бирон улуш
бўлмаслигини билган эдилар. Ўз
жонларини нақадар ёмон нарсага —
иймон ва Пайғамбарга эргашиш
ўрнига сехр ва куфрға сотдилар.
Қанийди уларда эшитган

насиҳатларига амал қилишга олиб борувчи билим бўлса!

وَأُنْهُمْ آمَنُوا وَأَنْفَقُوا مَمْوَةً مِّنْ عِنْدِ اللَّهِ خَيْرٌ لَّوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ (۱۰۳)

‘۱۰۳. Яхудийлар агар иймон келтиришса ва Аллоҳдан қўрқишишса эди, Аллоҳнинг савоби улар учун сеҳрдан ва у орқали топган нарсаларидан яхши эканига аниқ ишонч ҳосил қилишар эди. Агар иймон ва тақво сабабли ҳосил бўлувчи ажру савобларни аниқ билишса эди, албатта иймон келтиришган бўларди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقُولُوا رَاعِنَا وَقُولُوا انْظُرْنَا وَاسْمَعُوا وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ (۱۰۴)

‘۱۰۴. Эй иймон келтирғанлар, сизлар Пайғамбар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга: Бизнинг

ҳолимизни риоя қилиб, оятларни шошилмай ўқиб беринг, биз яхши тушуниб олайлик, деган маънода «Роъинаа» деб айтманглар, — чунки, яхудийлар лафзда айни шу сўзга ўхшаб кетадиган, бироқ анқовлик ва овсарлик маъносини англатувчи «руъувнат» калимасига тилларини буриб, бу билан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақорат-лашни мақсад қилишарди — балки, сизлар бу сўз ўрнига «Унзурнаа — бизга боқинг, ҳолимизга қаранг» деган сўзни айтинглар, бу сўз ҳам айни шу маънони ифода қиласди. Сизлар ўзингизга тиловат қилинаётган Роббингизнинг китобига қулоқ тутинглар ва уни тушуниб олинглар.

Инкор қилувчилар учун аламли азоб бордир.

مَا يَوَدُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَلَا الْمُشْرِكُينَ أَنْ يُنَزَّلَ عَلَيْكُمْ مِنْ خَيْرٍ مِنْ رَبِّكُمْ وَاللَّهُ يَخْتَصُ بِرَحْمَتِهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ (١٠٥)

‘ ١٠٥. Ахли китоб ва мушриклардан бўлган кофирлар сизларга Роббингиз томонидан хоҳ Куръон, хоҳ илм, хоҳ нусрат, хоҳ башорат бўлсин, озгина бўлса-да бир яхшилик туширилишини исташмайди. Аллоҳ Ўз раҳмати, нубуввати ва рисолатига бандалари ичидан Ўзи истаган кишини хослайди. Аллоҳ мўл-кўл фазлу марҳамат эгасидир.

مَا نَسْخَ مِنْ آيَةٍ أَوْ نُنْسِهَا نَأْتِ بِخَيْرٍ مِنْهَا أَوْ مِثْلِهَا لَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (١٠٦)

‘ ١٠٦. Биз бирон оятни алмаштирасак ёки уни диллар ва зеҳнлардан

ўчирсак, сизлар учун ундан кўра фойдали-роғини келтирамиз ёки таклиф-мажбурият ва ажр-савобда унга тенг бўлган бошқа бирини келтирамиз, ҳар бир ишнинг ҳикмати бор. Эй Пайғамбар, — сиз ва умматингиз — Аллоҳ ҳар ишга қодир эканини, Уни ҳеч ким ва ҳеч нарса ожиз қолдиролмаслигини билмадингизми?!

أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ لِهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا لَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ (١٠٧)

‘. 7. Эй Пайғамбар, — сиз ва умматингиз — Аллоҳ таоло осмонлару Ернинг тасарруфи Унинг қўлида бўлган ҳақиқий Молик (подшоҳ) эканини, истаган ишини қилувчи, истаганича ҳукм қилувчи, бандаларини истаган нарсасига

буюрувчи ва истаган нарсасидан қайтарувчи эканини, бандаларга фактат итоат ва қабул вожиблигини билмадин-гизми?! Унга осий бўлганлар билсинки, ҳеч бир кимсага Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, Унинг азобидан ҳимоя қиласидиган ёрдамчи ҳам йўқдир.

أَمْ ثُرِيدُونَ أَنْ تَسْأَلُوا رَسُولَكُمْ كَمَا سُئِلَ مُوسَى مِنْ قَبْلٍ وَمَنْ يَتَبَدَّلُ الْكُفْرُ بِالإِيمَانِ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ
السَّيِّل (١٠٨)

‘۱۰۸. Эй одамлар, ё сизлар ҳам қайсаарлик ва такаббурлик билан пайғамбарингиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан илгари Мусодан талаб қилинганидек нарсаларни талаб қилишни истайсизми?! Билингларки, ким куфрни танласа ва иймонни

ташласа, у Аллоҳнинг тўғри
йўлидан чиқиб, залолат ва жаҳолат
йўлини тутган бўлади.

وَدَكَثِيرٌ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يَرُدُّونَنِمْ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِكُمْ كُفَّاراً حَسَداً مِنْ عِنْدِ أَنفُسِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا
تَبَيَّنَ لَهُمُ الْحَقُّ فَأَعْفُوا وَاصْفُحُوا حَتَّىٰ يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (١٠٩)

‘ ۱۰۹ . Ахли китобларнинг кўплари сизларни иймонли бўлганингиздан кейин, Аллоҳнинг пайғамбари ва элчиси Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рост пайғамбар эканлари уларнинг ўзларига ҳам равshan бўлганидан кейин, дилларини тўлдирган ҳасад туфайли, худди аввал-гидек, бутларга сиғинадиган коғирликка қайтаришни истайди. То Аллоҳнинг улар ҳақидаги, уларга қарши уруш қилиш тўғрисидаги ҳукми келгунига

қадар, улардан содир бўлган ёмонлик ва хатоларни кечиринглар, жаҳолатларидан кўз юминглар, Аллоҳ уларни қилмишларига яраша жазолайди. Аллоҳ ҳар ишга қодирдир, Уни ҳеч ким ожиз қолдиролмайди.

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَأَنْوِهُ الرَّكَأَةَ وَمَا تُقدِّمُوا لِأَنفُسِكُمْ مِنْ خَيْرٍ تَجِدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ
بَصِيرٌ (۱۱۰)

‘ ۱۱۰ . Эй мўминлар, намозни тўкис адо этинглар, фарз қилинган закотни беринглар ва билингларки, ўзингиз учун тақдим қилаётган ҳар бир яхшиликтининг савобини охиратда Аллоҳ ҳузурида топасизлар. Аллоҳ таоло барча ишларин-гизни кўриб турувчиdir, У сизларга

амалларингизга яраша мукофотлар беради.

وَقَالُوا لَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ كَانَ هُودًا أَوْ نَصَارَى تِلْكَ أَمَانِيُّهُمْ قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ (١١)

۱۱۱. Яхудийлар ҳам, насронийлар ҳам жаннат фақат уларга хос эканини ва улардан бошқалар жаннатга кирмас-лигини даъво қилишди, бу уларнинг хом хаёллариридир. Эй Пайғамбар, **сиз уларга:** «Агар даъволарингиз рост бўлса, унинг тўғрилигига далил-хужжат келтиринглар!», деб айтинг.

بَلَى مَنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَلَهُ أَجْرٌ هُوَ عِنْدَ رَبِّهِ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَخْرُجُونَ (١١٢)

۱۱۲. Иш улар даъво қилганидек, жаннат фақат уларнинг тоифасига хос бўлиб, бошқалар унга кирмайди эмас. Балки, ким ягона ва шериксиз

Аллоҳнинг Ўзига холис ибодат қилса, барча сўз ва ишларида Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашса, у албатта жаннатга киради. Ким шундай қилса, охиратда Робби ҳузурида унинг учун муносиб мукофот — жаннатга кириш бор. Уларга ўzlари юзланажак охират ишларида ҳеч бир хавфу хатар йўқдир, қўлларидан кетган дунё ишларига ғамгин ҳам бўлмайдилар.

وَقَالَتِ الْيَهُودُ لَيْسَ النَّصَارَى عَلَى شَيْءٍ وَقَالَتِ النَّصَارَى لَيْسَ الْيَهُودُ عَلَى شَيْءٍ وَهُمْ يَتَّلَوُنَ الْكِتَابَ كَذَلِكَ قَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ مِثْلُ قَوْلِهِمْ فَالَّهُ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ

(۱۱۳)

۱۱۳. Яхудийлар: «Насронийлар ҳақ динда эмас», дедилар, **насронийлар ҳам**: «Яхудийлар ҳақ динда эмас», дедилар. Ваҳоланки, улар Таврот ва

Инжилни ўқишида, уларда барча пайғамбарларга иймон келтириш вожиблиги айтилган. Шунингдек, араб мушриклари ва бошқа илмсиз кимсалар ҳам ўшаларнинг сўзларига ўхаш сўзларни айтдилар. Яъни, ҳар бир диндор кишига: «Сен ҳақ динда эмассан», дейишди. Аллоҳ қиёмат куни уларнинг дин тўғрисида қилган ихтилофлари хусусида улар ўртасида Ўзи ажрим қилади ва ҳар бир кишига ўз амалига яраша мукофот ва жазо беради.

وَمَنْ أَظْلَمُ مَمَنْ مَنَعَ مَسَاجِدَ اللَّهِ أَنْ يُذْكَرَ فِيهَا اسْمُهُ وَسَعَى فِي حَرَابِهَا أُولَئِكَ مَا كَانَ لَهُمْ أَنْ يَدْخُلُوهَا إِلَّا خَالِفِينَ لَهُمْ فِي الدُّنْيَا حُزْنٌ وَلَهُمْ فِي الْآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ (١١٤)

۱۱۴. Масжидларда намоз ўқиш, Куръон тиловат қилиш каби ишлар

билин Аллоҳни зикр этишни ман қиласиган, уларни бузиб ташлаш ва ёпиб қўйиш билан ёки мўмин-ларни уларга киришларига тўсқинлик қилиш билан хароб қилишга уринаётганлардан кўра золимроқ кимсалар йўқдир. У золимлар масжидларга қўрқсан ва жазодан хавф қилган ҳолдагина киришлари жоиз эди. Бунинг учун уларга дунёда хорлик ва шармандалиқ, охиратда эса қаттиқ азоб бордир.

وَإِلَهُ الْمَشْرُقُ وَالْمَغْرِبُ فَإِنَّمَا تُؤْلُوا فَتَمَّ وَجْهُ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ وَاسِعٌ عَلَيْهِ (١١٥)

۱۱۵. Машриқ ҳам, мағриб ҳам, улар оралиғи ҳам Аллоҳниидир, У бутун Ер юзининг эгасидир. Аллоҳниинг амрига биноан намозда қай тарафга юзлансангиз ҳам, факат Унинг

Юзини қасд қиласизлар, Унинг мулкидан ва тоатидан чиққан бўлмайсизлар. Шубҳасиз, Аллоҳ бандала-рига бисёр раҳмат соҳиби ва уларнинг барча ишларини билиб турувчи Зотdir.

وَقَالُوا أَتَخَذَ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحَانَهُ بِلْ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّ لَهُ قَائِمُونَ (١١٦)

۱۱۶. Яхудий, насроний ва мушриклар: «Аллоҳ ўзига фарзанд тутган», дейишди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бундай ботил сўздан покдир, осмонлар-у Ердаги барча жонзот Унинг мулки ва қулидир, уларнинг барчаси Унга бўйсинувчи ва Унинг бошқаруви остиладир.

بَدِيعُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَإِذَا قَضَى أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ (١١٧)

۱۱۷. Аллоҳ таоло осмонлару Ерни ўхشاши йўқ қилиб яратган Зотдир. Агар бир ишни тақдир қилса ва бўлишини истаса, **фақатгина:** «Бўл!», дейди, у шу заҳоти бўлади.

وَقَالَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ لَوْلَا يُكَلِّمُنَا اللَّهُ أَوْ تَأْتِينَا آيَةً كَذِلِكَ قَالَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ مِثْلُ قَوْلِهِمْ شَبَابَهُنَّ
فُلُوبُهُمْ قَدْ بَيَّنَاهُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يُوقَنُونَ (۱۱۸)

۱۱۸. Аҳли китоб ва бошқалар ичидағи жоҳил кимсалар Аллоҳнинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга қайсарлик билан: «Аллоҳ биз билан бевосита гаплашиб, сиз Унинг пайғамбари эканингиз ҳақида хабар берсин ёки бизга Аллоҳ томонидан сизнинг рост пайғамбар эканингизга далил бўлувчи бирор мўъжиза келсин», дедилар. Ўтмишда ўтган ва келажак

авлодларнинг диллари куфр ва залолатда бир-бирига ўхшагани туфайли бу каби сўзни ўтмишдаги умматлар ҳам кибр ва саркашлик ила ўз пайғамбарларига айтишган. Биз қатъий ишонувчи кишилар учун — Аллоҳга иймон келтирганлари ва Унинг шариатига эргашганлари сабабли — оятларни аниқ баён қилдик.

إِنَّا أَوْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًاً وَنَذِيرًاً وَلَا تُسْأَلُ عَنْ أَصْنَابِ الْجَحِيمِ (١١٩)

‘۱۱۹. Эй Пайғамбар, Биз сизни далиллар ва мўъжизалар билан қувватланган Ҳақ Дин билан юбордик, сиз мўминларга дунё ва охират яхшилигини хушхабар бериб, саркаш кимсаларни эса уларни кутиб турган Аллоҳнинг

азоби билан қўрқитиб, бу динни одамларга етказинг. Сиз — етказганингиздан сўнг — сизни инкор қилувчиларнинг куфридан масъул бўлмайсиз, улар қиёмат куни абадий дўзахга тушадилар.

وَلَنْ تَرْضَى عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَى حَتَّىٰ شَيْعَ مُلْتَهِمُ فُلْ إِنَّ هُدَى اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ وَلَئِنْ اتَّبَعُتْ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنْ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ (۱۲۰)

‘۱۲۰. Эй Пайғамбар, яҳудий ва насронийлар то сиз ўз динингизни тарк қилиб, уларнинг динига эргашмас экансиж, сиздан ҳаргиз рози бўлмайдилар. Сиз уларга: «Фақат Ислом дини энг тўғри дин», деб айтинг. Агар сиз ўзингизга вахий келганидан кейин уларнинг хоҳишларига эргашгудек бўлсангиз, Аллоҳ ҳузурида сизга на бир

фойда етказувчи дўст ва на ёрдам берувчи ёрдамчи бўлгай.

Бу сўзлар, гарчи, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитобан айтилган бўлса-да, аслида бутун умматга умумий сўзлардир.

الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَتَلَوَّنَهُ حَقًّا تِلَاقُهُ أُولَئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ وَمَنْ يَكْفُرْ بِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ
(۱۲۱)

۱۲۱. Биз китоб берган кишилар, яъни яхудий ва насронийлар уни тўғри (**бузмасдан**) ўқийдилар, унга ҳақиқий суратда эргашадилар ва унинг ичидаги келган, Аллоҳнинг пайғамбарларига ва шу жумладан, уларнинг сўнгиси бўлмиш Бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириш лозимлиги

ҳақидағи сўзларга иймон келтирадилар, унда келган сўзларни бузиб-ўзгартирмайдилар. Ана ўшалар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамда у зотга туширилган нарсага иймон келтирадилар. Аммо, китобнинг баъзи жойини ўзгартириб, баъзисини яширган кимсалар — ана ўшалар Пайғамбар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамда у зотга туширилган нарсага коғир бўлган кимсалардир. Ким унга коғир бўлса, ана ўшалар Аллоҳ ҳузурида энг катта зиён қилувчилардир.

يَا بَنِي إِسْرَائِيلَ اذْكُرُوا نِعْمَتِي الَّتِي أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّي فَضَّلَّتْكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ (١٢٢)

۱۲۲. Эй Яъқуб авлоди, сизларга берган кўплаб неъматларимни ва сизларни ичларингиздан кўп пайғамбар-лар чиқариш ва уларга китоблар тушириш билан ўз замонангиз ахлига афзал қилганимни эсга олинглар!

وَأَنْتُمْ يَوْمًا لَا تَحْزِي نَفْسٌ عَنْ نَفْسٍ شَيْئًا وَلَا يُغْبَلُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا تَنْعَلَهَا شَفَاعَةٌ وَلَا هُمْ يُنْصَرُونَ
(۱۲۲)

۱۲۳. Ҳисоб куни даҳшатларидан қўркингларки, у кунда бир жон бошқа жон учун бирон нарсани адо эта олмайди (биров бировга ҳеч нарса қилиб бера олмайди), Аллоҳ ҳеч бир кишидан уни азобдан қутқариб қоладиган бирон тўловни қабул қилмайди, воситачилик унга

фойда бермай-ди, ҳеч ким унга ёрдам беролмайди.

وَإِذْ أَبْتَلَى إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلَامٍ فَأَتَمَهُنَّ قَالَ إِنِّي جَاعِلٌ لِلنَّاسِ إِمَاماً قَالَ وَمَنْ ذُرِّيَّتِي قَالَ لَا يَنْلِعُ عَهْدِي الظَّالِمِينَ (١٢٤)

۱۲۴. Эсланг эй Пайғамбар, Аллоҳ Иброҳимни унинг зиммасига мажбуриятлар юклаш билан имтиҳон қилганида Иброҳим ушбу вазифаларни тўла-тўкис адо этгач, Аллоҳ унга: «Мен сени одамларга имом-етакчи қилувчиман», деди. Иброҳим: «Эй Роббим, Ўз фазлинг билан менинг авлодимдан баъзиларини ҳам етакчилар қилгайсан», деди. Аллоҳ: «Диндаги етакчилик золимларга ҳосил бўлмагай», деб жавоб берди.

وَإِذْ جَعَلْنَا الْيَتِيمَ مَثَابَةً لِلنَّاسِ وَأَمْنَا وَأَنْجَحُوا مِنْ مَقَامٍ إِبْرَاهِيمَ مُصَلِّى وَعَهَدْنَا إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ أَنْ طَهَرَا بَيْتِي لِلطَّائِفَيْنَ وَالْعَاكِفَيْنَ وَالرُّكْغَنَ السُّجُودَ (١٢٥)

۱۲۰. Эсланг эй Пайғамбар, Каъбани одамлар учун интилиб келадиган жой — зиёратгоҳ қилдик, ҳаж ва умрага, тавоғ ва намозга тўпланадиган ўрин қилдик, яна уни улар учун омонлик жойи қилдикки, у ерда ҳеч ким уларга тажовуз қилолмайди. Биз Иброҳимнинг турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинглар, деб амр этдик.

Иброҳим турган ўрин (**Мақоми Иброҳим**) у Каъбани қураётган пайт оёғини қўйиб турган тошдир.

Биз Иброҳим ва ўғли Исмоилга: «Менинг Уйимни — унда Каъбани тавоғ қилиш ё масжидда эътикоф қилиш ва намоз ўқиш билан ибодат

қилувчилар учун — ҳар қандай нопоклик ва кирликтан покланг», деб ваҳий қилдик.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمَ رَبِّ اجْعُلْ هَذَا بَلَدًا آمِنًا وَارْزُقْ أَهْلَهُ مِنَ النَّمَرَاتِ مَنْ أَمَنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمُ الْآخِرُ قَالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأُمَتِّعْهُ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطُرْهُ إِلَى عَذَابِ النَّارِ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ (١٢٦)

‘۲۶. Эсланг эй Пайғамбар, **Иброҳим** дуо қилиб: «Эй Роббим, Маккани хавф-хатардан тинч-омон шаҳар қилгин, унинг аҳлини ҳар турли мевалардан ризқлантиргин ва бу ризқларни улар ичидан Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирганларга хослагин», деганида **Аллоҳ** таоло: «Улар ичидан коғир бўлган кимсаларга ҳам дунёда ризқ бераман ва уларни озрок фойдалантираман, сўнгра уларни мажбу-ран дўзах азобига гирифтор

этаман. Бу нақадар аянчли
оқибатдир!», деди.

وَإِذْ يُرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ وَإِسْمَاعِيلُ رَبَّنَا نَقَبْلُ مِنَا إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ (١٢٧)

١٢٧. Эсланг эй Пайғамбар, Иброҳим ва Исмоил Каъба пойdevорларини кўтарар эканлар, Аллоҳга хушуъ билан дуо қилиб дедилар: Эй Роббимиз, солиҳ амалларимиз ва дуоларимизни биздан қабул қилгайсан. Албатта, Сен бандаларинг сўзларини эшитувчи ва уларнинг ахволларини билувчи Зотсан.

رَبَّنَا وَاجْعَلْنَا مُسْلِمِينَ لَكَ وَمِنْ ذُرْبَيْتَنَا أُمَّةً مُسْلِمَةً لَكَ وَأَرَنَا مَنَاسِكًا وَثُبْ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَابُ الرَّحِيمُ (١٢٨)

١٢٨. Эй Роббимиз, иккаламизни ҳам, бизнинг зурриётимизни ҳам Исломда событқадам, Сенинг

ҳукмла-рингга бўйсунувчи қилгин,
 зурриётимиздан Ўзингга иймон
 билан бўйсунувчи умматни
 чиқаргин, Сенга қиладиган
 ибодатларимиз йўл-йўриқларини
 бизга кўрсатгин ва бизнинг
 гуноҳларимизни кечиргин. Албатта,
 Сен тавба-ларни қабул қилгувчи ва
 бандаларингга меҳрибон Зотсан.

رَبَّنَا وَابْعَثْ فِيهِمْ رَسُولاً مِنْهُمْ يَنْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُرَيِّكِيهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ
 الْغَزِيرُ الْحَكِيمُ (١٢٩)

۱۲۹. Эй Роббимиз, бу уммат ичидан
 Исмоил зурриёти-дан бўлган, уларга
 Сенинг оятларингни тиловат қилиб
 берадиган ва Куръону Суннатни
 ўргатадиган, уларни ширк ва ёмон
 ахлоқдан тозалайдиган бир
 пайғамбарни юборгин. Албатта, Сен

ҳеч ким бас келолмайдиган
Кудратлисан ва ҳамма нарсани ўз
ўрнига қўядиган Хикмат соҳибисан.

وَمَنْ يَرْغَبُ عَنْ مَلَةِ إِبْرَاهِيمَ إِلَّا مَنْ سَفَهَ نَفْسَهُ وَلَقَدْ اصْنَطَفَيْنَاهُ فِي الدُّنْيَا وَإِنَّهُ فِي الْآخِرَةِ لَمْ يُنْ
الصالحين (١٣٠)

‘۱۳۰. Иброҳимнинг динидан —
Исломдан — фақат ақлсиз ва жоҳил
кимсагина юз ўғиргай. Биз
Иброҳимни дунёда пайғамбар ва
Элчи қилиб танладик ва охиратда у
шубҳасиз, олий даражали солих
зотлар жумласидан бўлгай.

إِذْ قَالَ لَهُ رَبُّهُ أَسْلِمْ قَالَ أَسْلَمْتُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ (١٣١)

‘۱۳۱. Бу танланиш сабаби эса Робби
унга: «Аллоҳга бўйинсуниб, ихлос
 билан ўзингни Унга топшир!», деб
буорганида дарҳол ижобат этиб,
ҳеч қандай тараддудсиз Исломга

шошилиши ва: «Ихлос ва тавҳид,
муҳаббат ва инобат ила оламлар
Роббига бўйсундим», дейиши бўлди.

وَوَصَّىٰ بِهَا إِبْرَاهِيمُ بْنِيَهُ وَيَعْقُوبُ يَا بَنِيَهُ إِنَّ اللَّهَ اصْنَطَفَ لِكُمُ الْدِّينَ فَلَا تَمُؤْنَنَ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ
(۱۳۲)

۱۳۲. Иброҳим ва Яъқуб
фарзандларини Исломда событқадам
бўлишга чорлаб: «Болаларим,
албатта, Аллоҳ сизларга шу динни
танлади, — бу эса Мухаммад
соллал-лоҳу алайҳи ва саллам олиб
келган Ислом динидир, — бас,
сизлар умрбод ундан ажралманглар
ва фақат мусулмон бўлган
ҳолларингизда дунёдан ўтинглар»,
дедилар.

أَمْ كُنْتُمْ شُهَدَاءً إِذْ حَضَرَ يَعْقُوبَ الْمَوْتُ إِذْ قَالَ لِبَنِيَهُ مَا تَعْبُدُونَ مِنْ بَعْدِي قَالُوا نَعْبُدُ إِلَهَكُمْ وَإِلَهَ
آبَائِكُمْ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ إِلَهًا وَاحِدًا وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ (۱۳۳)

۱۳۳. Эй яхудлар, Яъқубга ўлим соати келганида ҳозир бўлганмисизлар, **ўшанда у болаларини йиғиб**: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?», деб сўраганида улар: «Сенинг илоҳинг ва оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг илоҳи бўлмиш ягона илоҳга ибодат қиласиз ва Унга ихлос билан бўйсунамиз», деб жавоб беришди.

تَلْكَ أُمَّةٌ قَدْ حَلَّتْ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَلَكُمْ مَا كَسَبَتُمْ وَلَا تُشَانِلُونَ عَمَّا كَلُّوا يَعْمَلُونَ (۱۳۴)

۱۳۴. Улар ўтган аждодларингиздан бўлган умматдир. Уларга ўз амаллари, сизларга ўз амалларингиздир. Сизлар уларнинг амалларидан сўралмайсиз, улар сизларнинг амалларингиздан

сўралмайдилар, ҳар ким ўз қилмишига жавоб беради, бирор бирорнинг гуноҳига жазо олмайди, ҳар бир кишига фақат иймони ва тақвосигина фойда беради.

وَقَالُوا كُونُوا هُوداً أَوْ نَصَارَى تَهْتَدُوا فُلْنَ بْنَ مَلَةً إِبْرَاهِيمَ حَنِيفَا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُسْرِكِينَ (١٣٥)

۱۳۵. Яхудийлар Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларига: «Сизлар яхудия динига кириңглар, шундагина ҳидоят топасизлар», дейишиди. Насронийлар ҳам шундай (яғни, насроний динига кириңглар, шундагина ҳидоят топасизлар) дейишиди. Эй Пайғамбар, **сиз уларга айтинг:** «Йўқ, балки ҳидоят — сизлар ҳам, биз ҳам барча ботил динлардан ҳақ дин сари бурилган ва

Аллоҳга ширк келтирувчилардан бўлмаган Иброҳимнинг миллатига эргашмоғимиздир».

فُوْلُوا آمَنًا بِاللهِ وَمَا أُنْزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنْزِلَ إِلَى إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَى وَعِيسَى وَمَا أُوتِيَ الْأَئِمَّةُ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَنَحْنُ لِهُ مُسْلِمُونَ
(۱۳۶)

۱۳۶. Эй мўминлар, сизлар ўша яхудий ва насронийларга айтинглар: «Биз ягона барҳақ маъбуд бўлган Аллоҳга иймон келтирдик, бизга туширилган — Аллоҳ ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилган Куръонга, Иброҳимга туширилган сахифаларга, унинг икки ўғли Исмоил ва Исҳоққа, Яъқубга ва асботга — Бану Исроилнинг ўн икки уруғидан бўлган пайғамбарларга — туширилган нарсаларга, Мусога

берилган Таврот ва Ийсога берилган
Инжилга ҳамда барча
пайғамбарларга Роббилиаридан
вахий қилинган нарсаларга иймон
келтир-дик, биз иймон келтиришда
улардан бирортасини ажрат-маймиз
ва биз Аллоҳга тоат ва ибодат билан
бўйсунув-чимиз».

فَإِنْ آمَنُوا بِمِثْلٍ مَا آمَنْتُمْ بِهِ فَقَدْ اهْنَدُوا وَإِنْ تَوَلُّوْا فَإِنَّمَا هُمْ فِي شَقَاقٍ فَسَيَكُفِّرُهُمُ اللَّهُ وَهُوَ السَّمَيعُ
الْعَلِيُّ (١٣٧)

‘۱۳۷. Агар яҳуд, насоро ва бошқа
кофирлар Пайғамбар олиб келган
нарсага сизлар иймон
келтирганингиздек иймон
келтирсалар, ҳаққа
ҳидоятланибдилар. Агар юз
ўғирсалар, албатта, улар қаттиқ
хилофдадирлар. Эй Пайғамбар,

Аллоҳ сизга уларнинг шарридан кифоя қилади ва улар устидан сизга нусрат (**ғалаба**) беради. У сизларни эшитувчи ва аҳволларингизни яхши билувчи Зотдир.

صِبْغَةَ اللَّهِ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنْ اللَّهِ صِبْغَةً وَنَحْنُ لَهُ عَابِدُونَ (١٣٨)

۱۳۸. Аллоҳнинг фитратингизга (**хилқатингизга**) ўрнатиб қўйган динини маҳкам тутиналар. Зотан, Аллоҳнинг инсонларни унда яратган фитратидан гўзалроқ ҳеч нарса йўқдир. Бас, **сизлар уни маҳкам тутиналар ва:** «Биз Иброҳимнинг миллатига эргашишда Роббимизга бўйсинув-чи ва итоат қилувчимиз», денглар.

فَلَمَّا أَتَحَاجُو نَنَا فِي اللَّهِ وَهُوَ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ وَلَنَا أَعْمَالُنَا وَلَكُمْ أَعْمَالُكُمْ وَنَخْنُ لَهُ مُخْلِصُونَ (١٣٩)

۱۳۹. Эй Пайғамбар, [аҳли китобга](#) [айтинг](#): «Сизлар биз билан Аллоҳнинг тавҳиди ва Унга ихлос ҳакида тортиша-сизми?! Ҳолбуки, У сизнинг ҳам, бизнинг ҳам Роббимиз-дир, У қайсиdir бир қавмга хос бўлмай, бутун оламнинг Роббидир. Бизга ўз амалларимиз, сизларга ўз амалларингиз-дир. Биз тоат-ибодатни Аллоҳга ихлос билан қилувчимиз, Унга бирон нарсани ширк келтирмаймиз ва Ундан ўзга ҳеч кимга ибодат қилмаймиз.

أَمْ تَقُولُونَ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطَ كَانُوا هُوداً أَوْ نَصَارَى قُلْ أَنَّهُمْ أَنَّهُمْ أَغْلَمُ أَمْ اللَّهُ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ كَتَمَ شَهَادَةً عِنْدَهُ مِنَ اللَّهِ وَمَا اللَّهُ بِعَاقِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ (۴۰)

۱۴۰. Балки, сизлар Аллоҳ хусусида тортишиб, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботлар —

Яъқубнинг ўн икки фарзандидан тарқалган Бану Исроил қабилаларидан чиққан пайғамбарлар — яхудий ё насроний динида бўлганлар, деб айтарсизлар?! Бу эса очиқ ёлғон. Зотан, улар Таврот ва Инжил нозил бўлишидан илгари яшаб ўтишган. Эй Пайғамбар, **сиз уларга айтинг:** Уларнинг динларини сизлар яхши биласизми, Аллоҳми?! Аллоҳ Қуръонда уларнинг ҳаниф (ботилдан юз ўгириб, ҳаққа мойил бўлган) мусулмонлар бўлганини хабар берган. Ўз ҳузурингиздаги Аллоҳ таоло томонидан событ бўлган гувоҳликни яширас-кансиж ва Аллоҳ номидан ёлғонлаб, унинг зиддини даъво қиласкансиж, сиздан кўра золимроқ кимса бўлмас. Аллоҳ

қилаётган ишларингизнинг
бирортасидан ҳам ғофил эмас, балки
У барчасини ҳисоблаб турибди ва
сизларга тегишли жазоларни беради.

إِنَّكُمْ أَمَّةٌ قَدْ خَلَقْنَا لَهَا مَا كَسَبَتُمْ وَلَكُمْ مَا كَسَبَتُمْ وَلَا تُشْأَلُونَ عَمَّا كَلَّوْا يَعْمَلُونَ (٤١)

‘۱۴۱. Улар ўтган аждодларингиздан
бўлган умматдир. Уларга ўз
амаллари, сизларга ўз
амалларингиздир. Сизлар уларнинг
амалларидан сўралмайсиз, улар
сизларнинг амал-ларингиздан
сўралмайдилар.

Оят ожиз махлукларга боғланиб
қолиш ва уларга нисбатланиш билан
алданиб қолиш бефойда эканини,
ибрат-эътибор фақат Аллоҳга иймон
келтириш ва Унинг

пайғамбарларига эргашишда эканини, ким улардан бирор-тасини инкор қилса, барча пайғамбарларни инкор қилган бўлишини таъкидламоқда.

Иккинчи жузъ

سَيَقُولُ السُّفَهَاءُ مِنْ النَّاسِ مَا وَلَأَهُمْ عَنْ قِبْلَتِهِمُ الَّتِي كَانُوا عَلَيْهَا قُلْ لِلَّهِ الْمُشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ يَبْدِي
مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ (١٤٢)

‘۱۴۲. Яхудийлар ва улар каби бошқа жоҳил ва эси паст кимсалар эътиroz билдириб, масхараомуз: «Бу мусулмон-ларни Исломнинг ilk давридан тортиб у тарафга қараб намоз ўқиб келган қиблаларидан — Байтул Макдисдан — нима буриб юборди?!», дейишади. Эй Пайғамбар, сиз уларга айтингки, машриқ ҳам, мағриб ҳам, улар

Ўртасидаги барча нарсалар ҳам
Аллоҳнинг мулкидир, ҳеч бир жиҳат
ва томон Унинг мулкидан
ташқарида эмас, У ўзи истаган
бандаларини ҳидоят йўлига
йўллади.

Ушбу оятда ишнинг асоси
Аллоҳнинг амрларига бўйсу-нишда
экани, У бизни қайси тарафга бурса,
шу тарафга бурилганлигимиз
билдирилди.

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتُكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَكُنُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا وَمَا جَعَلْنَا<sup>الْفِئَلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِتَعْلَمَ مَنْ يَتَبَرَّغُ الرَّسُولُ مِمَّنْ يَنْقَلِبُ عَلَى عَقِيقِهِ وَإِنْ كَانَتْ لَكَبِيرَةً إِلَّا
عَلَى الدِّينِ هَدَى اللَّهُ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَانَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ (١٤٣)</sup>

۱۴۳. Эй мусулмонлар, биз сизларни
дин борасида тўғри йўлга йўллаб
қўйганимиз каби, яна сизларни
охиратда бош-қа умматлар устидан

— пайғамбарлари уларга
Роббилиари-нинг рисолатини
етказганлари хусусида — гувоҳ
бўлишин-гиз ва шунингдек,
Пайғамбар охиратда сизларниң
устин-гиздан — Роббининг
рисолатини етказгани хусусида —
гувоҳ бўлиши учун, энг яхши ва
адолатли уммат қилдик. Эй
Пайғамбар, сиз аввалда у тарафга
қибла ўлароқ юзланган ва кейин Биз
сизни ундан буриб, Маккадаги
Каъба томонга юзлантирган Байтул
Мақдисни сизга қибла қилиб
беришимиз сабаби — Биз Ўзимиз
азалда — савоб ва жазо тааллук
топадиган билиш билан — билган
нарса зоҳир бўлиши учунгина
эдики, шу билан Биз сизга эргашиб,

итоат қиласынан, сиз қаёққа юзлансанғыз, сиз билан бирга үша томонни ўзларига қибла тутадынан кишилар билан иймени заиф ва шубҳа-ю нифок сабабли динидан муртад бўлиб кетадынан кимсалар ўртасини ажратгаймиз. Албатта, бу ҳолат, яъни мусулмон кишининг намозида Байтул Мақдисга юзланишдан Каъбага юзланиш-га кўчиши жуда оғир ҳолат бўлиб, у фақат Аллоҳ ҳидоят қилган ва иймон-у тақво бериб қўйган кишиларга қийин бўлмайди. Аллоҳ таоло Ўзига бўлган иймонларингизни ва Унинг элчисига эргашишларингизни ҳаргиз зое қилмайди ва собиқ қиблага қараб ўқиган

намозларингизни бекор қилмайди.
Албатта, У субҳанаҳу ва таоло
одамларга меҳри-бон ва раҳмлидир.

قَدْ نَرَى تَقْلِيْبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَأَنُولَّيْنَاكَ قَبْلَهً تَرْضَاهَا فَوْلَ وَجْهَكَ شَطْرُ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وَجْهَكُمْ شَطْرَهُ وَإِنَّ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ (١٤٤)

144. Эй Пайғамбар, қибла хусусида вахий нозил бўли-шини кутиб, баъзан юзингизни само сари юзланаётганини кўрмоқдамиз. Биз сизни албатта, Байтул Мақдисдан ўзин-гиз суядиган ва рози бўладиган қибла сари бургаймиз, у Маккадаги Масжидул Ҳаром томондир. Бас, сиз юзингизни ўша томонга буринг! Эй мусулмонлар, қаерда бўлсангиз ҳам, намоз ўқимоқчи бўлганингизда Масжидул Ҳаром томонга юзланингиз! Аллоҳ таоло тарафидан

китоб илми берилган яҳудий ва
насронийлар сизнинг Каъба томонга
буриб қўйилишингизни ўз
китобларида событ бўлган ҳақ
эканини аниқ билишади. Аллоҳ
таоло ўша эътиroz билди-раётган ва
шак-шубҳа уруғларини қадаётган
кимсаларнинг қилмишларидан
ғофил эмас ва У албатта уларга
қилмиш-ларига яраша жазо бергай.

وَلِئِنْ أَنْتَتِ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ بِكُلِّ آيَةٍ مَا تَنْعِمُوا قِبْلَتَكُمْ وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ قِبْلَتَهُمْ وَمَا يَعْضُلُهُمْ بِتَابِعٍ قِبْلَةً
بَعْضٌ وَلِئِنْ اتَّبَعُتْ أَهْوَاءَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ إِنَّكَ إِذَا لَمْنَ الظَّالِمِينَ (١٤٥)

145. Эй Пайғамбар, Таврот ва
Инжил берилган кимса-ларга
намозда Каъбага юзланишингиз
Аллоҳ томонидан келган ҳақ (**хукм**)
эканига ҳар қанча далил-ҳужжат
келтирсангиз ҳам, улар қайсарлик

ва кибр билан асло сизнинг қиблангизга юзланишмайди. Сиз ҳам қайтиб уларнинг қибласига юзланувчи эмассиз, баъзилари баъзиларининг қибласига ҳам юзланувчи эмасдир. Энди сиз ўзингизнинг ҳақ устида эканингиз, уларнинг эса ботилда эканлари хусусида сизга билим келганидан кейин қибла ва бошқа нарсалар ҳақида уларнинг хоҳишларига эргашсангиз, у ҳолда сиз шубҳасиз, ўзига зулм қилувчилардан бўлиб қола-сиз.

Бу эса бутун умматга бўлган хитобдир, Ислом шариати-га мухолиф бўлганларнинг хоҳиш-

истаклариға эргашувчи кишиларга таҳдид ва ваъид (**азоб хабари**)дир.

الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ يَعْرُفُونَهُ كَمَا يَعْرُفُونَ أَبْنَاءَهُمْ وَإِنَّ فَرِيقاً مِنْهُمْ لَيَكْتُمُونَ الْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ
(١٤٦)

‘46. Биз Таврот ва Инжил берган яхудий руҳонийлари ва насоро уламолари Аллоҳнинг пайғамбари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзларининг китобларида зикр этилган сифатлари билан, худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар. Албатта, улардан бир гурухи у зотнинг рост пайғамбарлигини ва сифатларининг событли-гини билиб туриб, ҳақни яширади.

الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنْ الْمُمْتَرِينَ (١٤٧)

۱۴۷. Эй Пайғамбар, сизга нозил қилинган (ушбу ҳукм) Роббингиз томонидан келган ҳақдир, сиз асло бу ҳақда шубҳа қилувчилардан бўлманг.

Бу сўзлар гарчи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хитобан айтилган бўлсада, аслида бутун умматга тегишли сўзлардир.

وَلِكُلٍّ وِجْهٌ هُوَ مُؤْلِيْهَا فَإِنَّهُمْ لَمْ يَأْتُوا بِكُلِّ شَيْءٍ إِنَّ اللَّهَ جَمِيعاً إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (۱۴۸)

۱۴۸. Ҳар бир умматнинг ўз қибласи борки, улардан ҳар бири ўз намозида ўша тарафга юзлангай. Эй мўминлар, Аллоҳ таоло Ислом динида сизларга машруъ қилган солих амалларни ким ўзарга қилишга шошилингиз! Қаерда

бўлсангиз ҳам, барчангизни Аллоҳ таоло қиёмат куни ҳисоб учун жамлайди. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодир-дир.

وَمِنْ حَيْثُ حَرَجْتَ فَوْلَى وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِنَّهُ لِلْحَقِّ مِنْ رَبِّكَ وَمَا اللَّهُ بِغَافِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ (١٤٩)

149. Эй Пайғамбар, қаердан сафар қилиб чиқкан бўлсангиз ҳам, намоз ўқимоқчи бўлганингизда юзингизни Масжидул Ҳаром тарафга буринг! Албатта, у тарафга юзланишингиз Роббингиздан событ бўлган ҳақ (хукм)дир. Аллоҳ сизлар қилаётган ишлардан ғофил эмас, У сизларни амалларингизга яраша мукофотлайди.

وَمِنْ حَيْثُ حَرَجْتَ فَوْلَى وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وَجُوهُكُمْ شَطْرَهُ لَنَّا
يَكُونُ لِلنَّاسِ عَلَيْكُمْ حُجَّةٌ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ فَلَا تَحْسُنُهُمْ وَاحْسُنُونِي وَلَا تَمْ نَعْمَنِي عَلَيْكُمْ وَلَا عَلَيْنَا
تَهْتَدُونَ (١٥٠)

‘О . Эй Пайғамбар, қай ўриндан чиққан бўлсангиз ҳам намоз ўқиганда Масжидул Ҳаром тарафга юзланинг! Эй мусулмонлар, Ер юзининг қайси жойида бўлсангиз ҳам (**намозда**) юзингизни Масжидул Ҳаром сари буринглар! Унга юзланишларингиздан сўнг сизларга мухолиф кимса-лар учун мужодала ва тортишувда сизларнинг зарарингизга ҳужжат бўлмаслиги учун (**шундай қилинглар**). Илло, улар ичида саркаш ва золим кимсалар борки, улар жанжал-тортишувларида давом этишади. Сизлар улардан қўрқманг-лар, буйруқларимни қилиш ва қайтариқларимдан тийилиш билан фақат Мендан қўрқинглар! Сизларга

бўлган неъматимни сизларга энг мукаммал шариатни ихтиёр этиш билан комил қилишим учун ва тўғри йўлга ҳидоятланиш-ларингиз учун (шундай қилинглар).

كَمَا أَرْسَلْنَا فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْكُمْ يَتَوَلَّ عَلَيْهِمْ آيَاتِنَا وَيُزَكِّيْهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُعَلِّمُهُمْ مَا لَمْ كُنُوا تَعْلَمُونَ (١٥١)

۱۵۱. Сизларга Каъбани қибла қилиш билан инъом этганимиздек, ораларингизда ўзларингиздан бўлган, сиз-ларга ҳақни ботилдан ажратиб берувчи оятларимизни ўқиб берадиган, сизларни ширк ва бузуқ ахлоқлар кирлигидан поклайдиган, сизларга Китоб, Суннат ва шариат аҳком-ларини ўргатадиган, ўтган пайғамбарларнинг хабарларидан ва

ўтмиш халқларнинг ҳикояларидан
сизлар билмайдиган нарсаларни
билдирадиган бир пайғамбарни
юбордик.

فَإذْكُرُونِي أَنْذِرْكُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونَ (١٥٢)

۱۵۲. Мени зикр қилинглар, Мен ҳам
сизларни зикр қиласман.

Аллоҳ таоло мўминларни Ўзини
зикр этишга — ёдга олишга буюрди
ва бунинг учун энг афзал
мукофотни ваъда қилди, бу мукофот
— Ўзини зикр қилганларни Олий
Даргоҳда, фаришталар ҳузурида
мақташидир.

Ва сўзу амалда Менга шукр
қилинглар ва сизларга берган
неъматларимни инкор қилманлар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَعِينُو بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ (١٥٣)

153. Эй мўминлар, барча ишларингизда мусибатларга сабр қилиш ва гуноҳларни тарк қилиш билан, тоат-ибодат-ларда сабр-тоқатли бўлиш билан, қалб хотиржамлигига сабаб бўлувчи ва фахшу мункардан қайтарувчи намоз билан Аллоҳдан мадад сўранглар. Албатта, Аллоҳ Ўз ёрдами, тавфики ва тўғриликка йўллаши билан собирлар билан биргадир.

Оятда Аллоҳнинг мўминлар билан, юқорида зикри ўтган ишларни тақозо этувчи хос биргалигининг исботи бор. Аммо, Унинг барча нарсани билиб, хабардор бўлиб туришини тақозо этувчи умумий

равищдаги биргалиги барча
халқларга омдир.

وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْوَاتٌ بَلْ أَحْيَاءٌ وَلَكِنْ لَا تَشْعُرُونَ (١٥٤)

154. Эй мүминлар, Аллоҳ йўлида
мужоҳид бўлиб ўлди-рилган
кишилар ҳақида «Улар ўликлар»,
деб айтманглар. Йўқ, улар
қабрларида ўзларига хос бўлган,
қандайлигини Аллоҳдан бошқа ҳеч
ким билмайдиган ҳаёт билан ҳаёт-
дирлар, лекин сизлар буни
сезмайсизлар.

Бу оятда қабрдаги неъматларга
далил бордир.

وَلَنَبْلُوكُمْ بِشَيْءٍ مِنْ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِنْ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالنُّمَرَاتِ وَبَشِّرُ الصَّابِرِينَ (١٥٥)

‘۱۵۰. Албатта, Биз сизларни бирмунча хавф-хатар ва очлик билан, молларнинг — топиш қийинлашиши ёки қўлдан кетиши сабабли — камайиши, жонларнинг — ўлиш ёки Аллоҳ йўлида шаҳид бўлиш билан — камайиши, мевалар ва дон-дунларнинг — камҳосиллик ёки бузилиш орқали — камайиши билан имтиҳон қиласиз. Эй Пайғамбар, шу каби синов-имтиҳонларга сабр қилувчи кишиларга дунё ва охиратда уларни хурсанд қилувчи яхши оқибатлар билан хушхабар беринг.

الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمْ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِفُونَ (۱۵۶)

‘۱۵۱. У собир зотларнинг белгилари шундайки, агар уларга бирор

мусибат етса: «Албатта биз Аллоҳнинг қуллари ва бандаларимиз, Унинг тадбири ва тасарруфи остидамиз, У бизга Ўзи истаган ишини қилади, албатта биз ўлиш билан, сўнгра ҳисоб-китоб ва жазо-мукофот учун қайта тирилиш билан Унинг ҳузурига қайтувчимиз», дейдилар.

أَوْلَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّنْ رَبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهَنَّدُونَ (١٥٧)

‘ ۱۵۷. У собир зотлар учун Роббилари тарафидан мақтов ва раҳмат бордир ва ўшалар тўғриликка йўлланган кишилардир.

إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِيرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ اعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطْوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا إِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلَيْهِمْ (١٥٨)

‘ ۱۵۸. Албатта Сафо ва Марва — Каъбанинг кунчиқиши томонидаги

икки кичик тоғ — Аллоҳнинг динининг зоҳир белгиларидан бўлиб, Аллоҳ бандаларига шу икки тоғ ўртасида саъй қилиш (**етти марта бориб-келиш**)ни ибодат ўлароқ машруъ қилди. Энди ким ҳаж ё умра қилиш мақсадида Каъбага келса, бу икки тоғ ўртасида саъй қилишида у учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир, аксинча, бундай қилиш унга вожибдир. Ким тоат-ибодатларни ўз истак-ихтиёри билан, Аллоҳга ихлос билан адо этса, албатта, Аллоҳ таоло озгина амалга улкан ажру савоблар берувчи Шокирдир, бандаларининг амалларини яхши билувчи Зотдир, улардан ҳеч бирини зое қилмайди,

ҳеч бир кишининг заррача ҳам
ҳаққини кеткизмайди.

إِنَّ الَّذِينَ يَكُنُّ مِنَ الْمُنْذَرِينَ وَالْهُدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أُولَئِكَ يَلْعَثُمُ اللَّهُ
وَيَلْعَثُمُ الْلَّاعِنُونَ (١٥٩)

‘159. Албатта, Биз туширган,
Мұхаммад соллаллоху алайхі ва
салламнинг пайғамбарлигига ва у
олиб келган диннинг ҳақлигига
далил бўлувчи очик-равшан оят-
аломатларни Биз Таврот ва Инжилда
одамларга кўрсатиб қўйганимиздан
сўнг яширадиган кимсалар — улар
яҳуд руҳонийлари ва насоро
олимлари ва улардан бошқа Аллоҳ
нозил қилган нарсаларни
яширадиган кимсалардир — ана
ўшаларни Аллоҳ Ўз раҳматидан

қувади ва барча халқлар уларга
лаънат ўқийдилар.

إِلَّا الَّذِينَ تَأْبُوا وَأَصْنَلُهُوا وَبَيَّنُوا فَأُولَئِكَ أَتُوْبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا التَّوَابُ الرَّحِيمُ (١٦٠)

‘60. Факат Аллоҳга тавба қилиб,
гуноҳларидан қайтган, ўзлари
бузган нарсани тузатган ва ўзлари
яшириб келган нарсаларни баён
қилган кишилар — ана ўшаларнинг
тавбаларини қабул қиласман ва
уларни мағфиратим билан
мукофотлайман. Мен тавба қилган
бандаларимнинг тавба-ларини қабул
қилувчи ва уларга раҳмли
Зотдирман, зеро уларни тавбага
муваффақ қилдим ва тавбани
улардан қабул қилдим.

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَأْتُوا وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسُ أَجْمَعُونَ (١٦١)

١٦١. Албатта, кофир бўлиб, ҳақни яширган ва то ўлгунча шу ҳолда давом этиб, кофир ҳолда ўлган кимсалар — ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонлар-нинг лаънати бўлгай.

خَالِدِينَ فِيهَا لَا يُحَفَّظُ عَنْهُمُ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنَظَّرُونَ (١٦٢)

١٦٢. Улар лаънат ва дўзахда мангу қолгайлар, улардан азоб енгиллатилмас ва уларга узр баён қилишларига қараб муҳлат берилмас.

وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهٌ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ (١٦٣)

١٦٣. Эй одамлар, сизларнинг илоҳингиз Ўз зотида, исми ва сифатларида, феълларида ва

халқларнинг Унга қулчилик қилишларида ягона бўлган Ёлғиз Илоҳдир, Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқдир, У ўз зотида ва феълларида барча махлу-қотга раҳм қилиш сифати билан сифатланган Раҳмон ва мўминларни хос раҳмат қилувчи Раҳиймдир.

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاحْتِلَافِ اللَّيلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلُكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْتَعِ
النَّاسُ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنْ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَهْبَاهُ بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مُؤْتَهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَائِبٍ
وَتَصْرِيفِ الرِّيَاحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنِ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَا يَأْتِ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ (١٦٤)

‘ ۱۶۴ . Албатта, осмонларни юксаклик ва кенгликлари билан, Ерни тоғлари, текисликлари ва денгизлари билан яратилишида, кеча ва кундузнинг узайиб-қисқариши, қоронғулик ва ёруғлик билан ўзгариб туришида ва бири иккинчиси ортидан кетма-кет

келишида, одамларга фойдали
бўлган нарсаларни ўз устига ортиб
денгизларда юрувчи кемаларда,
Аллоҳ осмондан ёғдирган ва у билан
Ерга ҳаёт бахш этиб, уни тап-тақир
ўлик ҳолидан ям-яшил гўзал ҳолга
келтирган сувда, Аллоҳ таоло Ер
юзида тарқат-ган ҳар турли
ҳаракатланувчи жонзотларда, У
сизларга неъмат қилиб, шамолларни
эстириб ва йўналтириб қўйи-шида,
осмон ва Ер ўртасида бўйсундириб
қўйилган булут-ларда — мана шу
айтилган далолатларнинг барчасида
далил-хужжатларни англайдиган ва
Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг
ягоналиги ва ибодатга сазовор
Ягона Зот эканига бўлган
далилларни тушунадиган кишилар

учун Аллоҳнинг ягоналиги ва
неъматларининг буюклигига оят-
аломатлар бордир.

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَتَّخِذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَنَدَاداً يُجْبِيُهُمْ كَحْبِ اللَّهِ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَشَدُ حُبَّاً لِلَّهِ وَلُؤْ بَرَى
الَّذِينَ ظَلَمُوا إِذَا يَرَوْنَ الْعَذَابَ أَنَّ الْفَوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعاً وَأَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعَذَابِ (١٦٥)

‘ ۱۶۵ . Шунча қатъий далил-
хужжатлар бўлгани ҳолда,
одамлардан бир гуруҳи Аллоҳдан
ўзгаларни илоҳ, бут-санам ва дўст
тутиб, уларни Аллоҳга тенг
кўришади ва уларга Аллоҳдан ўзга
ҳеч кимга лойик бўлмайдиган
муҳаббат, таъзим ва итоатни
кўргизишади. Мўминларнинг
Аллоҳга бўлган муҳаббати эса ўша
кофир кимсаларнинг Аллоҳга ва ўз
олиҳаларига бўлган муҳаббатидан
кучлироқ-дир. Чунки, мўминлар бор

муҳаббатларини холис Аллоҳ учун қилдилар, анавилар эса муҳаббатда ўзгаларни Аллоҳга шерик қилишди. Агар бу дунёда ширк келтириш билан ўз жонларига зулм қилган кимсалар охират азобини кўрган пайтларида Аллоҳ барча куч-қудратнинг ягона эгаси эканини ва Аллоҳни ўта азоби қаттиқ Зот эканини билганларида эди, асло Аллоҳдан ўзгаларни илоҳ тутмаган ва Ундан ўзгаларга сиғинмаган бўлар эдилар.

إِذْ شَرَّأَ الَّذِينَ أَثْبَعُوا مِنَ الَّذِينَ أَتَبَعُوا وَرَأَوْا الْعَذَابَ وَتَقَطَّعَتْ بِهِمُ الْأَسْبَابُ (١٦٦)

۱۶۶. Охират азобини кўрган пайтларида (**дунёда**) эргашилган бошлиқлар ширкда ўзларига эргашган кимса-лардан безор

бўлишади ва улар ўртасини дунёда боғлаб турган қариндошлиқ, тобеълик, диндошлиқ каби барча алоқалар узилади.

وَقَالَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا لَوْ أَنَّ لَنَا كَرَةً فَتَبَرَّأُ مِنْهُمْ كَمَا تَبَرَّأُوا مِنَنَا كَذَلِكَ يُرِيهِمُ اللَّهُ أَعْمَالَهُمْ حَسَرَاتٍ عَلَيْهِمْ وَمَا هُمْ بِخَارِجِينَ مِنَ النَّارِ (١٦٧)

١٦٧. (Дунёда) уларга эргашиб юрган кишилар: «Оҳ, кошки биз учун дунёга қайтиш ва бу бошлиқлардан худди улар бугун биздан безорлик эълон қилишаётганидек безорлик эълон қилиш имкони бўлса эди», дейишади. Аллоҳ таоло қиёмат куни уларга Ўзининг қаттиқ азобини кўрсатгани каби, ботил амалларини ҳам ўзларига ҳасрат-надомат қилиб кўрсатади ва улар абадул-абад дўзахдан чиқмаслар.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ كُلُوا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا وَلَا تَنْتَهُوا حَطُوطَ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ
(١٦٨)

۱۶۸. Эй одамлар, Аллоҳнинг сизлар учун ерда ҳалол қилиб қўйган ризқидан енглар, у нопок бўлмаган тоза ва зарари бўлмаган фойдали (ризқ)дир. Сизлар ҳалол ва ҳаром қилишда, бидъат ва мъсиятларда шайтоннинг йўлларига эргашманглар. Зотан, у сизларга адовати очик-ойдин бўл-ган душмандир.

إِنَّمَا يَأْمُرُكُم بِالسُّوءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَنْ تَنْهُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ (١٦٩)

۱۶۹. Шайтон сизларни факат ўзингизга ёмонлиги тегадиган қабих ва жирканч гуноҳларга, ҳалолни ҳаром қилиш ва шу каби ишларни

илмсиз равишда Аллоҳ номидан
гапиришга буюради.

وَإِذَا قَيْلَ لَهُمْ أَتَتَّبَعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَقْرَأْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْ لَوْ كَانَ آبَاؤُهُمْ لَا يَعْقُلُونَ شَيْئًا
وَلَا يَهْتَدُونَ (١٧٠)

۱۷۰. Мўминлар залолат аҳлига насиҳат қилиб: «Аллоҳ нозил қилган Куръон ва ҳидоятга эргашинглар» дейишса, улар ўз мушрик ота-боболарига кўр-кўрона эргашишда давом этишиб: «Йўқ, биз сизларнинг динингизга эргаш-маймиз, балки ота-боболаримизни нимада топган бўлсак, шунга эргашамиз», дейишади. Ота-боболари гарчи Аллоҳ шаънида ҳеч нарсани англамаган ва ҳидоятга эргашмаган бўлсалар ҳам, уларга эргашаверадиларми?!

وَمَثْلُ الَّذِينَ كَفَرُوا كَمِثْلِ الَّذِي يَنْعِقُ بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءً وَنِدَاءً صُمُّ بُكْمٌ عُمْيٌ فَهُمْ لَا يَعْقُلُونَ
(١٧١)

۱۷۱. Кофирларнинг ва уларни иймон ва ҳидоятга чорловчиларнинг сифати (**белгиси**) худди чорва ҳайвон-ларига қичқириб, ҳайдайдиган чўпон сифатдурки, ҳайвон-лар унинг сўзларининг маъносини тушунмайди, фақат овоз ва чақириқнигина эшитади. Ўша кофирлар қулоқларини ҳақни эшитишдан тўсиб олган кар, тилларини ҳақни айтишдан тийган соқов, кўзлари ҳақнинг очик-равшан далилларини кўрмайдиган кўрдирлар, улар ақлларини ўзларига фойдали нарсага ишлатмайдилар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُلُّوا مِنْ طَيِّبَاتٍ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَأَشْكُرُوا اللَّهَ إِنْ كُنْتُمْ إِيمَانًا تَغْلِبُونَ (١٧٢)

۱۷۲. Эй мўминлар, Биз сизларга ризқ қилиб берган ҳалол ва лаззатли таомлардан истеъмол қилинглар, покиза нарсаларни ҳаром ва нопок нарсаларни ҳалол қилиб оладиган кофирлардек бўлманглар, агар чиндан ҳам Аллоҳнинг амрларига бўйсунувчи, эшитиб, итоат этувчи ва ёлғиз Унинг Ўзигагина ибодат қилувчи бўлсангиз, Аллоҳ-нинг сизларга ато этган улкан неъматларига дилларингиз, тилларингиз ва бадан аъзоларингиз билан шукроналик адо этинглар.

إِنَّمَا حَرَمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالدَّمْ وَلَحْمُ الْخَنَزِيرِ وَمَا أَهْلَ بِهِ لِغَيْرِ اللَّهِ فَمَنْ اضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ
فَلَا إِنْمَاءُ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَّحِيمٌ (۱۷۳)

۱۷۳. Аллоҳ сизларга шаръий йўл билан сўйилмаган ўлимтиқ,

оқизилган қон, түнғиз гүшти ва Аллоҳдан үзгасига атаб сўйилган ҳайвонлар каби үзингиз учун зарарли бўлган нарсаларнигина ҳаром қилди. Аллоҳ сизларга Ўз фазли марҳамати билан мазкур ҳаром нарса-ларни мажбурлик ҳолида ейишга рухсат берди. Кимни шу ҳаром нарсалардан бирортасини ейишга зарурат мажбур қилса, заруратдан ортиқчасини ейиш билан зулм қилмаган ҳолда ва рухсат берилган ҳад-худуддан ўтмаган ҳолда еса, у учун гуноҳ йўқдир. Албатта, Аллоҳ бандаларини кечи-рувчи, уларга меҳрибон Зотдир.

إِنَّ الَّذِينَ يَكْنُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ وَيَسْتَرُونَ بِهِ ثُمَّاً قَلِيلًاً أَوْ لَيْكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا
الَّذِي أَرَى وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُرَكِّبُهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ (١٧٤)

۱۷۴. Албатта, Аллоҳ Ўз китобларида нозил қилган, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг белгилари ва бошқа шу каби ҳақиқатларни яширадиган ва бунинг эвазига арзимас дунё матосидан бирон нарсани қўлга киритишга интиладиган кимсалар — ана ўшалар қоринларига ловул-лаб турган дўзах ўтинигина емоқдалар. Аллоҳ ғазаб қилиб, қиёмат куни уларга сўзламайди, уларни гуноҳ ва куфр-ларидан покламайди, уларга аламли азоб бордир.

أَوْلَئِكَ الَّذِينَ اشْرَكُوا الصَّلَالَةَ بِالْهُدَىٰ وَالْعَذَابَ بِالْمَغْفِرَةِ فَمَا أَصْبَرَهُمْ عَلَى النَّارِ (۱۷۵)

۱۷۵. Мана шу сифатлар эгаси бўлган у кимсалар ҳидоят ўрнига залолатни, Аллоҳнинг мағфирати

ўрнига Унинг азобини алмаштириб олдилар. Дўзах аҳлининг ишларини қилганлари сабабли энди дўзах ўтига мунча ҳам сабр-тоқатли бўлмасалар-а!!

Аллоҳ таоло уларнинг бундай ишларга журъат қилиш-**ларидан ажабланиб**: «Эй одамлар, уларнинг журъатларидан ва дўзахга гирифтор бўлиб, унинг аланга-оташига қандай сабр-тоқат қилишларидан ажабланинглар», демоқда. Бу эса уларни хорлаш ва қадрларини пасайтириш учун айтилган сўздир.

ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ نَزَّلَ الْكِتَابَ بِالْحَقٍِّ وَإِنَّ الَّذِينَ اخْتَلَفُوا فِي الْكِتَابِ لَفِي شِقَاقٍ بَعْدِ (١٧٦)

‘۱۷۶. Улар сазовор бўлган бу азоб
Аллоҳ таолонинг Ўз

пайғамбарларига нозил қилган, очиқ-равшан ҳақни ўз ичига олган китобларига коғир бўлишгани сабаблидир. Китобда ихтилоф қилган ва баъзисига иймон келтириб, баъзисини инкор қилган кимсалар тўғрилик ва ҳақдан жуда ҳам узокда ва чуқур талашиб-тортишувдадир.

لَيْسَ الْبِرُّ أَنْ تُؤْلِمَا وَجُوَهَكُمْ قَبْلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلِكُنَّ الْبِرُّ مَنْ آمَنَ بِاللهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّنَ وَأَتَى الْمَالَ عَلَى حُدُّهُ ذَوِي الْفُرْبَى وَالْيَتَامَى وَالْمَسَاكِينَ وَأَبْنَ السَّبِيلِ وَالسَّائِلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَأَتَى الزَّكَوةَ وَالْمُؤْمِنُونَ بِعَدْهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْأَسَاءَ وَالضَّرَاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ أُولَئِنَّكُمُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِنَّكُمُ الْمُنْفَعُونَ (١٧٧)

177. Аллоҳ таоло наздида яхшилик — агар у Аллоҳнинг амри ва шариатидан келиб чиққан бўлмаса — намозда шарқ ё ғарб томонга юзланишда эмас, балки барча яхшилик Аллоҳга иймон келтирган

ва Уни Ягона ва шериксиз маъбуд деб тасдиқлаган, қайта тирилиш ва Жазо кунига, барча фаришталарга, Аллоҳ томонидан туширилган барча китобларга, барча пайғамбарларга ҳеч бирини фарқламасдан иймон келтирган ва молни — ўзи қаттиқ яхши кўргани ҳолда — қариндошларга, балоғат ёшига етмасдан оталаридан ажралиб қолган муҳтоҷ етимларга, муҳтоҷлик қийнаган фақир-мискинларга, аҳли-оиласи ва молмулкидан узокда юрган муҳтоҷ мусофирларга, кучли эҳтиёж важидан сўранишга мажбур бўлган сўровчиларга берган ҳамда қул ва асирларни озод қилишга сарфлаган, намозни тўкис адо этган, фарз

закотни берган, аҳдлариға вафо қиласидиган, фақирлик ва касаллик ҳолларида ва оғир жанг пайтларида сабр қилган кишиларнинг иймонидир. Мазкур сифатлар билан сифатланувчи кишилар иймонарида содик бўлган кишилардир ва ўшалар Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, Унинг маъсиятларидан тийилувчи киши-лардир.

يَا أَئُلُّهَا الَّذِينَ آتَمُوا كُتُبَ عَلَيْهِمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْنَى الْحُرُثُ بِالْخَرْ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ وَالْأَنْثَى بِالْأَنْثَى فَمَنْ عُفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَإِنَّمَا يُعَذَّبُ بِمَا مَعْرُوفٌ وَآذَاءُ النِّسَاءِ بِإِحْسَانٍ ذَلِكَ تَحْفِيفٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ فَمَنْ اعْنَدَى بَعْدَ ذَلِكَ فَلَأُهْ عَذَابٌ أَلِيمٌ (۱۷۸)

۱۷۸. Эй Аллоҳга иймон келтириб, Унинг элчисини тасдиқлаган ва Унинг шариатига амал қилган кишилар, Аллоҳ сизларга қасдан бирорни ўлдирган кишини ўлдириш орқали қасос олишни фарз қилди ва

бунда тенгликтин шарт қилди. Яъни, озод муқобилига озодни, қул муқобилига қулни, аёл муқобилига аёлни қатл этилади. Мақтулнинг валийси (яъни, ўлдирилган кишининг эгалари) олижаноблик қилиб, қотилни афв қилиш ва хун пули олиш билан кифояланишни истаса, ҳар икки тараф чиройли хулқни лозим тутсин, валий хун пулинни қўполлик ва қаттиқликсиз талаб қилсин, қотил эса яхшилик билан — кечиктирмай ва камайтирмай берсин. Хун пули олиб туриб афв қилиш Роббингиз томонидан сизларга ато этилган енгиллик ва меҳрибонликдир, чунки бунда қулайлик ва фойдаланиш бор. Энди ким қотилдан хун пули олиб,

афв қилғандан кейин ҳам уни
ўлдирса, у учун бу дунёда ундан
қасос олиб ўлдирилиш билан ёки
охиратда дўзах азоби билан қаттиқ
азоб бордир.

وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيَاةٌ يَا أُولَئِي الْأَلْبَابِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَقَّهُونَ (١٧٩)

۱۷۹. Сизлар учун қасосни машруъ
ва ижро қилишда хотиржам ҳаёт
кечириш бордир эй соғлом ақл
эгалари! Шояд доимо Аллоҳга итоат
этиб, Ундан тақво қилсан-гизлар.

كُتُبَ عَلَيْكُمْ إِنَّا حَضَرَ أَحَدُكُمُ الْمُؤْمِنُ إِنْ تَرَكْ خَيْرًا الْوَصِيَّةُ لِلْوَالِدَيْنَ وَالْأَقْرَبَيْنَ بِالْمَغْرُوفِ حَسَّاً
عَلَى الْمُتَقْبِيْنَ (١٨٠)

۱۸۰. Сизлардан бирингизга ўлим
аломатлари ҳозир бўлиб, унинг
дастлабки белгилари кўриниб
қолганида — агар ортидан мол
қолдириб кетаётган бўлса — Аллоҳ

унга молининг бир қисмини ота-она ва қариндошларига адолат-ли равишда — яъни, камбағалини қолдириб, бойига васият қилмаган ҳолда ёки молининг учдан биридан ортиғини васият қилмаган ҳолда — васият қилишини фарз қилди. Ва бу Аллоҳдан қўрқувчи тақво аҳли амал қиласидан сабит-ўзгармас ҳақдир.

Бу хукм Аллоҳ таоло ҳар бир ворисга ўз ҳаққини аниқ белгилаб берган мерос оятлари нозил бўлишидан илгари бўлган эди.

فَمَنْ بَدَأَهُ بَعْدَمَا سَمِعَهُ فَإِنَّمَا إِنْمَاءُ عَلَى الَّذِينَ يُبَدِّلُونَهُ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلَيْهِمْ (۱۸۱)

‘۱۸۱. Кимда-ким вафот этган кишининг васиятини унинг вафотидан олдин ўзидан эшишиб

туриб, кейин уни ўзгар-тирса, гуноҳи ўша ўзгартирган кишилар зиммасигадир. Албатта, Аллоҳ сизларнинг васиятларингиз ва гап-сўзла-рингизни эшитувчи ва дилларингиздаги ҳақ ва адолатга ёки жабр-зулмга бўлган мойилликни яхши билувчи ва шунга яраша жазо-мукофот берувчи Зотдир.

فَمَنْ خَافَ مِنْ مُوصِّي جَنَفاً أَوْ إِنْمَا فَأَصْلَحَ بَيْنَهُمْ فَلَا إِنْمَالَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ (١٨٢)

۱۸۲. Ким васият қилувчи киши томонидан васиятида қасдан ёки билмаган ҳолда ҳақдан четланиш содир бўлга-нини билса ва васият қилувчига адолатли бўлишни насиҳат қилса, ёки бунинг имкони бўлмаса ва кейин ҳақдор тарафлар ўртасида ислоҳ қилиб, васиятни

шариатга мувофиқ томонга
ўзгартирса, у учун бу ишида гуноҳ
йўқдир. Албатта, Аллоҳ
бандаларини кечирувчи ва уларга
раҳмли Зотдир.

يَا أَئِيَّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ (١٨٣)

١٨٣. Эй Аллоҳ ва Расулини тасдиқ
қилган ва Аллоҳнинг шариатига
амал қилган кишилар, тақволи
бўлишингиз ва ягона Аллоҳга
ибодат ва итоат қилиш билан
ўзингизни гуноҳлардан тўсишингиз
учун Аллоҳ сизлардан аввал ўтган
умматларга фарз қилгани каби
сизларга ҳам рўза тутишни фарз
қилди.

أَيَّامًا مَغْدُوَدَاتٍ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعَدَّهُ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيفُونَهُ فِيْهِ طَعَامٌ مِسْكِينٌ فَمَنْ تَطَوَّعَ حَيْرًا فَهُوَ حَيْرٌ لَهُ وَأَنْ تَصُومُوا حَيْرًا لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ (١٨٤)

۱۸۴. Аллоҳ сизларга саноқли кунлар, яъни Рамазон ойи рўзасини фарз қилди. Энди сизлардан ким рўза тутиш оғирлик қиладиган касал бўлса ёки мусофир бўлса, рўза тутмаслиги мумкин ва тутмаган кунлари ўрнига худди ўшанча кун бошқа вақт рўза тутиб бериши унинг зиммасига вожиб бўлади. Кийналиб рўза тутадиган ва рўзанинг оғирлигини кўтаролмайдиганлар — масалан, кексалар ва тузалишидан умид бўлмаган касаллар — рўза тутмаган ҳар куни учун фидя (**тўлов**) сифатида бир мискинга таом беришлари лозим. Ким ихтиёрий равишда фидя микдорини ошириб берса, ўзи учун яхшидир. Агар

рўзанинг Аллоҳ хузуридаги фазли
нақадар улуғлигини билсангиз,
оғирликни кўтариб бўлса-да рўза
тутишла-рингиз фидя бергандан
кўра ўзингиз учун яхширокдир.

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانَ فَمَنْ شَهَدَ مِنْكُمْ
الشَّهْرَ فَلِيَصُمِّمْهُ وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعَذَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ
بِكُمُ الْعُسْرَ وَلَا يُكَلِّمُوا الْعِدَّةَ وَلَا يُكَرِّرُوا اللَّهَ عَلَى مَا هَدَاهُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ (١٨٥)

185. (У кунлар) Рамазон ойидирки,
ушбу ойнинг Қадр кечасида Аллоҳ
таоло Қуръонни одамларни ҳаққа
йўллаши учун нозил қилишни
бошлади, унда (Қуръонда)
Аллоҳнинг ҳидоятига ва ҳақ билан
ботил ўртасини ажратишга очик-
равшан далиллар бор. Энди
сизлардан қай бирингиз ушбу ойга
соғлом ва муқим ҳолда ҳозир бўлса,
унинг кундуз-ларида рўза тутсин.

Бемор ва мусоғир кишиларга рўза тутмасликка рухсат берилади, бирок, кейинроқ ўшанча кунлар миқдорича қазосини тутиб берадилар. Аллоҳ ўз қонун-қоидаларида сизларга енгиллик ва қулайликни истайди, У сизларга қийинчилик ва машаққат бўлишини истамайди. Бу рўза тутиладиган кунлар саноғини тўлдири-шингиз ва рўзани ийд ал-фитр (**рамазон ҳайти**) кунида Аллоҳга такбирлар айтиб тугатишингиз ва сизларни ҳидоятлаб қўйгани учун Уни улуғлашингиз учун ҳамда сизларга инъом этган ҳидоят, тавфиқ ва енгилликлар учун Унга шукроналик бажо келтиришингиз учундир.

وَإِذَا سَأَلَكَ عَبْدٌ يَعْرِي فَإِلَيِّي قَرِيبٌ أَجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِي فَلَيْسْتَ حِبُّوا لِي وَلَيُؤْمِنُوا بِي
لَعْلُهُمْ يَرْثُونَ (١٨٦)

۱۸۶. Эй Пайғамбар, бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, сиз уларга айтингки, Мен уларга яқинман, дуо қилувчи Менга дуо қилса, уни ижобат қиласан. Бас, улар Менинг буйруқ ва қайтариқларимга итоат қилсинлар, Менга иймон келтирсинглар, шоядки дин ва дунёларида ўзлари учун фойдали бўлган ишларга йўллансалар.

Ушбу оятда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларига Ўзининг улуғлигига лойик бўлган яқинлик билан яқин экани хабарини бермоқда.

أَحَلَ لَكُمْ لِيَلَةَ الصِّيَامِ الرَّفِثُ إِلَى نِسَائِكُمْ هُنَ لِيَاسٌ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِيَاسُ لَهُنَّ عَالَمُ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَحْتَانُونَ
أَنْفُسَكُمْ قَنَابَ عَلَيْكُمْ وَعَنْكُمْ فَالآنَ بَاشِرُو هُنَّ وَابْتَغُوا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُوا وَاشْرُبُوا حَتَّى
يَبَيِّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنْ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنْ الْفَجْرِ ثُمَّ اتَّهُوا الصِّيَامَ إِلَى اللَّيلِ وَلَا تُبَاشِرُو هُنَّ
وَأَنْتُمْ عَاكِفُونَ فِي الْمَسَاجِدِ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَقْرُبُوهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ آيَاتِهِ لِلنَّاسِ لِعَلَمِهِ يَتَّقُونَ

(١٨٧)

187. Аллоҳ сизларга Рамазон кечаларида аёлларингизга қўшилишни ҳалол қилди, улар сизлар учун сатр (**ёпқич**) ва ҳифзу ҳимоя, сизлар улар учун сатр ва ҳифзу ҳимоясизлар. Аллоҳ билдики, сизлар Аллоҳнинг Рамазон кечаларида хуфтон намозидан кейин аёлларингизга қўшилишни ҳаром қилган ҳукмига хилоф қилиб, ўзларингизга хиёнат қилмоқдасиз, — бу ҳукм Исломнинг аввалида эди, — бас, У тавбаларингизни қабул қилди ва сизларга бу хусусда кенглик-енгиллик берди, энди

сизлар аёлларингиз билан
қўшилаверинг ва Аллоҳ сизларга
такдир қилган фарзанд-зурриётни
талаб қилаверинг, субҳи содик
кўриниб, тун қоронғулигидан тонг
ёруғлиги ажралгунига қадар еб-
ичаверинг, кейин то кун ботиб,
оқшом бўлгунига қадар рўзани
бузувчи нарсалардан тийилиш
билан рўзангизни комил қилинг.
Масжидларда эътикофда бўлган
пайтин-гизда аёлларингиз билан
қўшилмангиз ва қўшилишга олиб
борувчи ишлардан тийилингиз,
чунки, бундай ишлар эътикофни
бузади (**Эътикоф — Аллоҳга қурбат**
ҳосил қилиш мақсадида маълум
муддат масжидда ўтиришдир).
Аллоҳ сизларга машруъ қилган

ушбу хукмлар Унинг ҳалол ва ҳаром ўртасини ажратиб берувчи ҳад-худудлариdir, сизлар ҳаромга тушиб қолмаслик учун бу чегараларга яқинлашмангиз! Аллоҳ одамларга Ундан қўрқишилари ва тақво қилишилари учун Ўз оят ва ҳукмларини мана шундай очик-равshan баён қиласди.

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُنْمٍ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ وَتُذْلُوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ لِتَأْكُلُوا فَرِيقًا مِنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنْتُمْ عَلَمُونَ (۱۸۸)

‘۱۸۸. Бир-бирларингизнинг молларингизни ёлғон қасам, талончилик, ўғирлик, порахўрлик ва судхўрлик каби ботил йўллар билан емангиз, одамлардан бир тоифасининг молларини ботил йўл билан ейиш мақсадида хусумат-

лашиб, хукм чиқарувчи (қози)ларга — бундай қилиш ҳаром эканини билиб туриб — ёлғон далил-хужжатлар тақдим қилмангиз!

يَسْأَلُونَكُمْ عَنِ الْأَهْلَةِ قُلْ هُنَّ مَوْاقِبُ اللَّٰهِ وَالْحَجَّ وَلَيْسَ الْبَرُّ بِأَنْ تَأْتُوا الْبُلُوغَاتِ مِنْ ظُهُورِهَا وَلَكِنَّ الْبَرَّ مَنْ مُنْ تَأْتُوا الْبُلُوغَاتِ مِنْ أَبْوَابِهَا وَأَنْقُوا اللَّٰهَ لَعَلَّكُمْ تُفَلِّحُونَ (١٨٩)

189. Эй Пайғамбар, асҳобларингиз сиздан ҳилол (ої)лар ва уларнинг кўриниши ўзгариб бориши ҳақида сўрайдилар. Сиз уларга айтингки, Аллоҳ таоло ҳилолларни одамлар улар билан рўза, ҳаж каби маълум бир вақтга белгилаб қўйилган ибодатлар вақтларини ва бошқа муомалаларини билиб оладиган аломатлар-белгилар қилиб қўйди. Яхшилик сизлар жоҳилият даврида ва Исломнинг аввалги даврларида

одатланиб қолган ишда, яъни ҳаж ё
умрага ихром боғлаган
пайтларингизда — Аллоҳга ибодат
деб хисоблаб — уйларга орқасидан
кириб келишларингизда эмас.
Балки, яхшилик Аллоҳдан тақво
қилган ва маъсиятлардан сакланган
киши-нинг амалидир. Ўзингиз
истаган барча дунё ва охират
яхшиликларига эришишларингиз
учун ҳаж ё умрага ихромли
ҳолингизда ҳам уйларга
эшикларидан киринглар ва барча
ишларингизда Аллоҳ таолодан
қўрқинглар!

وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُفَاتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْنَتُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِلِينَ (١٩٠)

‘۱۹۰۔ Эй мўминлар, сизларга қарши
урушаётганлар билан Аллоҳнинг

динига ёрдам бериш учун урушинглар ва (лекин) мусла (кулок-бурун каби бирон аъзони кесиш), ғулул (ўлжадан бирон нарсани яширинча олиш), ўлдириш ҳалол бўлмаганларни — масалан: аёллар, ёш болалар, қариялар ва шулар хукмида бўлганларни — ўлдириш каби динда қайтарилиган ишларни қилманглар! Албатта, Аллоҳ Ўзининг чегараларига тажовуз қиласидиган ҳамда Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган ишларни ҳалол санайдиган кимса-ларни ёқтирмайди.

وَأَفْتَلُوْهُمْ حِيْثُ تَقْتُلُوْهُمْ وَأَخْرُجُوْهُمْ مِنْ حِيْثُ أَخْرُجُوكُمْ وَالْفِتْنَةُ أَشَدُّ مِنْ الْفَتْلِ وَلَا تُفَاتِلُوْهُمْ عِنْدَ
الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ حَتَّىٰ يُفَاتِلُوْكُمْ فِيهِ فَإِنْ قَاتَلُوْكُمْ فَاقْتَلُوْهُمْ كَذَلِكَ جَزَاءُ الْكَافِرِينَ (۱۹۱)

۱۹۱. Сизларга қарши урушаётган мушрикларни қаерда топсангиз ўлдиринглар ва сизларни чиқаришиб юборган ўриндан — Маккадан уларни қувиб чиқаринглар. Фитна — яъни, ширк келтириш ва Исломдан тўсиш — уларни ўлдиришингиздан кўра ёмонроқдир. Масжиди Ҳаром ҳурматини сақлаб, сизлар то улар ўзлари бошламагунча Масжиди Ҳаром олдида уларга уруш бошламанглар, агар Масжиди Ҳаромда сизларга уруш бошласалар, сизлар ҳам уларни ўлдиринглар. Кофирларнинг жазоси ана шундай тийиб қўювчи жазо бўлади.

فَإِنْ انْتَهُوا فَإِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَّحِيمٌ (۱۹۲)

۱۹۲. Агар улар куфрдан ва Масжиди Ҳаромда сизларга қарши урушишдан тийилсалар ва иймонга келсалар, албатта, Аллоҳ бандаларини кечиравучи ва уларга меҳри-бондир.

وَقَاتُلُوْهُمْ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّيْنُ لِلَّهِ فَإِنْ انْتَهُوا فَلَا عُذْوَانَ إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ (۱۹۳)

۱۹۳. Эй мўминлар, то мусулмонларни динларидан фитналаш ва Аллоҳга ширк келтириш тугаб битмагунича, дин ёлғиз Аллоҳ учун холис бўладиган ва Ундан ўзгага ибодат қилинмайдиган ҳолат вужудга келмагунича тажовузкор мушриклар билан урушишда давом этинглар. Агар улар куфрдан ва урушишдан тийилсалар, сизлар ҳам улардан тийилинглар. Жазо факат

куфр ва душманликда давом
этувчиларга бўлади.

الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَاتُ قِصَاصٌ فَمَنْ اعْتَدَى عَلَيْكُمْ فَاعْتَدُوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا
اعْتَدَى عَلَيْكُمْ وَانْفَوْا اللَّهُ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُنْتَقِيْنَ (١٩٤)

‘ۯ۹۴. Эй мўминлар, сизларнинг уруш
ҳаром қилинган ойда мушриклар
 билан урушишларингиз уларнинг
 уруш ҳаром қилинган ойда сизларга
 уруш қилишганига жазодир. Аллоҳ
 ҳаром (**яъни, ҳурматли**) қилган
 замон ва маконга тажовуз қилган
 кимсага айни ўзи қилганидек иш
 билан жазо берилади. Ким уруш ё
 бошқа бирор ёмонлик билан
 сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам
 унга айни ўша жиноятига ўхшаш иш
 билан жазо беринглар, бунда
 сизларга гуноҳ йўқдир. Чунки, улар

ўзлари тажовузни бошлашди. Аллоҳдан қўрқинглар ва жазони айни шаклдан ошириб юборманглар. Билингларки, Аллоҳ таоло Ўзидан тақво қиласиган, Унинг фарзларини адо этиш ва ҳаром-ларидан тийилиш билан Унга итоат қиласиган кишилар билан биргадир.

وَأَنْفَقُوا فِي سَبِيلِ اللهِ وَلَا تُلْهُوا بِأَيْدِيهِمْ إِلَى النَّهَلَكَهِ وَاحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ (١٩٥)

‘۱۹۵. Эй мўминлар, Аллоҳнинг динига ёрдам бериш ва Унинг йўлида жиҳод учун инфоқ қилишда (пул-мол сарфлашда) давом этинглар, Аллоҳ йўлидаги жиҳодни ва бу йўлда инфоқни тарк қилиш билан ўзингизни ҳалокатга ташламанглар, инфоқ ва тоатни

гўзал суратда қилинглар, барча амалингизни холис Аллоҳ учун қилинглар. Албатта, Аллоҳ ихлосли ва гўзал амал қилувчи кишиларни яхши кўради.

وَأَتَئُوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةِ لِلَّهِ فَإِنْ أَخْصَرْتُمْ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنْ الْهَدْيِ وَلَا تَخْلُقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ الْهَدْيُ مَحْلَهُ فَمَنْ كَانَ مِنْهُمْ مُرِيضًا أَوْ بِهِ أَذْىٰ مِنْ رَأْسِهِ فَفَدِيَةٌ مِنْ صِيَامٍ أَوْ صَدَقَةٍ أَوْ شُكُوكٍ فَإِذَا أَمْنَثْتُمْ فَمَنْ تَمَنَّعَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجَّ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنْ الْهَدْيِ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصَيَامٌ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ فِي الْحَجَّ وَسَبْعَةٌ إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشَرَةً كَامِلَةً ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يَكُنْ أَهْلُهُ حَاضِرٍ يَالْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَغْمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ (۱۹۶)

۱۹۶. Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун холис қилиб, комил суратда адо этинглар. Ҳаж ё умрага ният қилиб, ихромга кирганингиздан кейин уни комил суратда адо этишингиз йўлида душман ёки касаллик каби бирор монеъ тўсқинлик қилса, сочларни қириш ёки қисқартириш билан ихромдан чиқишларингиз учун, имконингизда бўлган туя, мол

ёки қўйларни сўйиш билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишингиз вожиб бўлади. Йўлингиз тўсилган ҳолда бўлганингизда — худди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбияда ҳадя (яъни, ўзлари билан олиб келган қурбонлик)ларини бўғизлаб, сўнг соchlарини олдирганларидек, йўли тўсилган киши ўша тўсилган ерида ҳадясини (яъни, Ҳарамда сўйиш учун олган жонлиғини) бўғизлаб, ихромидан чиқмагунича — соchlарингизни олдирманглар. Йўли тўсилмаган киши-лар ҳадяларини факат Ҳарам ҳудудида бўғизлайдилар, сўйиш вақти ийд (курбон ҳайити) куни бўлмиш Зулхижжанинг ўнинчи куни ва кейинги

ташриқ кунларидир. Энди сизлардан қай бир киши ихромдалик ҳолида касал бўлса ёки бошида бирор озор мавжуд бўлиб, соч олдириш зарурати пайдо бўлса, сочини олдираверади ва эвазига фидя бериши лозим бўлади. Фидя уч кун рўза тутиш ёки олтида мискинга ҳар бирига ярим соъдан егулик бериш ёки Ҳарамдаги камбағалларга бир қўй сўйиб беришdir. Тинч-омон ва сиҳат-саломат бўлган ҳолларингизда қай бир киши ҳажгача умрадан фойдаланган бўлса, яъни, умра қилиб бўлганидан кейин (**то ҳаж амаллари бошланадиган кунгача**) ихром сабабли ўзига ҳаром бўлган ишларни ўзига ҳалол қилган (**ихромдан чиққан**) бўлса, муяссар

бўлган бир ҳадя (**жонлик**)ни сўйиши лозим. Ким бўғизлаш учун ҳадя топа олмаса, ҳаж ойларида уч кун ва ҳаж амалларидан фориғ бўлиб, ахли-оиласига қайтганидан кейин яна етти кун рўза тутиши лозим. Бу тўла ўн кун рўза тутиш зарур бўлган кунлардир. Ушбу ҳадя (**сўйилажак жонлик**) ва унинг ўрнига тутиладиган рўза ахли-оиласи Ҳарам ерида яшовчи бўлмаган кишилар учундир. Аллоҳдан қўрқинглар ва Унинг буйруқ ва қайтариқларига риоя қилинглар. Билинг-ларки, Аллоҳ таоло Ўзининг амрига хилоф қиласидиган ва қайтарган ишларини қиласидиган кимсаларга азоби қаттиқ Зотдир.

الْحَجُّ أَشْهُرٌ مَعْلُوماتٌ فَمِنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفَثٌ وَلَا فُسُوقٌ وَلَا جِدَالٌ فِي الْحَجَّ وَمَا تَعْلَمُوا
مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَنَزَّهُ دُوَا فَإِنَّ خَيْرَ الزَّادِ التَّقْوَى وَأَنْتُو نَبِيٌّ يَا أُولَئِكَ الْأَلْيَابِ (١٩٧)

۱۹۷. Ҳаж вақти маълум ойлар бўлиб, улар Шаввол, Зул-қаъда, Зул-хижжанинг ўн кунидир. Мазкур ойларда ким ихромга кириш билан ўзига ҳажни фарз қилган бўлса, энди унга жимоъ (**жуфти билан қўшилиш**) ва шунга олиб борувчи сўзу ишлар ҳаром бўлади, гуноҳ ишларни қилиш билан Аллоҳнинг тоатидан чиқиш ҳамда ҳаж мобайнида ғазаб ва нафратга олиб келадиган талашиб-тортишишлар ҳам унга ҳаром бўлади. Нимаики яхши амал қилсангизлар, Аллоҳ уни билади ва ҳар кишига амалига яраша жазо-мукофот беради. Ҳаж сафари учун ўзингизга емак-

ичмакдан бўлган йўл озуқаси ва
охират ҳовлиси учун солиҳ
амаллардан бўлган йўл озуқасини
олингиз. Шубҳасиз, энг яхши озуқа
Аллоҳдан тақво қилишдир,
Мендангина қўрқинглар эй соғлом
акл эгалари!

لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبَتَّعُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ فَإِذَا أَفْضَلْتُمْ مِنْ عَرَفَاتٍ فَادْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ
الْحَرَامِ وَادْكُرُوهُ كَمَا هَدَأْتُمْ وَإِنْ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلِهِ لَمِنْ الصَّالِحَيْنِ (۱۹۸)

‘۱۹۸. Ҳаж кунлари тижоратдан
фойда топиб, Роббингиз-нинг
ризқидан талаб қилишингизда
сизлар учун гуноҳ йўқдир. Кун
ботганидан сўнг Арафотдан —
ҳожилар Зул-ҳижжанинг
тўққизинчи куни вуқуф қиласиган
(турадиган) ўриндан — қайтиб
тушаётганингизда Машъари

Ҳаромда — Муздалифада — тасбех, талбия ва дуолар билан Аллоҳни зикр қилинглар, Аллоҳни Унинг Ўзи сизларни йўллаб қўйган саҳиҳ-тўғри кўринишида зикр қилинглар. У йўллаб қўйишидан олдин сизлар ҳақни билмайдиган, залолат ичида Эдингиз.

لَمْ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ وَاسْتَغْفُرُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ (۱۹۹)

‘۱۹۹. Кейин сизлар Иброҳим алайҳиссалом қайтган жойдан — Арафотдан қайтиб тушинглар ва бу билан Арафотда вуқуф қилмайдиган (**турмайдиган**) жоҳилият аҳлига хилоф қилинглар. Ва Аллоҳдан гуноҳларингизни кечиришини сўранглар. Албатта, Аллоҳ истиғфор айтади-ган ва тавба қиласидиган

бандаларини кечиравчи, уларга
раҳмли Зотдир.

فَإِذَا قَضَيْتُم مَنَاسِكَكُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرُكُمْ آبَاءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا فَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا أَتَيْنَا فِي
الْأُنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلَاقٍ (٢٠٠)

۲۰۰. Ибодатларингизни тамомига
етказгач ва ҳаж амалларидан фориғ
бўлгач, Аллоҳни худди ўз оталарин-
гизни эсга олгандек ёки ундан ҳам
зиёда эсга олинглар. Одамлардан
бир гуруҳи борки, ғам-ташвиши
фақат дунё бўлади, «Эй Роббимиз,
бизга дунёда сиҳат-саломатлик,
мол-дунё ва фарзандлар ато этгин»,
деб дуо қиласиди. Охиратга рағбат
қилишмагани ва ҳимматларини
фақат дунёга чеклашгани учун
уларга охиратда ҳеч қандай улуш ва
насиба йўқдир.

وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا أَنْتَ فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ (٢٠١)

۲۰۱. Одамлардан мўмин бўлган бир гурухи ҳам борки, дуоларида: «Эй Роббимиз, бизга дунёда оғият, ризқрўз, фойдали илм, солиҳ амал ва бошқа яхши нарсаларни ато этгин, охиратда эса жаннатни ато этгин ва дўзах азобидан бизни Ўзинг асрарин», дейишади.

Бу дуо энг жомиъ (қисқа ва пурмаъно) дуолардан, шунинг учун, «Саҳиҳайн»да ривоят қилинганидек, у Расу-луллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг кўп айтадиган дуолари эди.

أَوْلَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ (٢٠٢)

۲۰۲. Ушбу дуо билан дуо қилувчи ўша кишилар учун қилган солих амаллари сабабли улкан ажру савоблар бордир. Аллоҳ ҳисоби тез, бандаларининг амалларини ҳисоб қилувчи ва амалларига яраша жазомукофотлар берувчи Зотдир.

وَادْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَعْدُودَاتٍ فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمٌ عَلَيْهِ لِمَنْ أَتَقْرَأَ وَأَنْفَقَ اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ (۲۰۳)

۲۰۳. Саноқли кунларда Аллоҳни тасбех ва такбирлар билан зикр қилинглар. Саноқли кунлар — Ташриқ кунлари бўлиб, Зулхижжанинг ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи кунларидир. Энди ким тезроқ кетишни истаса ва тошларини отгач, Минодан ўн иккинчи куннинг қуёши ботмасидан

туриб чиқиб кетса, унга гуноҳ йўқдир. Ким кетишни ортга суртса ва Минода тунаб, ўн учинчи куни ҳам тошларни отгандан кейин кетса, унга ҳам гуноҳ йўқдир. Бу (ҳукм) ҳаж ибодатида Аллоҳдан тақво қилган киши учундир. Кечиктириш афзалроқ, чунки бундай қилиш ибодатда озуқа олиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг феълларига эргашишdir. Эй мусулмонлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва барча ишларингизда Уни кўз олдингизда туtingлар. Билингларки, сизлар ўлганингиздан сўнг ҳисоб ва жазо учун фақат Унинг ҳузурида тўплана-сизлар.

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُعِجِّبُكَ قُولُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشَهِّدُ اللَّهَ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ وَهُوَ أَلَدُ الْخَصَامِ (٢٠٤)

۲۰۴. Эй Пайғамбар, мунофиқлардан бўлган айрим инсонларнинг охиратни эмас, балки дунёдан бирон нарсага эришишни кўзлаб, гапирган чиройли гаплари сизга қизиқ (**маъқул**) кўринади. У дилида Исломга муҳаббати борлиги-га Аллоҳни гувоҳ қилиб қасам ҳам ичади, бу ишида Аллоҳга нисбатан жуда катта журъат бор. Ҳолбуки, у Ислом ва мусулмонларга қаттиқ адоват ва хусуматдадир.

وَإِذَا تَوَلَّى سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ الْحَرْثَ وَالنَّسْلَ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفَسَادَ (۲۰۵)

۲۰۵. Эй Пайғамбар, у сизнинг олдингиздан кетгач, ерда фасод тарқатиш, одамларнинг экинларига талафот етказиш ва чорваларини

ҳалок қилиш учун елиб-югуради.
Аллоҳ эса фасодни ёқтирмайди.

وَإِذَا قِيلَ لَهُ أَتَقْنَى اللَّهَ أَخْدَثَهُ الْعِزَّةُ بِالإِيمَانِ فَحَسْبُهُ جَهَنَّمُ وَلَيْسَ الْمَهَادُ (٢٠٦)

۲۰۶. Агар у бузғунчи мунофиққа насиҳат қилиб: «Аллоҳ-дан қўрқ, Унинг азобидан ҳазир бўл ва ерда фасод тарқатишдан тийил», дейилса, насиҳатни қабул қилмайди, кибр ва жоҳилий ҳамият уни яна-да кўпроқ гуноҳларга етаклайди. Унга жаҳаннам азоби етарлидир, жаҳаннам нақадар ёмон жой!

وَمِنْ النَّاسِ مَنْ يَشْرِي نَفْسَهُ اِبْتِغَاءً مَرْضَاهِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعَبَادِ (٢٠٧)

۲۰۷. Одамлар ичидаги айримлари борки, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва Унинг тоатини лозим тутиш билан Аллоҳ розилигини истаб, ўз

жонини сотади (**беради**). Аллоҳ бандаларига меҳрибондир. У мўмин бандаларини дунё ва охиратда кенгмўл раҳмат билан раҳмат қилади ва уларни гўзал мукофотлар билан мукофотлайди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوْا فِي السَّلَمِ كَافَةً وَلَا تَنْهِيُّوا حُطُّوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَذُّوْ مُبِينٌ (۲۰۸)

۲۰۸. Эй Аллоҳни Роб деб, Муҳаммадни пайғамбар ва расул деб, Исломни дин деб иймон келтирган кишилар, Исломга унинг барча қонун-қоидаларини қабул қилган ҳолда киринглар, унинг барча ҳукмларига тўла амал қилинглар, улардан бирортасини ҳам тарк қилманглар, шайтоннинг сизларни чорлаётган маъсият йўлларига эргашманглар. Шубҳасиз,

у сизларга адовати очиқ-равшан душмандир, ундан эҳтиёт бўлинглар.

فَإِنْ رَأَلَّمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكُمُ الْبَيِّنَاتُ فَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ (٢٠٩)

۲۰۹. Агар сизларга Қуръон ва Суннатдан бўлган очиқ далил-хужжатлар келганидан кейин ҳақ йўлдан бурилиб кетсангиз, билингларки, албатта Аллоҳ мулкида Ғолибdir, ҳеч нарса Ундан қочиб қутулолмайди. У Ўзининг буйруқ ва қайтариқларида Ҳаким — донодир, ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўяди.

هُلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا أَنْ يَأْتِيهِمُ اللَّهُ فِي ظُلُلٍ مِنْ الْغَمَامِ وَالْمَلَائِكَةُ وَقُضِيَ الْأَمْرُ وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ (۲۱۰)

۲۱۰. Ўша саркаш кофир кимсалар очиқ далил-хужжатлар қоим

бўлганидан кейин, энди факат қиёмат куни Аллоҳ таоло улар ўртасида адолатли ҳукм билан ажрим қилиши учун Ўзига лойик бир тарзда, сояли булутларда келишини ҳамда фаришталарнинг келишини кутишмоқда, холос. Ўшанда Аллоҳ таоло улар ҳақида Ўзининг ҳукмини чиқара-ди ва иш тамом бўлади. Барча ишлар ёлғиз Аллоҳнинг ўзига қайтарилигай.

سَلَّمَ تَبَّعِي إِسْرَائِيلَ كُمْ أَتَيْنَاهُمْ مِنْ آيَةٍ بَيْتَنِي وَمَنْ يُدْلَلْ نِعْمَةَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَنَّهُ فَإِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ
الْعِقَابِ (٢١١)

۲۱۱. Эй Пайғамбар, сизга саркашлиқ кўрсатаётган ўша Бани Исроилдан сўранг, Биз уларга китоблари ичидагуларни ҳаққа йўллайдиган қанчалаб очиқ оят-аломатларни бердик экан!

Улар ўшаларнинг ҳаммасини инкор қилишди, улардан юз ўгиришди, уларни ўз ўринларидан ўзгартиришиди. Ким Аллоҳнинг неъматини — динини — таниганидан сўнг ва унга қарши бу ҳақда ҳужжат қоим бўлганидан сўнг инкор қилса ва ўзгартирса, албатта Аллоҳ таоло у учун азоби ўта қаттиқ Зотдир.

رُبِّنَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا أَلْحَيَاهُ الدُّنْيَا وَيَسْخَرُونَ مِنْ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ اتَّقَوْا فَوْقَهُمْ يَوْمُ الْقِيَامَةِ وَاللهُ بَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ (۲۱۲)

۲۱۲. Аллоҳнинг ягоналигини инкор қилган кимсаларга дунё ҳаёти ва унинг ҳою-ҳаваслари чиройли қилинди. Улар мўминларнинг устидан куладилар. Роббиларидан қўрқади-ган такводор зотлар эса қиёмат куни барча кофирлардан

устундирлар, Аллоҳ таоло уларни жаннатнинг олий дара-жалариға киритади, кофирларни эса дўзахнинг қаърига туширади. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга беҳисоб ризқ ато этади.

كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً فَبَعَثَ اللَّهُ النَّبِيَّنَ مُّسْلِمِينَ وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحُكُّمُ بَيْنَ النَّاسِ فِيمَا اخْتَلَفُوا فِيهِ وَمَا اخْتَلَفَ فِيهِ إِلَّا الَّذِينَ أَنْوَهُ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَنَّهُمُ الْبَيِّنَاتُ بَعْدًا بَيْنَهُمْ فَهُدَى اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا لِمَا اخْتَلَفُوا فِيهِ مِنْ الْحَقِّ بِإِذْنِهِ وَاللَّهُ يَهُدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ (٢١٣)

۲۱۳. Одамлар Аллоҳга иймон келтиришга иттифоқ қилган битта жамоат эди, кейин улар динларида ихтилоф қилишди. (**Шундан сўнг**) Аллоҳ таоло Ўзининг динига даъват қилувчи, Аллоҳга итоат қилганларга жаннат хабари-ни берувчи, Унга кофир ва осий бўлганларни дўзах билан огоҳлантирувчи пайғамбарларни юборди, ўша

пайғамбар-ларга қўшиб, улар одамлар ўртасидаги келишмовчилик-ларда у билан ҳукм қилишлари учун ҳақни ўз ичига олган самовий китобларни туширди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ва у кишига туширилган Китоб хусусида факат Таврот берилган ва унинг ичидан бўлган далил-хужжатлар ва ҳукмларни билган кимсаларгина зулм ва ҳasad қилиб, талашиб-тортишдилар. Аллоҳ таоло Ўз фазли марҳамати билан мўминларни ҳақни ботилдан ажратишга ва ихтилоф қилган нарсаларида ҳақни билишга муваффақ қилди. Аллоҳ Ўзи истаган бандаларини тўғри йўлга муваффақ қиласди.

أَمْ حَسِّنْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَا يَأْتِكُمْ مَثْلُ الَّذِينَ خَلُوا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسَّهُمُ الْبَأْسَاءُ وَالضَّرَّاءُ وَرُزِّلُوا
حَتَّىٰ يَقُولَنَّ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ مَنَّىٰ نَصْرُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ نَصْرَ اللَّهِ قَرِيبٌ (٤٢)

۲۱۴. Ёки сизлар — эй мўминлар — ўзингиздан илгари ўтган мўминларга етган, камбағаллик, касалликлар, хавф-хатар ва қаттиқ қўрқув каби ҳар турли бало-ю имтиҳонлар сизларга ҳам етмасдан туриб жаннатга кирамиз, деб гумон қиласизларми?! Улар ўзларига етган қаттиқ хавф-хатар-лардан ларзага тушиб, ҳатто пайғамбарлари ва у билан бирга иймон келтирган кишилар — Аллоҳнинг нусратига қаттиқ ошиқиб — «Аллоҳнинг ёрдами қачон келаркин?!», дейишган эди. Огоҳ бўлингларки, Аллоҳнинг ёрдами мўминларга яқиндир.

يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنِفِّعُونَ قُلْ مَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ خَيْرٍ فَلُؤُلُ الدِّينُ وَالْأَقْرَبُونَ وَالْأَيْتَامَى وَالْمَسَاكِينَ وَابْنُ السَّبِيلِ
وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ (٢١٥)

۲۱۵. Эй Пайғамбар, асҳобларингиз Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш мақсадида молларининг қайси туридан ва кимларга инфок-эҳсон қилиш ҳақида сиздан сўрашади. Сиз уларга айтинг: «Ҳалол ва покиза мол турларидан ўзингизга муяссар бўлган ҳар қандай яхши нарсани инфок-эҳсон қиласверинглар, инфок-эҳсонингизни ота-онага, қариндош-уруғларга, етим ва мискинларга, аҳли-оиласи ва мол-мулкидан узокда бўлган муҳтоҷ мусофиirlарга қилинглар. Нимаики бир яхшилик қilsангизлар, албатта Аллоҳ таоло уни яхши билувчиidir.

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ وَهُوَ كُرْبَةُ لَكُمْ وَعَسَى أَن تَكُرَّ هُوَا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ وَعَسَى أَن تُحِبُّوا شَيْئًا
وَهُوَ شَرٌ لَكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ (٢١٦)

۲۱۶. Эй мўминлар, Аллоҳ сизларга коғирлар билан жанг қилишни фарз қилди. Жанг қилиш эса машаққатли ва кўп хатарли бўлгани учун табиатларингизга ёқимсиздир. Бироқ, сизлар баъзан аслида ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмайсизлар, баъзида эса накд роҳат ва лаззатни кўзлаб, аслида ўзингиз учун ёмон бўлган нарсани ёқтирасизлар. Сизлар учун нима яхшилигини Аллоҳ таоло билади, сизлар билмайсизлар. Шундай экан, Унинг йўлида жиҳод қилишга шошилинглар!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
عَنِ الشَّهْرِ الْحَرَامِ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ وَصَدٌّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَكُفُرٌ بِهِ وَالْمَسْجِدِ
الْحَرَامِ وَإِحْرَاجُ أَهْلِهِ مِنْهُ أَكْبَرُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَفْتَنَهُ أَكْبَرُ مِنْ الْقُتْلِ وَلَا يَرَأُونَ يُقَاتِلُوكُمْ حَتَّى يَرُدُّوكُمْ

عَنْ دِيَنْكُمْ إِنْ اسْتَطَاعُوا وَمَنْ يَرْتَدِدْ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حَبِطْتُ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ وَأُولَئِكَ أَصْنَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ (٢١٧)

۲۱۷. Эй Пайғамбар, мушриклар сиздан Шаҳри Ҳаром (жанг қилиш ҳаром қилинган ойлар: Зул-қаъда, Зул-ҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойлари) ҳақида, бу ойда жанг қилиш ҳалолми, деб сўрашади. Сиз уларга айтингки, Шаҳри Ҳаромда жанг қилиш, бу ой ҳурматини ҳалол қилиш ва унда қон тўкиш Аллоҳ наздида катта гуноҳ. Бироқ, одамларни азоблаб, қўрқитиб Исломга киришдан тўсиш-ларинг, Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва динини инкор қилишларинг, мусулмонларни Масжиди Ҳаромга киришдан тўшишларинг, ушбу масjid аҳли бўлган пайғамбар ва

мусулмонларни ундан ҳайдаб чиқаришларинг эса Аллоҳ наздида Шаҳри Ҳаромда жанг қилишдан кўра ҳам каттароқ гуноҳ ва оғирроқ жиноятдир. Сизлар ботиб кетган ширк Шаҳри Ҳаромда жанг қилишдан кўра каттароқ ва ёмонроқ ишдир. Анави кофирлар ўз жиноятларидан тийилмадилар, аксинча, бу ишларида давом этишмоқда. Улар қўлларидан келса, то сизларни Исломдан куфрга қайтармагунларича урушаверадилар. Эй мусулмонлар, сизлардан қай бир киши уларга итоат қилиб, динидан қайтиб, кофир ҳолида ўлса, унинг амаллари дунё-ю охиратда беҳуда кетгай ва жаҳаннамни абадий макон

тутадиган, ундан ҳеч қачон
чиқмайдиган кимсалардан бўлиб
қолгай.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ هَاجَرُوا وَجَاهُدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَةَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَفُورٌ رَّحِيمٌ
(۲۱۸)

۲۱۸. Албатта, Аллоҳ ва Расулига
иймон келтирган ва Унинг
шариатига амал қилган кишилар, ўз
диёрларидан ҳижрат қилган ва
Аллоҳ йўлида жиход қилган
кишилар, ана ўшалар Аллоҳнинг
фазли-марҳамати ва савобларидан
умидвор бўлгайлар. Аллоҳ мўмин
бандаларининг гуноҳла-рини
кечирувчи Ғафур ва уларга кенг-мўл
раҳмати билан раҳм қилувчи Раҳим
зотдир.

يَسْأَلُونَكُمْ عَنِ الْخَمْرِ وَالْمُنَبِّرِ قُلْ فِيهِمَا إِنْ كَبِيرٌ وَمَنَافِعُ لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَا أَكْبَرٌ مِّنْ نَفْعِهِمَا
وَيَسْأَلُونَكُمْ مَاذَا يُفْقِهُونَ قُلْ الْعَفْوُ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَكَبَّرُونَ (۲۱۹) فِي الدُّنْيَا

وَالْآخِرَةِ وَيَسْأَلُوكُمْ عَنِ الْيَتَامَىٰ فَلْ إِصْلَاحٌ لَهُمْ خَيْرٌ وَإِنْ تُحَاذِطُوهُمْ فَإِخْرُوا أُنْكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ الْمُفْسِدِ
مِنَ الْمُصْنِعِ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَا غَنِيَّكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ (٢٢٠)

۲۱۹، ۲۲۰. Эй Пайғамбар, мусулмонлар сиздан ҳамр (маст қилувчи ичимлик) ҳақида, уни истеъмол қилиш ёки олди-сотди қилиш ҳукми тўғрисида сўрайдилар (ҳамр — хоҳ ичкилик, хоҳ егулик кўринишида бўлсин, ақлни ўрабчулгайдиган ҳар қандай моддадир). Улар сиздан қиморнинг ҳукми ҳақида ҳам сўрайдилар (қимор — икки тарафдан пул-мол тикилиб, ғолиб тараф ютиб оладиган ва иккинчи тараф маҳрум бўладиган муомала шаклидир). Сиз уларга айтингки, бу ҳар икки нарсада дин ва дунё учун, ақл ва пул-мол учун кўплаб заарлар бор, шу билан бир

қаторда тирикчилик, пул ишлаш ва бошқа жиҳатлардан одамлар учун фойдалар ҳам бор. Уларнинг гуноҳи ва ёмонлиги эса фойдаларидан кўра каттароқ. Чунки, улар Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсади, одамлар ўртасига адоват ва нафрат солади, молни беҳуда совуради. Ушбу оят бу иккисини ҳаром қилинишига дебоча эди.

Сиздан яна ихтиёрий ва садақа сифатида инфоқ-эҳсон қиласидан молларининг миқдори ҳақида сўрайдилар. **Сиз уларга:** «Эҳтиёжларингиздан ортиқча миқдорини инфоқ қилинглар», деб айтинг. Ўзингизга дунё ва охиратда фойдали бўлган нарсалар ҳақида

фикр юритишингиз учун Аллоҳ
сизларга оятлар ва шаръий
хукмларни ана шундай очик-равшан
баён қиласи.

Эй Пайғамбар, улар сиздан етимлар
ҳақида, уларга қандай муомала
қилиш ва уларга тегишли молларни
қандай тасарруф қилиш түғрисида
сўрайдилар. **Сиз уларга айтинг:**
Улар учун ислоҳ қилишларингиз
яхшидир, сизлар доимо улар учун
фойдали ишни қилинглар. Агар
уларни тирик-чилик ишларингизда
ва кундалик ҳаётларингизда
ўзингизга қўшиб олсангизлар, улар
сизларнинг диндош биродарла-
рингиздир. Аллоҳ етимларнинг
молларини зое қилувчилар-ни ҳам,

уларни ислоҳ қилишга ҳаракат қилувчиларни ҳам билади. Агар истаса, Аллоҳ етимларни (молларини ўз молларингизга) қўшишни ҳаром қилиб, сизларни қийин-чилик ва машаққатга солган бўларди. Албатта, Аллоҳ мулкида ғолиб, халқларнинг ишларини тадбир қилишда ҳаким Зотdir.

وَلَا تُنَكِّحُوا الْمُشْرِكَاتِ حَتَّىٰ يُؤْمِنَنَّ وَلَا مَأْمُونَةً حَيْرُ مِنْ مُشْرِكَةٍ وَلَوْ أَعْجَبْتُمُوهُنَّ وَلَا تُنَكِّحُوا الْمُشْرِكَيْنَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُو وَلَعِدْ مُؤْمِنٌ حَيْرُ مِنْ مُشْرِكٍ وَلَوْ أَعْجَبْتُمُوهُنَّ أُولَئِكَ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ وَاللهُ يَدْعُ إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ بِإِذْنِهِ وَيُبَيِّنُ لِيَتَاهِ لِلنَّاسِ لَعْلَهُمْ يَتَذَكَّرُونَ (۲۲۱)

۲۲۱. Эй мусулмонлар, то Исломга кирмагунларича бутпарат мушрик аёлларга уйланманглар.

Билингларки, на мол-мулки, на обрў-эътибори бўлган иймонли чўри аёл озод мушрика аёлдан — гарчи у сизларни ўзига ром қилса-да —

яхшироқдир. Мўмина қизжувонларингизни — хоҳ чўри, хоҳ озод бўлсинлар — мушрикларга — то улар Аллоҳ ва Расулига иймон келтиргунларича — турмушга берманглар. Билингларки, иймонли қул фақир-муҳтож бўлса-да, озод мушрикдан — гарчи у сизларга ёқса-да — яхшироқдир. Мушриклик сифатига эга бўлган ўша эркагу аёллар ўзлари билан бирга ҳаёт кечирадиган кишиларни дўзахга олиб борадиган ишларга чорлайдилар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эса бандаларини жаннатга олиб борувчи ва Ўз изни билан уларнинг гуноҳлари кечирилишига элтувчи ҳақ динига чорлайди. Ва У ибрат ва эслатма олишлари учун

одамларга Ўз оятлари ва
ҳукмларини баён қилади.

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمُحِيطِينَ قُلْ هُوَ أَدَىٰ فَاعْتَرُلُوا النِّسَاءَ فِي الْمُحِيطِينَ وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهَرْنَ
فَإِذَا نَطَهَرْنَ فَأُنْثُوْهُنَّ مِنْ حَيْثُ أَمْرَكُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ النَّوَابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ (٢٢٢)

۲۲۲. Эй Пайғамбар, сиздан ҳайз —
маълум вактларда аёллар
бачадонидан келиб турадиган
табиий қон — ҳақида сўрайдилар.
Сиз уларга айтингки, у ёқимсиз ва
яқинлашган кишига зарарли
нарсадир. Ҳайз пайтида
аёлларингизга қўшилишдан
сақланинглар. Қон тўхтаб, ғусл
қилганла-ридан сўнг, Аллоҳ ҳалол
қилган ўринга — яъни, жинсий
аъзога, орқага эмас — қўшилинглар.
Албатта, Аллоҳ истиғфор ва тавбани
қўпайтирувчи бандаларини яхши

кўради, фаҳш ва жирканч нарсалардан ўзларини узоқ тутадиган покиза бандаларини яхши кўради.

نَسَأُوكُمْ حَرْثٌ لَكُمْ فَأَتُوا حَرْثَكُمْ أَنَّى شِئْنُمْ وَقَدِمُوا لِأَنفُسِكُمْ وَأَتَّهُوا اللَّهَ وَأَغْلَمُوا أَنْكُمْ مُلَاقُوهُ وَبَشِّرُ
الْمُؤْمِنِينَ (۲۲۳)

۲۲۳. Аёлларингиз экинзорларингиз, сизлар уларнинг бачадонларига уруғ экасиз ва Аллоҳнинг хоҳиши билан ундан болалар чикади. Сизлар улар билан факат қўшилиш ўринларига — жинсий аъзоларига — истаганингиздек қўшилинг, Аллоҳнинг амрларига риоя қилиш билан ўзингиз учун солиҳ амалларни тақдим қилинг, Аллоҳдан қўрқинг ва билингки, сизлар қиёмат куни ҳисоб бериш учун албатта

Унга рўбарў келасиз. Эй Пайғамбар,
сиз мўминларга охиратда
бериладиган чиройли мукофотлар
хушхабарини етказинг.

وَلَا تَجْعَلُوا اللَّهَ عُرْضَةً لِأَيْمَانِكُمْ أَنْ تَبُرُّوا وَتَنْقُوا وَتُصْلِحُوا بَيْنَ النَّاسِ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلَيْهِ (٢٢٤)

۲۲۴. Эй мусулмонлар, Аллоҳ номига
ичган қасамларин-гизни ўзингиз
учун яхшилик, силаи раҳм, тақво ва
одамлар орасини ислоҳ қилишдан
тўсадиган тўсиқ қилиб олманглар.
Яъни, мазкур ишлардан бирига
чақирилсангиз, уни қилмасликка
Аллоҳ номига қасам ичганингизни
ҳужжат қилманг. Аксинча, қасам
ичган киши қасамидан қайтиши ва
яхши ишни қилавериши, қасамини
бузганига каффорат бериши, бундай
нарсага одатланмаслиги лозим.

Аллоҳ сўзларингизни эшитувчи ва барча ҳолатингизни билувчи Зотдир.

لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِالْغَرْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَكُنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا كَسَبَتُ قُلُوبُكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ (۲۲۵)

۲۲۵. Аллоҳ сизларни бекасд ичган қасамларингиз сабабли жазоламайди, балки У сизларни дилларингиз қасд қилган нарсалар сабабли жазолайди. Аллоҳ тавба қилган кишиларни кечирувчи ҳамда осий кимсаларга жазо бериш-га шошилмайдиган ҳалим Зотдир.

لِلَّذِينَ يُؤْلُونَ مِنْ نِسَائِهِمْ تَرْبُصُ أَرْبَعَةُ أَشْهُرٍ فَإِنْ فَاغُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ (۲۲۶)

۲۲۶. Хотинларига жинсий яқинлик қилмасликка қасам ичган кишилар учун тўрт ой кутиш муддати бор. Агар тўрт ой ўтмасдан хотинларига қайтсалар, албатта Аллоҳ улардан

содир бўлган қасамни —
қайтишлари сабабли — кечирувчи
ва уларга меҳрибон Зотдир.

وَإِنْ عَرَمُوا الطَّلاقَ فَإِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلَيْهِ (۲۲۷)

۲۲۷. Агар улар қасамларида давом
этиш ва жинсий яқинликни тарқ
қилиш билан талоққа азму қарор
қилсалар, албатта Аллоҳ уларнинг
сўзларини эши тувчи, мақсадла-рини
билувчи Зотдир.

وَالْمُطَلَّقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنفُسِهِنَّ ثَلَاثَةُ قُرُونٍ وَلَا يَجِدُ لَهُنَّ أَنْ يَكْتُمُنَ مَا حَقَّ اللَّهُ فِي أَرْحَامِهِنَّ إِنْ كُنَّ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَبُعُولَتِهِنَّ أَحَقُّ بِرِدَاهَنَ فِي ذَلِكَ إِنْ أَرَادُوا إِصْلَاحًا وَلَهُنَّ مِثْلُ الْأَذِي عَلَيْهِنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَلِلرَّجَالِ عَلَيْهِنَّ دَرَجَةٌ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ (۲۲۸)

۲۲۸. Талоқ қилинган ҳайз кўрувчи
аёллар бачадонлари ҳомиладан бўш
эканига ишонч ҳосил қилишлари
учун талоқдан сўнг идда тариқасида
уч поклик ёки уч ҳайз муддатида

никоҳланмай кутиб туришлари вожиб бўлади ва то идда муддати ниҳоясига етмагунича бошқа эрга тегишлари жоиз бўлмайди. Агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсалар, Аллоҳ бачадонларида яратган ҳомила ёки ҳайзни яшириш улар учун ҳалол бўлмайди. Талоқ қилинганде аёлларнинг эрлари идда ичида уларни қайтариб олишга ҳақлидирлар. Бу эса ислоҳ ва яхшилик мақсадида бўлмоғи зарур, уларни қийнаш ва идда муддатини чўзиш орқали жазолаш мақсадида бўлмаслиги керак. Аёллар зиммасида мажбу-риятлар бўлгани каби, уларнинг эрлар устида маъруф (ҳар бир жамиятдаги урфга

мувофик) суратда ҳақ-хукуқлари ҳам бор. Эрлар учун аёлларига чиройли муомала қилиш, оилани гүзал суратда бошқариш ва талоқ ҳаққига эгалик билан хотинлар устида бир даража ортиқлик бордир. Аллоҳ зўр қудрат соҳиби бўлган Азиз ва ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўювчи Ҳаким Зотдир.

الطلاق مَرْتَابٌ فِيمَسَلُكْ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيْحٌ بِإِحْسَانٍ وَلَا يَحِلُّ لَكُمْ أَنْ تَأْخُذُوا مِمَّا آتَيْنَاهُنَّ شَيْئًا إِلَّا أَنْ يَخَافَا أَلَا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَإِنْ خَفْتُمُ الْأَنْوَارَ يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيمَا افْتَدَتْ بِهِ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَعْنَدُوهَا وَمَنْ يَتَعَنَّدَ حُدُودَ اللَّهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ (۲۲۹)

۲۲۹. Турмушни қайтадан давом эттириш мумкин бўлган талоқ икки марта, алоҳида-алоҳида ҳолдаги талоқдир. Аллоҳнинг бу борадаги ҳукми ҳар бир талоқдан сўнг ё аёлни яхшилик билан олиб қолиш ва қайтариб олгандан кейин у билан

чирили суратда ҳаётни давом эттириш, ё эса ҳақ-хуқуқларини адо этиб, чирили суратда жавобини бериш ва йўлини очиб қўйиш, талоқ қилувчи уни ёмонлик билан тилга олмаслигидир. Ҳой эрлар, уларга берганингиз маҳр ва бошқа нарсалардан бирортасини ҳам қайтариб олишингиз сизларга ҳалол эмасдир. Фақат эр-хотин иккиси ҳам эр-хотинлик ҳақ-хуқуқларини адо эта олмасликдан хавф қилсалар, у ҳолда ўз ишларини валийларга арз қиласидилар. Валийлар (**оила бошлиқлари, хонадон катта-лари**) эр-хотин Аллоҳнинг ҳудудларини адо этолмаслиги-дан қўрқсалар, аёл ўзини талоқ қилиши эвазига эрга бирон нарса беришида ҳар иккиси

учун зарап (**генох**) йўқдир. Бу ҳукмлар Аллоҳнинг ҳалол ва ҳаром ўртасини ажратиб берувчи ҳад-худудлари дир. Бас, улардан тажовуз қилманг-лар! Ким Аллоҳнинг ҳад-худудларидан тажовуз қилса, ўшалар ўзларини Аллоҳнинг азобига дучор этиш билан ўзларига зулм қилувчилардир.

فَإِنْ طَلَّفُهَا فَلَا تَحْلُّ لَهُ مِنْ بَعْدِ حَتَّىٰ تَنْكِحَ رَوْجَأً غَيْرَهُ فَإِنْ طَلَّفُهَا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يَتَرَاجَعَا إِنْ طُنَّا أَنْ يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ وَتُنْكِحَا حُدُودُ اللَّهِ يُبَيِّنُهُمَا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ (۲۳۰)

۲۳۰. Агар эр аёлинни учинчи марта талоқ қилса, энди бу аёл бошқа эрга тегиб чиқмагунича унга ҳалол бўлмайди. Шунда ҳам, талоқ қилинган бу аёл бошқа эрга сахих никоҳ билан ростмана тегса ва у билан жинсий яқинлик ҳосил бўлса,

бу никоҳ уни аввалги эрига ҳалол қилиб бериш мақсадида эмас, аксинча, давомли турмуш қуриш рағбати билан бўлса, шундан сўнг бу эр вафот этиши ёки талоқ қилиши билан никоҳ бекор бўлиб, аёл иддасини ўтаганидан сўнггина у аёл аввалги эри билан Аллоҳнинг эр-хотинлар учун машруъ қилган ҳукмларини адо эта олишга ишонсалар, янги никоҳ ва янги маҳр билан қайта турмуш курсалар, улар учун гуноҳ йўқдир. Булар Аллоҳнинг белгилаб қўйилган ҳукмлари бўлиб, Аллоҳ уларни Ўз ҳукмлари ва ҳад-худудларини билувчи кишилар учун баён қиласди. Чунки, ўшаларгина булардан фойда ола биладилар.

وَإِذَا طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ فَلْيَأْلُئْنَ أَجَلُهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ سَرَحُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ وَلَا تُمْسِكُوهُنَّ
ضَرَارًا لِتَعْذِيرِهِنَّ وَمَنْ يَفْعُلْ ذَلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نِسْوَةً وَلَا تَنْجُونَ أَبْيَاتَ اللَّهِ هُنُّوا وَأَذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ
وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْكُمْ مِنَ الْكِتَابِ وَالْحِكْمَةُ يَعْظِمُكُمْ بِهِ وَأَنْفَقُوا اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلَيْهِ
(٢٣١)

۲۳۱. Агар хотинларни талоқ қилсаларингиз ва уларнинг иддалари чиқишига яқинлашса, ниятларингиз уларнинг ҳақ-хуқуқларини шаръан ва урфани гўзал суратда адо этиш бўлган ҳолда уларни қайтариб олинглар, ё эса иддалари битишига тек қўйиб қўйинглар. Қайтиб олишларингиз уларнинг ҳақ-хуқуқларига тажовуз қилиш учун уларга заарар етказиш қасдида бўлмасин. Кимда-ким шундай қилса, ўзини азобга лойик қилиш билан ўз жонига зулм қилган бўлади. Сизлар Аллоҳнинг оятлари ва ҳукмларини ўйин-кулги қилиб

олманглар! Аллоҳнинг сизларга
Ислом билан ва ҳукмларини
батафсил баён этиш билан ато этган
неъматини ёдда тутиngлар, Аллоҳ
сизларга нозил қилган Қуръон ва
Суннатни ёдда тутиngлар ва бу
улкан неъмат-лари учун Аллоҳ
субҳанаҳу ва таолога шукр
қилинглар. Аллоҳ сизларга шу
билан панд-насиҳат қилади ва бунга
хилоф қилишдан огоҳлантиради.
Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва
билингларки, Аллоҳ ҳар бир
нарсани яхши билувчиdir, ҳеч
нарса Унга махфий эмасdir ва У
ҳар бир кишини ўзи лойик бўлган
нарса билан жазолайди.

وَإِذَا طَأْقَتُمُ النِّسَاءَ فَبَلَغْنَ أَجَهْنَ فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَنْ يَنْكِحْنَ أَرْوَاجَهْنَ إِذَا تَرَاضَوْهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ
ذَلِكَ يُورَعَطُ بِهِ مَنْ كَانَ مِنْكُمْ يُؤْمِنُ بِاللهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكُمْ أَرْكَى لَكُمْ وَأَطْهَرُ وَاللهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا
تَعْلَمُونَ (٢٣٢)

۲۳۲. Агар хотингизни учдан кам бўлган талоқ билан талоқ қилсангиз ва иддалари битгунича қайтариб олмаган бўлсангиз, кейин талоқ қилинган аёллар янги никоҳ билан ўз эрларига қайтишни истасалар ва ўзаро яхшилик билан келишиб олган бўлсалар, сизлар — эй валийлар — уларни бундан ман қилиб, йўлларини тўсманг-лар! Ушбу оят ва хукмлар билан сизларнинг ораларингиз-дан Аллоҳга ва охират кунига сидқидилдан иймон келтирган кишилар панд-насиҳат олади. Эрхотинга тўсқинлик қилмаслик ва

Эрларни ўз хотинларини қайта никоҳига олишига имкон бериш обрў-номусларингизни пок тутувчироқ ва сизлар учун ажр ва фойдаси кўпроқ ишдир. Сизлар учун яхшилик нимада эканини Аллоҳ билади, сизлар буни билмайсиз.

وَالْإِدَاثُ يُرْضِعُنَ أُولَادُهُنَ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُتَّمِ الرَّضَاعَةَ وَعَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَ
وَكِسْوَتُهُنَ بِالْمَعْرُوفِ لَا تُكَلِّفُ نَفْسَ إِلَّا وُسْعَهَا لَا تُضَارَّ وَالِدَةُ بِوْلَاهَا وَلَا مَوْلُودُ لَهُ بِوْلَدُهُ وَعَلَى
الْوَارِثِ مِثْلُ ذَلِكَ فَإِنْ أَرَادَ افْصَالًا عَنْ تَرَاضٍ مِثْمَاهَا وَشَأْلُورُ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا وَإِنْ أَرَدْتُمْ أَنْ
تَسْتَرْضِعُوا أُولَادَكُمْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِذَا سَلَمْتُمْ مَا آتَيْتُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَأَنْتُمْ رَاجِعُونَ
عَمَلُوْنَ بَصِيرٌ (٢٣٣)

۲۳۳. Оналар болаларини тўла икки йил эмизишлари лозим, бу ҳукм эмизишни тўла-тўкис қилишни истаган кишилар учундир. Талок қилинган эмизикли аёлларни шариатда ва урфда яхши саналган суратда едириб-ичириш ва

кийдириш кафолатини оталар үз зиммаларига олиши вожибdir. Чунки, Аллоҳ таоло ҳеч бир жонни тоқатидан ортиқ нарсага таклиф қилмайди, ота-она гўдакни бир-бирларига зарар етказиш воситасига айлантириб олиши дуруст бўлмайди. Ота вафот этган суратда вориси зимма-сига ота тириклик пайтида унга вожиб бўлганича эмизикли аёлга нафақа ва кийим-кечак қилиш вазифаси юкланади. Агар ота-она болани икки йил тўлмасдан туриб сутдан ажратишни истасалар, буни боланинг фойдасини кўзлаб, ўзаро розилик ва маслаҳат асосида қилсалар, уларга гуноҳ йўқdir. Агар ота-она болани онасидан бошқа эмизувчи

Эмизишига келишсалар, ота яхшилик билан онага ҳаққини бергани ва эмизувчига ҳам хизмат ҳаққини тўлагани ҳолда, ҳар иккисига гуноҳ йўқдир. Барча ҳолатларингизда Аллоҳдан қўрқинглар ва билингларки, албатта Аллоҳ сизлар қилаётган амалларни кўрувчи ва бунинг учун муносиб жазо-мукофотлар берувчи Зотдир.

وَالَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنْكُمْ وَيَرَوْنَ أَرْوَاحًا يَتَرَبَّصُنَ بِأَنفُسِهِنَ أَزْبَعَةً أَشْهُرٍ وَعَشْرًا فَإِذَا بَلَغُنَ أَجَاهُنَّ فَلَا جُنَاحُ عَلَيْكُمْ فِيمَا فَعَلْنَ فِي أَنفُسِهِنَ بِالْمَعْرُوفِ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ (٢٣٤)

۲۳۴. Вафот этиб, ортларида хотинларини қолдириб кетган кишиларнинг аёллари тўрт ой-у ўн кун ўзларини кузатиб, идда саклаб ўтирадилар. Бу муддат ичидаги эрлик уйидан чиқмайдилар,

зийнатланмайдилар, эрга тегмайдилар. Мазкур муддат ниҳоясига етгач, улар ўзлари ҳакида шариатда яхши саналган суратда қилган, уйдан чиқиш, зийнатланиш ва турмушга чиқиш каби ишларида сизларга — эй аёлларнинг валийлари — гуноҳ йўқдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло қилаётган ошкору яширин амалларин-гиздан хабардор Зотдир, У сизларга шунга кўра жазомукофотлар беради.

وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيمَا عَرَضْتُمْ بِهِ مِنْ خُطُبَةِ النَّسَاءِ أَوْ أَكْتَبْتُمْ فِي أَنفُسِكُمْ عِلْمًا اللَّهُ أَكْمَ سَنَدُكُرُونَهُنَّ
وَلِكُنْ لَا تَوَاعِدُهُنَّ سِرًّا إِلَّا أَنْ تَقُولُوا فَوْلًا مَعْرُوفًا وَلَا تَغْرِمُوا عُفْدَةَ النِّكَاحِ حَتَّىٰ يَبْلُغُ الْكِتَابَ
أَجْلَهُ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي أَنفُسِكُمْ فَأَحْذِرُوهُ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ (٢٣٥)

۲۳۵. Эй эркаклар, эрлари вафот этган ёки узил-кесил талоқ олган аёллар идда сақлаб ўтирган пайтларида уларга уйланиш

ҳақидағи истакларингизни ишора орқали еткази-шингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир. Шунингдек, уларга иддалари чиққанидан сўнг уйланиш нияtingизни ичингиз-да сақлашингизда ҳам сизлар учун гуноҳ йўқдир. Аллоҳ биладики, сизлар идда сақлаб ўтирган аёлларни тилга оласиз ва заифлик қилиб, улар ҳақида гапирмай туролмай-сиз. Шунинг учун улар(**га** **уйланиш**)ни ишора йўли билан тилга олиш ёки бу истакни кўнгилда сақлашни сизларга мубоҳ (**ҳалол**) қилди. Бироқ, иддалари ичида улар билан хуфёна ваъдалашишдан ёки турмуш қуришга келишишдан сақланинглар. Магар, эркаклар унга ўхшаш аёлларга уйланишга рағбат

бидириши зимдан тушуниладиган баъзи сўзларни айтишингиз мумкин. Ва лекин то иддалари чиқмагунича никоҳ алоқаси боғлашни қасд қилманглар. Билингларки, Аллоҳ дилларингиздаги ҳар бир нарсанни яхши билади. Ундан қўрқинглар ва билингларки, Аллоҳ гуноҳларидан тавба қилувчи кишиларни кечирувчи ва бандаларига жазони тезлатмайдиган ҳалим Зотдир.

لَا جُنَاحٌ عَلَيْكُمْ إِنْ طَلَقْتُمُ النِّسَاءَ مَا لَمْ تَمَسُّوهُنَّ أُوْ تَقْرِضُوا لَهُنَّ فَرِيضَةً وَمَعِوضَهُنَّ عَلَى الْمُؤْسِبِ
قَدْرُهُ وَعَلَى الْمُقْتَرِ قَدْرُهُ مُتَّأْعِداً بِالْمَعْرُوفِ حَتَّاً عَلَى الْمُحْسِنِينَ (۲۳۶)

۲۳۶. Эй эркаклар, ақди никоҳ бўлганидан сўнг, ҳали у аёллар билан жинсий алоқа қилмай туриб ёки уларга маҳр белгиламай туриб, уларни талоқ қилсангиз, сизларга

гуноҳ йўқдир. Уларнинг синган кўнгилларига малҳам бўлиш, талоқ зарбасини енгиллатиш ва кинадоватни аритиш учун уларни бой борича, йўқ ҳолича, бирон яхшилик билан фойдалантиринглар. Бу ҳукм талоқ қилинган аёлларга ва ўз жонларига Аллоҳнинг тоати билан яхшилик истовчилар зиммасига бурчдир.

وَإِنْ طَلَّفُمُوهُنَّ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَمْسُحُوهُنَّ وَقَدْ فَرَضْنَا لَهُنَّ فِي ضَيَّةٍ فَنِصْفُ مَا فَرَضْنَا إِلَّا أَنْ يَعْفُونَ
أَوْ يَغْفِفُ الَّذِي بِنِدَهِ عُذْدَةُ النِّكَاحِ وَأَنْ تَغْفِلُوا أَقْرَبُ الْتَّقْوَى وَلَا تَنْسَوْا الْفَضْلَ بَيْتَكُمْ إِنَّ اللَّهَ يُمَا
تَعْلَمُونَ بَصِيرٌ (۲۳۷)

۲۳۷. Агар ақди никоҳ бўлганидан кейин уларга ҳали қўл теккизмай (**жинсий яқинлик қилмай**) туриб талоқ қилсан-гиз, лекин белгиланган маҳрни зиммангизга олиб кўйган бўлсангиз, у ҳолда келишилган

маҳрнинг ярмини беришла-рингиз вожиб бўлади. Аммо, талок қилинган аёллар ўша ўзлари ҳақли бўлган яrim маҳрдан кечсалар ёки эр ўзига қайтиши керак бўлган яrim маҳрдан кечиб, маҳрни тўлалигича аёлга бериб юборса, бу ҳам жоиздир. Муруват қилиб, кечиб юборишингиз — эй эркагу аёллар — тақвога ва Аллоҳнинг тоатига яқинроқ ишдир. Эй инсонлар, бир-бирингизга fazлу карам ва эҳсон қилишни — яъни, ўзингизга вожиб бўлмаган нарсани беришни — ва ҳақ-хуқуқларда муруват кўрсатишни унутмангиз. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчи Зотдир, У сизларни

яхшиликка тарғиб қиласы да ғана
карамаңғанда үндайди.

حَفِظُوا عَلَى الصَّلَواتِ وَالصَّلَاءِ الْوُسْطَىٰ وَقُرْمُوا لِلَّهِ قَاتِنِيْنَ (۲۳۸)

۲۳۸. Эй мусулмандар, беш вақт фарз намозларни муҳофаза қилинглар, яғни уларни доимо ўз вақтида, шартлари, рукнлари ва вожибларини ўрнига келтириб адом этинглар, ўрта намозни — аср намозини — муҳофаза қилинглар, намозларингизда Аллоҳга итоат билан, хушуъ ва синиқлик билан туринглар.

فَإِنْ خَفِئْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَمَا عَلِمْتُمْ مَا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ (۲۳۹)

۲۳۹. Агар душманларингиз томонидан хавф-хатар бўлса, пиёда ёки отлик ҳолингизда, қўлингиздан

келганича, ишора билан бўлса ҳам,
 қибладан бошқа тарафга юзланган
 ҳолда бўлса ҳам, хавф (**пайтида**
ўқиладиган) намозни ўқинглар.
 Қачон хавф-хатар ариса,
 хотиржамлик (**пайтида ўқилади-ган**)
 намозни ўқинглар, унда Аллоҳни
 зикр қилинглар ва намозни ўз
 аслидаги шаклидан
 камайтирманглар, ибодат ва
 аҳкомлардан сизлар билмаган
 нарсаларни таълим берганига
 Аллоҳга шукр бажо келтиринглар.

وَالَّذِينَ يُتَوَفَّونَ مُنْكَمٌ وَيَدْرُوْنَ أَرْوَاحًا وَصَيْئَةً لَا زَوْاجُهُمْ مَتَّاعًا إِلَى الْحَوْلِ عَنِّيْرٍ إِخْرَاجٍ فَإِنْ
 خَرَجْنَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِي مَا فَعَلْنَ فِي أَنْفُسِهِنَّ مِنْ مَعْرُوفٍ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ (٢٤٠)

۲۴۰. Хотинларини ортларида
 қолдириб вафот этаётган кишилар
 уларни эрнинг уйидан чиқариб

юборилмаган ҳолда, тўла бир йил нафақа билан фойдалантиришни васият қилишлари лозим, бу эса аёлнинг синиқ кўнглига малҳам ва вафот этган эрга вафо ва яхшилик бўлиши учундир. Агар хотинлар бир йил ўтмай ўз ихтиёрлари билан чиқиб кетсалар, сизлар учун — эй ворислар — бунда ҳеч қандай гуноҳ ўйқ, хотинларга ҳам ўзлари хусусида қилган мубоҳ (**руҳсат берилган**) ишларда ҳеч қандай гуноҳ ўйқ. Аллоҳ азиз-кудратли, ўз бўйруқ ва қайтариқларида ҳикмат соҳиби бўлган Зотдир.

Бу оят «Вафот этиб, ортларида хотинларини қолдириб кетган кишиларнинг аёллари тўрт ой-у ўн

кун ўзларини кузатиб, идда сақлаб
ўтирадилар» (Бақара: ۲۳۴) ояти
билан мансух бўлган.

وَلِلْمُطَّلَّفَاتِ مَنَاعٌ بِالْمَعْرُوفِ حَقًا عَلَى الْمُنَاهِيْنَ (۲۴۱)

۲۴۱. Талоқ қилингандан аёлларни
шаръан яхши саналган суратда
кийим-кечак ва нафақа билан
фойдалантириш лозим, бу Аллоҳдан
қўрқувчи, Унинг буйруқ ва
қайтариқ-ларига қатъий риоя
қилувчи кишилар зиммасига
бурчdir.

كَذِلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ (۲۴۲)

۲۴۲. Болалар ва аёлларга тааллукли
ҳукмларни очик-равshan баён қилиб
берганидек, сизлар англаб, амал
қилишларингиз учун Аллоҳ таоло

дунё ва охиратларин-гизга керак бўладиган ҳар бир нарсада Ўз хукм ва оятларини баён қилиб беради.

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ حَرَجُوا مِنْ بَيْارِهِمْ وَهُمْ أُلُوفٌ حَدَّرَ الْمُؤْتَمِ فَقَالَ لَهُمُ اللَّهُ مُوْتُوا ثُمَّ أَحْيِاهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَوْ فَصَلِّ عَلَى النَّاسِ وَكَيْنَ أَكْثَرُ النَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ (٢٤٣)

۲۴۳. Эй Пайғамбар, ўлатдан ё уруш туфайли қирилиб кетишдан қўрқиб, ўз ерлари ва уй-жойларидан қочиб чиқиб кетган мингларча кишининг ҳоли ҳикоясини билмадингиз-ми? **Аллоҳ уларга:** «Ўлинглар!», деди, Аллоҳнинг қадари-дан қочишиларига уқубат ўлароқ барчаси ўша заҳоти ўлди. Кейин маълум бир муддат ўтганидан сўнг, белгиланган умрларини тўла яшашлари ва панд-насиҳат олиб, тавба қилишлари учун Аллоҳ таоло уларни тирилтириди.

Албатта, Аллоҳ одамларга кўплаб неъматлар ато этувчи буюк фазлу карам Эгасидир. Лекин, аксар инсонлар Аллоҳнинг уларга қилган фазлу марҳаматларига шукр қилмайдилар.

وَقَاتَلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلَيْهِ (٢٤٤)

۲۴۴. Эй мусулмонлар, Аллоҳнинг динига ёрдам бериш учун кофирларга қарши урушинглар ва билингларки, албат-та Аллоҳ сўзларингизни эшитувчи, ният ва амалларингизни билувчи Зотдир.

مَنْ ذَا الَّذِي يُفَرِّضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضَاعِفَهُ لَهُ أَضْعَافًا كَثِيرًا وَاللَّهُ يَقْبِضُ وَيَبْسُطُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ (٢٤٥)

۲۴۵. Ажр истаб, Аллоҳ йўлида чиройли инфок-эҳсон қилувчи ким борки, Аллоҳ унга бир неча баробар

қилиб, ҳисобсиз ажру-савоб ва гўзал мукофотлар қайтарса? Аллоҳ (ризкларни) тор ва кенг қилади. Сизлар қўрқмай инфоқ-эҳсон қилаверинглар, зотан Угина Рazzоқдир, истаган бандаларининг ризқини торайтириб, истаганининг ризқини кенгайтиради. Бунда Унинг етуқ ҳикматлари бор. Ўлганинг гиздан сўнг ёлғиз Унга қайтариласиз ва Угина қилган амалларингизнинг жазо-ю мукофотини беради.

أَلَمْ تَرَ إِلَى الْمَلَأِ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنْ بَعْدِ مُوسَى إِذْ قَالُوا لَنَا مَلِكًا فُقَاتِلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَالَ هَلْ عَسِيْتُمْ إِنْ كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ أَلَا نَقْتَلُو وَمَا لَنَا أَلَا نُقَاتِلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَدْ أَخْرَجْنَا مِنْ بَيْرَاتَنَا وَأَبْنَائِنَا فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيْهِمُ الْقِتَالُ تَوَلَّوْ إِلَّا قَلِيلًا إِنْهُمْ وَاللَّهُ عَلَيْهِ بِالظَّالِمِينَ (٢٤٦)

۲۴۶. Эй Пайғамбар, Мусо замонидан кейинги Бану Исроилдан бўлган зодагонлар ва аъёнларнинг ҳоли

ҳикоя-сини билмадингизми?

Ўшанда улар ўз пайғамбарларидан ўзларига бир подшоҳ тайин қилишни талаб қилиб, **унинг бошчилигидаги Аллоҳ йўлида душманларига қарши жанг қилишларини айтишганида пайғамбар уларга:** «Иш мен кутгандек бўлиб чиқса-чи, агар сизларга Аллоҳ йўлида жанг қилиш фарз қилинса, жанг қилмасаларингиз-чи?! Чунки, қўрқоқлик қилиб, жангдан қочиб кетишларингизга кўзим етиб турибди», деди. **Улар пайғамбарнинг сўзини рад қилиб:** «Бизни Аллоҳ йўлида жанг қилишдан тўсадиган қандай тўғонок бор экан, ҳолбуки душманларимиз

бизни ўз диёрларимиздан қувиб
чиқарган, қатл қилиб ва асирга олиб,
бола-чақамиздан жудо қилган
бўлса?!», дедилар. Аллоҳ уларга
тайин қилган подшоҳ билан бирга
жангга киришни фарз қилганида эса
улар қўрқоқлик қилдилар ва
Аллоҳнинг fazли билан событ
турган озчиликдан ташқари
ҳаммалари жангдан қочдилар.
Аллоҳ аҳдларини бузувчи
золимларни яхши билувчиидир.

وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ اللَّهَ قَدْ بَعَثَ لَكُمْ طَلُولَتْ مَلَكًا قَالُوا أَنَّى يَكُونُ لَهُ الْمُلْكُ عَلَيْنَا وَنَحْنُ أَحَقُّ بِالْمُلْكِ
مِنْهُ وَلَمْ يُؤْتَ سُعَةً مِنِ الْمَالِ قَالَ إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَاهُ عَلَيْنُّمْ وَرَزَّادَهُ بَسْطَةً فِي الْعِلْمِ وَالجِنْسُمْ وَاللَّهُ يُؤْتِي
مُلْكَهُ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ (۲۴۷)

۲۴۷. Пайғамбарлари уларга: «Аллоҳ талабларингизни ижобат қилиб, Толутни сизларга подшоҳ қилиб юборди, у сизлар истагандек,

дushmanlaringizga қарши сизларни жангга етаклайди», деди. **Бану Исроил катталари:** «Толут қандай бизга подшоҳ бўлсин, у бунга лойик эмас, чунки у на шоҳлар авлодидан ва на пайғамбарлик хонадонидан, бунинг устига унга кўп мол-мулк ҳам берилмаган. Подшоҳ-ликка биз ундан кўра лойикроқмиз, чунки биз шоҳлар авлодидан ва пайғамбарлик хонадони вакилларимиз», дейишиди.

Пайғамбарлари деди: «Аллоҳ сизларга уни подшоҳ этиб танлади, У субҳанаҳу ва таоло бандаларининг ишларини билувчироқдир, У унга дushmanга қарши жиҳод қилиши учун зиёда илм ва жисмоний қувват ато этди. Аллоҳ мулклар эгасидир, Ўз

мулкини истаган бандасига беради,
Аллоҳ фазлу марҳамати кенг,
ишларнинг моҳиятни яхши билувчи,
ҳеч бир иш унга махфий бўлмаган
Зотдир».

وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ آيَةً مُلْكِهِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ التَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّنْ رَّبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ آلُ مُوسَى وَآلُ هَارُونَ تَحْمِلُهُ الْمَلَائِكَةُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَا يَةً لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ (٢٤٨)

۲۴۸. Пайғамбарлари уларга деди:
 «Сизларга ичида Таврот бўлган, уни фаришталар кўтариб келадиган сандик-нинг келиши унинг подшоҳлиги аломатидир — бу сандик-ни душманлари улардан тортиб олган эди — унда Роббингиздан бўлган, ихлосли зотларнинг қалбларига сабот бахш этувчи хотиржамлик бордир, унда яна Мусо ва Ҳорун оиласидан қолган

асо, лавҳ парчалари каби қолдиқлар бордир. Агар чиндан ҳам Аллоҳни ва пайғамбарларини тасдиқ қилувчи бўлсангиз, шубҳасиз, бу нарсада Толутнинг сизларга подшоҳ қилиб танланган эканига жуда катта далил-хужжат бордир».

فَلَمَّا فَصَلَ طَلْوُتٌ بِالْجَنُودِ قَالَ إِنَّ اللَّهَ مُبْتَلِيكُمْ بِنَهْرٍ فَمَنْ شَرَبَ مِنْهُ فَلَيْسَ مِنِّي وَمَنْ لَمْ يَطْعَمْهُ فَإِنَّهُ مِنِّي إِلَّا مَنْ اغْتَرَفَ عَرْقَةً بِبَيْدِهِ فَشَرَبُوا مِنْهُ إِلَّا قَلِيلًا مِنْهُمْ فَلَمَّا جَاءَرَهُ هُوَ وَالذِّينَ آمَنُوا مَعَهُ قَالُوا لَا طَاقَةَ لَنَا الْيَوْمَ بِحَالُوتٍ وَجُنُودٍ قَالَ الَّذِينَ يَظْلَمُونَ أَنَّهُمْ مُلَاقُو اللَّهِ كُمْ مِنْ فَئَةٍ قَلِيلَةٍ خَلَبْتُ فِئَةً كَثِيرَةً بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ (٢٤٩)

۲۴۹. Толут қўшинни имлоқларга қарши урушга олиб чиқар экан, уларга деди: «Мўминлар мунофиқлардан ажра-либ қолиши учун Аллоҳ йўлингиз устида келадиган бир дарё билан сизларнинг сабру чидамларингизни синаб кўрмоқчи. Ким шу дарё

сувидан ичса, у мендан эмас ва мен билан бирга жиҳод қилишга ярамайди. Ким сувдан тотинмаса, у мендан. Чунки, у менинг амримга бўйсинувчи ва жиҳодга яроқлидир. Магар, чидолмасдан бир ҳовуч-яrim ҳовуч ичиб қўйган кишига маломат йўқдир». Дарё бўйига етиб келишгач, ҳаммалари сувга қараб интилишди ва тўйиб-тўйиб сув ичишди, факат озчилик кишиларгина иссиқ ва ташналикка сабр қилиб, бир ҳовучгина сув билан кифояланишди. Итоатсиз кишилар шу ҳолда ажралиб, орқада қолиб кетишди. Толут иймон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтиб — улар уч юз ўндан кўпроқ киши эди — душманга

рўбарў келишгач, улар душман қўшини-нинг кўплигини ва куч-қудратини кўриб: «Бугун Жолут ва унинг қудратли қўшинига бизнинг кучимиз етмайди», дейишиди.

Аллоҳга рўбарў келишга аниқ ишонган кишилар биродарларига Аллоҳни ва Унинг куч-қудратини эслатиб: «Қанчадан-қанча иймонли ва сабрли бўлган камсонли жамоатлар Аллоҳнинг изни ва амри билан кўпсонли кофир ва золим гуруҳлар устидан ғолиб келган. Аллоҳ Ўз тавфи-қи, ёрдами ва чиройли ажру-савоблари билан собирлар билан биргадир», дедилар.

وَلَمَّا بَرَزُوا إِلَجَلَوْتَ وَجْنُوْدِه قَالُوا رَبَّنَا أَفْرُغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَنَتَّبْ أَقْدَامَنَا وَانْصَرْنَا عَلَى الْقَوْمِ
الْكَافِرِينَ (٢٥٠)

۲۵۰. Жолут ва унинг қўшини қаршисига чиқиб. хавф-хатар кўламини ўз кўзлари билан кўргач, Аллоҳга ёлвориб: «Эй Роббимиз, қалбларимизга чўнг сабру матонат ёғдир-гин, қадамларимизни саботли ва душманга йўлиққанда уруш даҳшатларидан қочмайдиган залворли қилгин, бизга кофирлар устидан Ўз мададинг ва қўллаб-қувватлашинг билан нусрат бергин», деб дуо-илтижолар қилдилар.

فَهُرُّمُوْهُمْ بِإِذْنِ اللَّهِ وَقَتَلَ دَأْوُدُ جَالُوتَ وَآتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ وَالْحِكْمَةَ وَعَلَمَهُ مِمَّا يَشَاءُ وَلَوْلَا دَفْعَ اللَّهِ النَّاسَ بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لَفَسَدَتُ الْأَرْضُ وَلَكِنَّ اللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْعَالَمِينَ (۲۵۱)

۲۵۱. Аллоҳнинг изни билан уларни мағлуб этдилар ва Довуд — алайҳиссалом — золимлар

йўлбошчиси Жолутни ўлдирди.
 Шундан сўнг Аллоҳ таоло Довудга подшоҳлик ва Бану Исроил қавмига пайғамбарликни ато этди, унга Ўзи истаган илмларни ўргатди. Аллоҳ иймон ва тоат-ибодат аҳли бўлган айrim инсонлар билан ширк ва маъсият аҳли бўлган бошқа айrim инсонларни даф қилиб турмаганида, куфрнинг ғалабаси, туғён ва маъсият аҳлининг кучайиши сабабли Ер юзи фасодга тўларди. Лекин, Аллоҳ барча махлуқотига fazlu карам соҳибидир.

تَلْكَ آيَاتُ اللَّهِ تَنْثُرُ هَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ وَإِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ (٢٥٢)

۲۰۲. Булар Аллоҳнинг оятлари, далил-хужжатлариdir, Биз уларни сизга — эй Пайғамбар — ҳаққирост

ҳикоя қилмоқдамиз. Ва албатта, сиз рост пайғамбарлардансиз.

Учинчи жузъ

تَلَكَ الرَّسُولُ فَضَّلَنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِّنْهُمْ مَنْ كَلَمَ اللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ دَرَجَاتٍ وَآتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ الْبَيْتَاتِ وَآتَيْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدْسِ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَفْتَلَ الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مَنْ بَعْدَ مَا جَاءَهُمْ الْبَيْنَاتُ وَلَكِنْ اخْتَلُفُوا فَمِنْهُمْ مَنْ آمَنَ وَمِنْهُمْ مَنْ كَفَرَ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَفْتَلَوْا وَلَكِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُرِيدُ (٢٥٣)

۲۵۳. Аллоҳ ўша улуғ пайғамбарларнинг баъзиларини баъзиларидан Ўзи миннат-марҳамат қилиб ато этган фазилатларига кўра афзал қилди.

Улар ичиди Аллоҳ бевосита сўзлаган, Мусо ва Мухаммад — алайҳимас-салоту вас-салом — каби пайғам-барлар бор. (Бу оятда Аллоҳ азза ва жаллага калом (сўзлаш)

сифатини Унинг улуғлигига лойик тарзда исбот қилиш бор).

Улар ичида Аллоҳ олий даражаларга юксалтирган пайғамбарлар бор, Мұхаммад соллаллоҳу алайхі ва саллам рисолатлари бутун инсониятга умумийлиги, сўнгги пайғам-бар бўлишлари, умматлари бошқа умматлардан афзал қилиниши ва бошқа жиҳатлардан олий даражаларга юксал-ганлари каби.

Аллоҳ таоло Ийсо ибн Марям алайҳиссаломга очиқ далил-хужжатлар — Аллоҳнинг изни билан туғма кўрнинг кўзини очиш, Аллоҳнинг изни билан баданида

песлик (оқлик) бўлганларни тузатиш, Аллоҳнинг изни билан ўлик-ларга жон бахш этишдек мўъжизалар ато этди. Ва уни Жибрийл алайҳиссалом билан қувватлади.

Агар Аллоҳ уришмасликларини истаса, ушбу пайғам-барлардан кейин келган кишилар ўзларига далил-хужжат-лар келганидан сўнг уришмаган бўлардилар. Лекин, улар ичида ихтилоф содир бўлди ва баъзилари иймонда событқадам қолган бўлса, баъзилари куфрда маҳкам туришди. Улар ўртасида бир-бири билан уришишга олиб борувчи ихтилоф содир бўлганидан сўнг, агар Аллоҳ хоҳласа уришмаган

бўлардилар. Лекин, Аллоҳ истаган кишисини иймону тоатга муваффақ қиласди ва истаган кишисини ёрдамсиз ташлаб, Унга осий ва кофир бўладиган қилиб қўяди. У Ўзи истаган ва ихтиёр этган ишини қиласди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا يَبْيَعُ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا شَفَاعَةٌ
وَالْكَافِرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ (۲۵۴)

۲۵۴. Эй Аллоҳга иймон келтирган, пайғамбарини тасдиқлаган ва Унинг шариатига амал қилган кишилар, унда на олди-сотди, на ўзингизни Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун пул-мол, на сизларни кутқариб оладиган ошна-оғайничилик ва на сизлардан азобни енгиллатиш қўлидан келадиган шафоатчи

бўладиган кун — Қиёмат куни
келмасидан туриб, Аллоҳ сизларга
берган молларнинг закотини
чиқаринглар, садақа ва инфоқ-эҳсон
қилинглар. Коғирларгина
Аллоҳнинг ҳад-худудларидан
тажовуз қилувчи золимлардир.

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا تُؤْمِنُ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَٰلِكَ الَّذِي يَسْقُطُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شاءَ وَسَعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَئُودُهُ حُفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ (٢٥٥)

۲۵۵. Аллоҳ — илоҳлик ва
маъбудликка Ўзидан бошқа ҳеч ким
лойик бўлмайдиган Зотdir. У комил
ҳаёт маъно-ларининг барчасига Ўз
улуғлигига лойик бўлганидек эга
бўлган Ҳай — Тириkdir, Қайюм —
барча нарса устида қоимdir (бутун
борлиқни бошқариб турувчи ва
барча махлукотининг тадбирини

қилиб турувчиidir). Уни на мудрок, на уйқу олгай. Осмонлару ердаги барча нарса Унинг мулкидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким бирорни Унинг изнисиз шафоат қилишга журъат қилмас. Унинг билими бутун борлиқни — ўтмиши, ҳозири ва келажагини қамраб олгандир, халқларнинг олдиндаги келажак ишларини ҳам, ортдаги ўтмиш ишларини ҳам билади. Ҳеч ким Унинг илмидан Ўзи билдирган ва бохабар қилганидан бошқа нарсани била олмас. Унинг Курсиси осмонлару ерни қамраб олгандир. Курси Парвардигор жалла жалолухунинг қадамлари ўрнидир, унинг қандайлигини Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан бошқа ҳеч

ким билмайди. Осмонлару ерни мухофаза қилиш Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога оғирлик қилмайди. У Ўзининг зоти ва сифатлари билан барча маҳлукотидан олийдир, олийлиги улуғлик ва буюклик сифатларининг барчасини ўзида жамлаган.

Бу оят Қуръондаги энг улуғ оят бўлиб, «Оятул Курсий» деб аталади.

لَا إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشُدُ مِنْ الْغَيِّ فَمَنْ يَكْفُرُ بِالظَّاغُوتِ وَيُؤْمِنُ بِاللَّهِ فَقَدْ اسْتَمْسَكَ
بِالْغُرْوَةِ الْأُثَقَى لَا انْفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلَيْهِ (٢٥٦)

۲۵۶. Ушбу дин ғоят комил ва оят-аломатлари аниқ-равшан бўлганидан жизя тўлаб туришни истаган киши-ларни унга мажбурлаб киритишга эҳтиёж йўқ, далил-хужжатлар ҳақ ботилдан, ҳидоят

залолатдан ажралиб турадиган даражада аниқ-равшандир. Ким Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган нарсаларнинг барчасини инкор қилса ва Аллоҳга иймон келтирса, у энг афзал йўл устида собит-қадам ва барқарор бўлибди, диннинг ҳеч узилмас мустаҳ-кам тутқичини тутибди. Аллоҳ бандаларининг сўзларини эши тувчи, ният ва иш-ҳаракатларини билувчи ва шунга кўра жазо-мукофотлар берувчи Зотдир.

اللهُ وَلِيُّ الَّذِينَ آمَنُوا يُخْرِجُهُمْ مِنِ الظُّلْمَاتِ إِلَى النُّورِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا أُولَئِكُو هُمُ الطَّاغُوتُ
يُخْرِجُهُمْ مِنِ النُّورِ إِلَى الظُّلْمَاتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ (٢٥٧)

۲۵۷. Аллоҳ Ўз нусрати, тавфиқи ва ҳифзи ҳимояси билан мўминларни дўст тутади. Уларни куфр

зулматларидан иймон нурига чиқаради. Коғир бўлган кимсаларнинг ёрдамчилари ва дўстлари эса Аллоҳни қўйиб, сиғинишган бут ва тоғутлариdir, (бу бутлари) уларни иймон нуридан куфр зулматларига чиқаради. Ана ўшалар дўзах эгалариdir — уни лозим тутувчилардир, улар дўзахда агадул-абад қоладилар ва ундан ҳеч қачон чиқарилмайдилар.

أَلَمْ تَرَ إِلَيَّ الَّذِي حَاجَ إِبْرَاهِيمَ فِي رَبِّهِ أَنْ أَتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ إِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّي الَّذِي يُحِبُّ وَيُمِيتُ
فَقَالَ أَنَا أَخْرِيٌّ وَأَمِيتُ فَقَالَ إِبْرَاهِيمُ فَإِنَّ اللَّهَ يَأْتِي بِالشَّمْسِ مِنْ الْمَشْرِقِ فَأَتَيْتُ بِهَا مِنَ الْمَغْرِبِ فَبَهَتَ
الَّذِي كَفَرَ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الظَّالِمِينَ (٢٥٨)

۲۵۸. Эй Пайғамбар, Иброҳим — алайҳиссалом — билан Аллоҳ таолонинг тавҳиди ва рубубияти хусусида талашиб-тортишган кишининг ҳолидан кўра ҳам

қизиқроқ ҳолни күрганмисиз?!

Чунки, у Аллоҳ унга подшохлик берганидан ховлиқиб, зўравонлик қилиб, **Иброҳимдан**: «**Ким сенинг Роббинг?**», деб сўради. **Иброҳим алайҳиссалом**: «**Менинг Роббим халқларга ҳаёт бахш этадиган ва уларни ўлдира-диган Зотдир, тирилтириш ва ўлдириш фақат Унга хосдир**», деди. **Шунда у**: «**Мен ҳам тирилтираман ва ўлдираман**» — яъни, истаган кишимни ўлдириб, истаганимни қолдираман — деди. **Иброҳим унга**: «**Мен ибодат қиладиган Аллоҳ қуёшни машриқдан чиқаради.** Хўш, сен мана шу илоҳий қонуниятни ўзгартириб, уни мағрибдан чиқара оласан-ми?!», деди. Шу билан бу кофир довдираб,

гап тополмай қолди. Унинг ҳоли золим кимсалар ҳолидекки, Аллоҳ уларни түғриликка йўлламайди.

أَوْ كَالَّذِي مَرَ عَلَى قَرْيَةٍ وَهِيَ خَلَايِةٌ عَلَى عُرُوشَهَا قَالَ أَنَّى يُحْبِي هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا فَمَا تَهُدِي اللَّهُ مَا يَشَاءُ إِنَّمَا عَامِلُهُ عَامٌ ثُمَّ بَعْدَهُ قَالَ كُنْ لَيْثُ قَالَ لَيْثٌ يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ قَالَ بْنُ لَيْثٌ مَا تَهُدِي اللَّهُ مَا يَشَاءُ إِنَّمَا عَامِلُكَ طَعَامُكَ وَشَرَابُكَ لَمْ يَسْسُهُ وَانظُرْ إِلَى جَمَارَكَ وَلَنْجُوكَ آيَةٌ لِلنَّاسِ وَانظُرْ إِلَى الْعَظَامِ كَيْفَ نُنْشِرُ هَا لَمْ نَكُسُوْهَا لَحْمًا فَلَمَا تَبَيَّنَ لَهُ قَالَ أَغْلُمْ أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (٢٥٩)

۲۵۹. Ёки сиз — эй Пайғамбар — уйлари вайрон бўлиб, томлари йиқилиб, ҳувиллаб ётган бир қишлоқдан ўтиб кетатуриб: «Аллоҳ ҳалок бўлган бу қишлоқни қандай тирилтирас экан-а?!», деб айтган киши ҳақидаги масални билмадингизми? Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди ва кейин жонини қайтариб: «Қанча вақт ўлик ҳолда қолдинг?», деди. У: «Бир кун ё ярим кун қолдим», деди. Аллоҳ

унинг юз йил ўлик ҳолда ётганини хабар бериб, сўнг (**ўзи билан олган**) емак-ичмагига назар ташлашга буюрди, шунча узоқ муддат ўтганига қарамай, Аллоҳ уларни қандай бузилмаган ҳолда сақлаганини кўргин, деди. Кейин, эшагингга қара, сочилган суюкларга айланиб кетганидан сўнг Аллоҳ уни қандай тирилтирганига боқ, деди. Биз сени одамларга оят-аломат, яъни Аллоҳнинг ўликларни қайта тирилтиришига очик-равshan далил қилиш учун шундай қилдик, деди. Сўнг унга, суюкларга боқ, Аллоҳ қандай уларни бир-бири устига жойлаб, бир-бирига улашини, сўнг улар устига гўшт қоплашини, кейин уларга жон баҳш этишини кўргин,

деди. Буларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилгач, у Аллоҳнинг накадар буюклигини ва барча ишга қодирлигини эътироф қилди ва одамлар учун далил-хужжатга айланди.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمَ رَبِّيْ كَيْفَ تُحْيِي الْمَوْتَىْ قَالَ أَوْلَمْ تُؤْمِنَ قَالَ بَلَىْ وَلَكِنْ لِيَطْمَئِنَ قَلْبِيْ قَالَ فَخُذْ أَرْبَعَةً مِنَ الطَّيْرِ فَصُرْزْ هُنَّ إِلَيْكَ تَمَّ اجْعَلْ عَلَىْ كُلِّ جَبَلٍ مِنْهُنَّ جُزْءًا لَمْ ادْعُهُنَّ يَأْتِيَنَكَ سَعْيًا
وَاعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ (٢٦٠)

۲۶۰. Эй Пайғамбар, Иброҳим Роббидан ўликларни қандай қилиб тирилтиришини унга кўрсатишини сўрага-нини эсланг. **Аллоҳ унга:**
 «Сен бунга ишонмайсанми?!», деди.
 «Йўқ, ишонаман, лекин ишончимга ишонч қўшилиб, қалбим хотиржам бўлиши учун сўраяпман», деди.
 «Ундей бўлса, тўртта кушни олиб, бир жойга қўй, кейин уларни сўйиб,

майдалаб (бир-бирига аралаштиргин-да), кейин ҳар бир тоққа бир бўлак-бир бўлакдан қўйиб чиқ, кейин уларни чақиргин, тезда ҳузурингга етиб келишади», деди.

Иброҳим алайҳиссалом (юқорида айтилганидек қилгач) уларни чорлаган эди, ўша заҳоти майдаланган бўлаклардан ҳар бири ўз ўрнига қайтиб, тезлик билан унинг ҳузурига етиб келишди.

Билгинки, Аллоҳ ҳеч ким бас келолмайдиган Қудратли ва ўз сўзлари, феъллари, шариати ва қадарида Ҳаким — доно Зотдир.

مَثُلُ الَّذِينَ يُنفَقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثُلُ حَيَّةٍ أَبْيَثَتْ سَبْعَ سَنَابِلَ فِي كُلِّ سُنْبَلَةٍ مِائَةُ حَيَّةٍ وَاللَّهُ يُضَانِعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلَيْهِ (۲۶۱)

۲۶۱. Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилиш мўминларга фойдаси тегадиган энг катта ишлардан. Молларини Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қиласидиган мўминларнинг мисоли яхши (**ҳосилдор**) ерга қадалган бир дона донга ўхшайдики, ундан униб чиқсан пояда еттита бошоқ ўсиб етилган ва ҳар бир бошоқда юзтадан дон бор.

Аллоҳ инфоқ-эҳсон қилувчининг қалбидаги иймон ва ихлосига қараб, истаган кишисига ажру-савобларни бир неча баробар кўпайтириб беради. Аллоҳнинг fazли карами кенгдир, У субҳанаҳу ва таоло Ўз fazлига сазовор бўлувчи-ларни

яхши билувчи, бандаларининг
ниятларидан бохабар Зотдир.

الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يُتْبَعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًا وَلَا أَدَى لَهُمْ أَجْرٌ هُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا
خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْرُثُونَ (٢٦٢)

۲۶۲. Молларини жиҳод ва бошқа
яхши ишларга сарфлайдиган, сўнг
инфоқ қилган яхшиликлари ортидан
миннатни ва сўзи-ю амали билан
бирор озорни эргаштир-майдиган
кишиларга Роббилиари ҳузурида
улкан ажру савоблар бор, уларга
ўзлари юзланажак охират ишларида
ҳеч бир хавфу хатар йўқ,
қўлларидан кетган дунё ишларига
ғамгин ҳам бўлмайдилар.

قَوْلٌ مَعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِنْ صَدَقَةٍ يَتَبَعُهَا أَدَى وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ (٢٦٣)

۲۶۳. Яхши гап ва сўровчининг
қаттиқ ёпишиб олиб тиланишини

кечириш — кетидан садақа қилувчи томони-дан озор ва ёмонлик эргашадиган садакадан яхшидир. Аллоҳ бандаларнинг садақаларидан беҳожат ва уларга азобни тезлаштирмайдиган ҳалим Зотдир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُنْتَطِلُوا صَدَقَاتُكُمْ بِالْمُنَّ وَالْأَدَى كَالَّذِي يُنْفَقُ مَالُهُ رَبَّ النَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُ بِاللَّهِ
وَالْأَيُّومُ الْآخِرُ فَمَثُلُهُ كَمَثُلِ صَفْوَانَ عَلَيْهِ تُرَابٌ فَأَصَابَهُ وَإِلَّا فَتَرَكَهُ صَنِدِّاً لَا يَقْدِرُونَ عَلَى شَيْءٍ
مِّمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ (٢٦٤)

۲۶۴. Эй Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган кишилар, молини одамлар кўриши ва унга мақтov айтиши учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиган кишига ўхшаб, қилган садақаларингиз савобини миннат ва озор билан йўққа чиқарманг. Бундай киши бамисоли устини чанг-тупроқ қоплаган силлиқ

тош кабики, шаррос ёмғир қуйиб, устидаги тупроқни оқизиб кетиб, сип-силлик тошни қолдиради. Уриёкорлар ҳам худди шундай, Аллоҳ ҳузурида амаллари йүкка чиқиб, қилган садақаларига савоб топмайдилар. Аллоҳ коғирлар-ни инфок-эхсонда ҳам, бошқа ишларда ҳам түғриликтек мұваффақ қилмагай.

وَمِثْلُ الَّذِينَ يُنَفَّقُونَ أَمْوَالَهُمْ ابْتِغَاءَ مَرْضَاهَ اللَّهِ وَنَنْهَايَةً مِنْ أَنْفُسِهِمْ كَمِثْلُ جَنَّةٍ بِرَبْوَةٍ أَصَابَهَا وَإِلَّا فَأَنْتَ أَكْلَهَا ضِعْفَيْنِ فَإِنْ لَمْ يُصْبِحْهَا وَإِلَّا فَطْلُ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ (۲۶۵)

۲۶۵. Молларини Аллоҳнинг розилигини истаб, Унинг ваъдасига мустаҳкам ишонч билан инфок қиласидиган кишилар бамисоли баланд ва яхши ердаги катта боғ кабидирки, шаррос ёмғирлар қуйса ҳосили бир неча баробар кўпаяди,

шаррос ёмғирлар қуймаса, яхши ҳосил бериши учун майдалаб ёқсан ёмғир ҳам кифоя килади. Шунга ўхшаш, ихлосли кишиларнинг садақалари Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлиб, оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам бир неча баробар зиёда қилинади. Аллоҳ қалблардаги яширин ниятлардан хабардор, зоҳиру ботин ишларни кўрувчи Зотдир. У ҳар бир кишига ихлосига яраша ажру савоблар ато этади.

أَيُّوْدُ أَحَدُكُمْ أَنْ تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِّنْ تَخْيِلٍ وَأَعْنَابٍ تَجْرِي مِنْ ثَخْنَاهَا الْأَهَارُ لَهُ فِيهَا مِنْ كُلِّ النَّمَراتِ وَأَصْنَابَهُ الْكَبِيرُ وَلَهُ ذُرْيَةٌ ضُعْفَاءُ فَأَصْنَابَهَا إِعْصَارٌ فِيهِ نَازٌ فَلَاحَتَرَقَتْ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ (٢٦٦)

۲۶۶. Сизлардан бирингиз ичидан хурмозор ва узумзори бўлган, дарахтлари остидан анхорлар оқиб ўтадиган, яна ҳар турли мевалари

бўлган боғи бўлиб, ўзи кексайиб,
 боғ юмушларини қилишга ярамай
 қолган пайтида, боғ(дан келадиган
 ҳосил)га эҳтиёжли ёш-заиф
 болалари бўлгани ҳолда, ўт-
 алангали кучли бўрон уриб, боғи
 ёниб битишини истайдими?! Қилган
 инфок-эҳсонларида ихлосли
 бўлмаган кишилар ҳоли худди
 шундайдир, улар қиёмат кунида ҳеч
 қандай ажру савоби бўлмаган ҳолда
 келишади. Фикр юритишларингиз
 ва нафақаларни ихлос билан
 қилишларин-гиз учун Аллоҳ
 сизларга манфаатли бўлган
 нарсаларни мана шундай очик-
 равшан баён қиласди.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَنْفَقُوا مِنْ طَيِّبَاتٍ مَا كَسَبُتُمْ وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَلَا تَنَمِّئُوا الْخَيْثَ
 مِنْهُ شُتُّقُونَ وَلَسْتُمْ بِالْخَيْثِ إِلَّا أَنْ تُعْمَلِّضُوا فِيهِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ عَنِّي حَمِيدٌ (٢٦٧)

۲۶۷. Эй Менга иймон келтирган ва пайғамбарларимга эргашган кишилар, касб қилиб (**ишлаб**) топганингиз ҳалол-пок нарсалардан ва Биз сизлар учун ердан чиқариб қўйган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилинглар! Камбағал-бечоралар-га бериш учун улардан нопок — паст навлиларини танла-манглар. Агар у (**паст-нопок нарса**)ни ўзингизга берилса, айбу-нуқсонидан кўз юмиб, истамайгина оласизлар-ку! Қандай қилиб ўзингизга рози бўлмаган нарсани Аллоҳ учун рози бўласизлар?! Билингларки, сизларга ризқ берган Аллоҳ садақаларингиздан беҳожат, ҳамду-санога лойик, барча ҳолатда мақталувчи Зотдир.

الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَاءِ وَاللَّهُ يَعِدُكُمْ مَغْفِرَةً مِنْهُ وَفَضْلًا وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلَيْمٌ (٢٦٨)

۲۶۸. Ушбу баҳиллик ва садақа учун ёмон-паст нарсаларни танлаш сизларни камбағал бўлиб қолишдан қўрқитиб, баҳилликка ундейдиган ва сизларни Аллоҳнинг маъсиятига ва Унинг амрларига хилоф қилишга буюради-ган шайтон тарафидандир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло сизларга қилган инфоқ-эҳсонларингиз эвазига гуноҳларин-гизни кечиришни ва кенг-мўл ризқларни ваъда қиласди. Аллоҳ фазли марҳамати кенг, ниятлару амалларни билувчи Зотdir.

بُوْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا وَمَا يَذَكَّرُ إِلَّا أُولُوا الْأَلْبَابِ (۲۶۹)

۲۶۹. Ҳикматни — сўзда ҳам, амалда ҳам тўғриликка муваффақ бўлишни — Аллоҳ Ўзи истаган бандаларига беради. Аллоҳ кимга ҳикмат ато этган бўлса, у инсонга кўп яхшилик берилибди. Бу билан фақат ақллари Аллоҳнинг нури ва ҳидояти билан мунаввар бўлган ақл эгаларигина насиҳат ва фойда оладилар.

وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ نَفَقَةٍ أَوْ تَذَرْتُمْ مِنْ تَذْرِيْثٍ فَإِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُهُ وَمَا لِظَالَمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ (۲۷۰)

۲۷۰. Аллоҳнинг розилигини истаб нимаики инфок-эҳсон қилсангиз, озми-кўпми садақа қилсангиз ёки бирон нарсани беришни ё қилишни ўз зиммангизга назр қилган бўлсангиз, албатта Аллоҳ буни билади, У ниятларингиздан боҳабар Зотдир ва албатта, сизларга бунинг

учун ажру савоблар ато этади. Ким Аллоҳнинг ҳаққини тўсса, у золимдир. Золим-ларга Аллоҳнинг азобини тўсувчи ёрдамчилар бўлмас.

إِنْ تُبَدُّوا الصَّدَقَاتِ فَنِعْمًا هِيَ وَإِنْ تُخْفُوهَا وَتُؤْثِرُوهَا الْفُقَرَاءُ فَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ وَيُكَفِّرُ عَنْكُمْ مِنْ سَيِّئَاتِكُمْ
وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَيْرٌ (۲۷۱)

۲۷۱. Аллоҳ йўлида қиладиган садақаларингизни ошкор қилсангиз, жуда яхши иш қилибсиз. Агар махфий қилсан-гиз ва фақир-мискинларга берсангиз, бу ўзингиз учун афзалроқ, чунки риёдан узоқроқдир ва ихлос билан қилинган садақада гуноҳларингиз ювилиши бордир. Барча сир-асрорларни билувчи зот бўлмиш Аллоҳга сизларнинг ҳеч бир

ҳолингиз махфий эмасдир ва У ҳар бир кишини ўзига муносиб мукофотлар билан мукофотлагай.

لَيْسَ عَلَيْكُمْ هُدًاهُمْ وَلَكُنَّ اللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ وَمَا تُنْفِقُوْا مِنْ خَيْرٍ فَلَا نَنْفِقُكُمْ وَمَا تُنْفِقُوْنَ إِلَّا ابْتِغَاعًا
وَجْهَ اللَّهِ وَمَا تُنْفِقُوْا مِنْ خَيْرٍ يُوَفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُوْنَ (٢٧٢)

۲۷۲. Эй Пайғамбар, сиз коғирларнинг ҳидоятга муваф-фақ бўлишларидан масъул эмассиз, балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларнинг қулфи дилларини Ўз динига очади ва унга муваффак қиласди. Неки бир яхшиликни — пул-молни — инфоқ қилсангиз, унинг фойдаси ўзингизга Аллоҳдан қайтади. Мўминлар фақат Аллоҳнинг розилигини истаб-гина инфоқ-эҳсон қиласдилар. Неки бир молни Аллоҳ учун ихлос билан

инфок-эҳсон қилсангиз, сизларга унинг ажру савоби тўла-тўкис, ҳеч камайтирилмаган ҳолда берилади.

Бу оятда Аллоҳ таолога важҳ (юз) сифатининг У субҳанаҳу ва таолонинг Ўзига лойик бўлган тарзда исботи бордир.

الْفَقَرَاءُ الَّذِينَ أَحْصِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا يَسْتَطِعُونَ ضَرْبًا فِي الْأَرْضِ يَخْسِبُهُمُ الْجَاهِلُونَ أَغْنِيَاءُ مِنْ الْعَفْفِ تَعْرُفُهُمْ بِسِيمَاهُمْ لَا يَسْأَلُونَ النَّاسَ إِلَّا حَافَأُوا وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ (۲۷۳)

۲۷۳. Садақаларингизни Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан банд бўлиб, ризқ талабида (тижорат учун) сафар қилишга имкони бўлмаётган камбағал мусулмонларга беринглар. Сўранишдан ўзларини пок тутишлари сабабли билмаган кишилар уларни садақага муҳтоҷ эмас деб гумон қилишади. Сиз

уларни белгиларидан ва улардаги эҳтиёж-мандлик асарларидан таниб оласиз. Улар одамлардан умуман сўранмайдилар. Мажбур бўлиб сўрагандა ҳам, тиланиб туриб олмайдилар. Аллоҳ йўлида неки бир пул-молни инфоқ қилсангиз, ундан ҳеч бири Аллоҳга махфий қолмайди, У қиёмат куни унинг тўла-тўкис мукофотини беради.

الَّذِينَ يُنْهَاوْنَ أَمْوَالَهُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ سِرَّاً وَعَلَانِيَةً فَلَهُمْ أَجْزُءُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَفْتُ عَلَيْهِمْ وَلَا هُنْ يَجْرِئُونَ (٢٧٤)

۲۷۴. Аллоҳнинг розилигини истаб, молларини кечаю кундуз, махфию ошкор инфоқ қиладиган кишилар учун Роббилари ҳузурида ажрлар бордир, уларга ўзлари юзланажак охират ишларида ҳеч бир хавфу

хатар йўқ, қўлларидан кетган дунё ишларига ғамгин ҳам бўлмайдилар.

Бу доно илоҳий қонун-қоида
Исломнинг инфок-эҳсон борасидаги
йўли бўлиб, унда фақир-
мискинларнинг иззат-хурматлари
сақланиб қолгани ҳолда
эҳтиёжларини қоплаш, бойларнинг
молларини поклаш, зўрлик ва
мажбурлашсиз, фақат Аллоҳ
розилигини истаб, яхшилик ва тақво
устида ўзаро ҳамкорликни вужудга
келтириш бордир.

الَّذِينَ يُكْلُونَ الرَّبَّا لَا يَقُولُونَ إِلَّا كَمَا يَقُولُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمُنَسِّ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا^{إِنَّمَا}
الْبَيْعُ يَنْثُلُ الرَّبَّا وَأَحَلَّ اللَّهَ الْأَبْيَعَ وَحَرَمَ الرَّبَّا فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَانْهَى فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ
إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَئِكَ أَصْنَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ (٢٧٥)

۲۷۵. Судхўрлик қиласидиган кишилар охиратда қабрлари-дан худди жин

урган мажнун кимсалардек турадилар. Сабаби, [улар](#): «Байъ (савдо-садик) ҳам худди рибо (судхўрлик) билан бир хил, ҳар иккаласи ҳам ҳалол, иккаласи ҳам молниг кўпайишига олиб келади», дейишди. Аллоҳ уларнинг сўзларини инкор қилди ва байъни ҳалол, рибони эса ҳаром қилганини, чунки байъ ва олди-соттида шахс ва жамоатлар учун ўзаро манфаатлар, рибода эса молга ноҳақ эга бўлиш, зое қилиш ва ҳалокат борлигини баён қилди. Кимга Аллоҳнинг рибодан қайтарган қайтариғи етгач, ундан тийилса, рибонинг ҳаром қилингани ҳақидаги ҳукм етишидан олдинги қилгани унинг ўзига, бунда унга гуноҳ йўқ ва келгусида иши

Аллоҳга ҳавола. Агар тавбасида давомий бўлса, Аллоҳ муҳсин (**яхшилик қилувчи**) кишиларнинг ажрларини зое қилмайди. Ким рибонинг ҳаромлигини билганидан кейин ҳам яна унга қайтса ва у билан шуғулланса, ундаи кимса жазога ҳақли бўлибди ва унинг зиёнига ҳужжат барпо бўлибди. Шунинг учун Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло: «Ана ўшалар абадул-абад дўзахни лозим тутадилар, ундан ҳеч қачон чиқарилмай-дилар», деди.

بِمَحْقُ اللَّهِ الرَّبِّيِّ الصَّدَقَاتِ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ كُفَّارٍ أَثْيَمْ (٢٧٦)

۲۷۶. Аллоҳ судхўрликни (**фойдасини**) буткул кетказади, судхўрнинг молининг баракасини ўчиради ва ундан

фойдалантирмайди. Садақаларни эса ундириб-ўстириб, кўпайтиради, садақа қилувчиларнинг ажру савобларини зиёда қилади ва молларига барака беради. Аллоҳ қуфрида маҳкам турувчи, судхўрликни ҳалол сановчи, гуноҳу маъсиятга ва ҳаромга муккасидан кетувчи ҳеч бир кишини ёқтирмайди.

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوْا الزَّكَاءَ لَهُمْ أَجْرٌ هُنْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ
عَلَيْهِمْ وَلَا هُنْ يَحْزَنُونَ (۲۷۷)

۲۷۷. Аллоҳ ва Расулини тасдиқлаб, яхши амалларни қилган, намозни Аллоҳ ва Расули буюргандек адо этган ва молларининг закотини чиқарган кишилар учун хос ва улуғ ажру савоблар Роббилари ва ризқ

берувчилари ҳузурида событдир.
Уларга ўзлари юзланажак охират
ишларида ҳеч бир хавфу хатар
йўқдир, қўлларидан кетган дунё
ишларига ғамгин ҳам бўлмайдилар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّفَوَا اللَّهَ وَدَرُّوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَّا إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ (٢٧٨)

۲۷۸. Эй Аллоҳга иймон келтирган ва
Унинг пайғам-барига эргашган
кишилар, Аллоҳдан қўрқинг ва агар
сўзу амалда ҳақиқий мўмин
бўлсангиз, судхўрлик (**рибо**) ҳаром
бўлишидан илгари дастмоянгиз
устида қолиб кетган рибо
сарқитларини тарк қилинг ва уни
талаб қилманг!

فَإِنْ لَمْ تَنْعُلُوا فَأَذْنُوا بِحَرْبٍ مِّنْ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِنْ ثُبُثُمْ فَأَكُمْ رُغْوُسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا
تُظْلَمُونَ (٢٧٩)

۲۷۹. Агар Аллоҳ қайтарган нарсадан тийилмасангиз, Аллоҳ ва Расулидан бўлган урушга (**кирганингизга**) аник ишонаверинг! Агар Роббингиз томонга қайтсангиз ва судхўрликни тарқ қилсангиз, қарзга берган сармоянгизнинг ўзини, қўшимча фоизсиз қайтариб олишингиз мумкин, сармояга қўшимча фоиз қўшиб олиш билан бировга зулм ҳам қилмайсиз, қарздорлар ҳам сармоянгизни камайтириб бериш билан сизларга зулм қилмайди.

وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَأَنْظَرْهُ إِلَيْ مَيْسَرَةٍ وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ (۲۸۰)

۲۸۰. Агар қарздор қарзни тўлашга қодир бўлмаса, то Аллоҳ унга мол ато этиб, қарзини тўлашга имконли бўлгунича кутинглар. Агар

сармоянинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан воз кечиб, қарзни кечиб юборсангиз, бу ўзингиз учун афзалдир, дунёю охиратда ўзингиз учун яхшидир, агар билсангиз!

وَأَنْتُمْ يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ ثُمَّ تُوَفَّى كُلُّ نَفْسٍ مَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ (۲۸۱)

۲۸۱. Эй одамлар, Аллоҳга қайтариладиган кундан қўрқинг, у кун қиёмат куни бўлиб, унда Аллоҳга рўбарў қилинасиз, У сизларни ҳисоб-китобга тортади ва ҳеч кимга зулм қилинмаган ҳолда ҳар бир кишига ўзи қилган яхши ё ёмон амалига муносаб жазою мукофот беради.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَابَّرْتُم بِدِينِ إِلَى أَجْلٍ مُسَسَّى فَالْكُثُرُ وَالْيُكْثُرُ بَيْتُكُمْ كَاتِبٌ بِالْعُدْلِ وَلَا يَأْبِي كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلِمَهُ اللَّهُ فَلَيَكْتُبْ وَلَيُمْلِلَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقُوقُ وَلَيُنِقِّيَ اللَّهُ رَبُّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا فَإِنْ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقُوقُ سَفِيهًّا أَوْ ضَعِيفًّا أَوْ لَا يَسْتَطِعُ أَنْ يُمْلِلْ هُوَ فَلَيُمْلِلْ وَلَيُؤْتِيَ بِالْعُدْلِ وَإِنْ شَهَدُوا شَهِيدَيْنِ مِنْ رَجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ مِنْ تَرْضَوْنَ مِنَ الشَّهِداءِ أَنْ تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا فَنَذِكِرْ إِحْدَاهُمَا الْآخَرَى وَلَا يَأْبِي الشَّهِداءُ إِذَا مَا دُعُوا وَلَا تَسْأَمُوا أَنْ تَكْبُرُوا

صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَى أَجْلِهِ ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَقْوَمُ لِلشَّهَادَةِ وَأَذْنَى أَلَا تَرْتَابُوا إِلَّا أَنْ تَكُونَ
تَحَارَّ حَاضِرَةً ثُبِرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَلَا تَتَنَتَّهُوا وَأَشْهُدُو إِذَا تَبَيَّنَتْهُمْ وَلَا يُضَارَ
كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ وَإِنْ تَفْعَلُوا فَإِنَّهُ فُسُوقٌ بِكُمْ وَأَنْفَوْا اللَّهُ وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ وَاللَّهُ يُكَلِّ شَيْءٍ عَلَيْهِ (٢٨٢)

۲۸۲. Эй Аллоҳга иймон келтирган ва
Унинг пайғамбари Муҳаммад
соллаллоҳу алайҳи ва салламга
эрғашган кишилар, маълум
муддатга қарз олди-берди
қилсангиз, ёзиб қўйингки, бу билан
молни асраган ва низонинг олдини
олган бўласиз. Ораларингизда бир
омонатли ва адолатли киши
котиблиқ қилсин ва Аллоҳ ёзишни
билдириб қўйган киши котиблиқ
қилишдан бош тортмасин. Қарздор
ўз зиммасидаги қарзни айтиб
ёздирсин, Робби ҳузуридаги
жавобгарликдан қўрқсин ва
қарзидан бирон нарсани камайтириб

айтмасин! Агар қарздор ўта исрофгарлиги туфайли молни тасарруф қилиши тақиқлаб қўйилган киши бўлса, ёки гўдак ё мажнун бўлса, ёхуд соқовлик ё яхши гапира олмаслик туфайли айтиб ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ишини бошқарувчи киши унинг ўрнига айтиб ёздирсин.

Адолат аҳлидан бўлган иккита оқил ва болиғ мусулмон эр кишини гувоҳликка чақиринглар! Агар икки эр киши топилмаса, гувоҳлигига ўзингиз рози бўладиган бир эркак ва икки аёл кишини гувоҳ қилингки, икки аёлдан бири унутса, иккинчиси эслатиб қўяди. Гувоҳликка чорланган кишилар ижобат қилишдан бош тортмасинлар ва

ўзлари у учун чорланган вазифани адо этсинглар! Озми, кўпми, маълум муддати келгунича ёзиб қўйишдан эринманглар! Шу нарса Аллоҳнинг шариати ва динида энгadolатли ишдир, гувоҳликни мукаммал адо этишга энг катта ёрдамчидир, қарзнинг тури, микдори ва муҳлати борасидаги шак-шубҳани бартараф этишнинг энг яқин йўлидир. Энди агар масала молни олиб, пули ўша заҳоти бериладиган накд олди-сотти масаласи бўлса, ёзишга ҳожат йўқ. Бироқ, низо ва келишмовчиликнинг олдини олиш учун бунда ҳам гувоҳ келтириш яхшидир. Гувоҳ гувоҳликни тўғри адо этиши ва котиб Аллоҳ буюрганидек ёзиши вожибдир. Ҳақдор ҳам, қарздор ҳам

гувоҳ ва котибларга бирон-бир зарар етказиши жоиз эмас.

Шунингдек, гувоҳлар ва котиблар ҳам уларнинг гувоҳлиги ва котиблигига муҳтож бўлган кишиларга зиён етказишлари жоиз бўлмайди. Агар ушбу қайтарилган ишни қилсангиз, бу Аллоҳнинг тоатидан чиқиш бўлиб, бунинг оқибати ўз зиёningизга бўлади.

Буюрган ва қайтарган ишларининг барчасида Аллоҳдан қўрқинглар!

Аллоҳ сизларга дунёю охиратингизни ислоҳ қилувчи жамики нарсаларни таълим беради. Аллоҳ барча нарсани билувчи Зот, ҳеч бир ишингиз Унга махфий қолмайди, У қиёмат куни сизларга

барча қилган ишларингиз жазою мукофотини беради.

وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَى سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فِي هَانِ مَقْبُوضَةً فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُمْ بَعْضًا فَأَلْيُوذُ الَّذِي أُونِمَ
أَمَانَتُهُ وَلَيُنِقَّ اللَّهُ رَبُّهُ وَلَا تَكُنُمُوا الشَّهَادَةَ وَمَنْ يَكُنُمْهَا فَإِنَّهُ آثِمٌ قَلْبُهُ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ (٢٨٣)

۲۸۳. Агар сафарда бўлсангиз ва сизларга котиблик қиладиган киши тополмасангиз, ҳақ эгасига то қарздор қарзни қайтаргунича қарз эвазига гаров бўлиб турадиган бирон нарсани беринг. Агар бир-бирингизга ишонсангиз, ёзиб қўйиш, гувоҳлар келтириш ва гаров қўйишни тарк қилишнинг зарари йўқ. Қарз эса қарздор зиммасида омонат бўлиб қолади, омонатни адо этиш, Роббидан тақво қилиб, ҳакдорнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик унга вожибдир. Агар

қарздор қарзидан тонса ва гувоҳ
бўлган киши ҳозир бўлса, у
гувоҳлигини эълон қилиши лозим.
Ким гувоҳликни яширса, у
хиёнаткор ва бузуқ қалб эгасидир.
Аллоҳ махфий сирларнида билувчи
Зотдир, У барча ишларингиздан
хабардордир, қиёмат куни сизларни
ўша билан ҳисоб-китоб қиласди.

لِهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِنْ تُبْثُوا مَا فِي أَنفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاسِبُكُمْ بِهِ اللَّهُ قَيْعْفُرُ لِمَنْ يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (٢٨٤)

۲۸۴. Осмонлару ердаги ва улар
ўртасидаги барча нарса Аллоҳнинг
мулкидир, У уларнинг эгаси,
бошқарувчиси, улардан хабардор,
ҳеч бир нарса Унга махфий эмас.
Дилингиздаги нарсани хоҳ ошкор
қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ албатта

уни билади ва сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади, истаган кишисини афв қилиб, истаганини азоблайди. Аллоҳ барча нарсага қодир Зотдир.

Кейин Аллоҳ таоло мусулмонларни икром қилиб, қалб кечинмалари ва кўнгилдан ўтган нарсаларни, модомики, сўз ё амалда кўринмаса, афв қилди. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида келган.

آمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلُّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَرَبِّنَاهُ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطْعَنَا غُفرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ (۲۸۵)

۲۸۵. Аллоҳнинг пайғамбари Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзига Роббидан ваҳий қилинган нарсалар-га иймон

келтирди ва тасдиқлади. Мўминлар ҳам Қуръони Азимни тасдиқ этиб, унга амал қилдилар. Ҳар бир мўмин Аллоҳни улуғлик ва комиллик сифатларига эга Роб ва Маъбуд сифатида тасдиқлади, Аллоҳнинг улуғ фаришта-лари борлигига, У китоблар туширган эканига ва халқла-рига элчилар қилиб пайғамбарлар юборганига ишонди. Биз мўминлар у пайғамбарларнинг баъзиларига иймон келти-риб, баъзиларини инкор этиб қўймаймиз, балки ҳаммала-рига бирдек иймон келтирамиз. **Пайғамбар ва мўминлар:** «Эй Роббимиз, Сен ваҳий қилган нарсаларни эшитдик ва барчасига итоат қилдик, ўз фазли марҳаматинг билан гуноҳларимизни

мағфират қилишингни умид қиласиз, Сен бизларни Ўзинг инъом этган нарсалар воситасида тарбият этдинг, оқибатимиз ва қайтишимиз ҳам Сенгадир», деди-лар.

لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا أَكْسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ تَسْبِنَا أَوْ أَخْطَلْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْنَاهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ وَاعْفُ عَنَّا وَاغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ (٢٨٦)

۲۸۶. Аллоҳнинг дини мاشаққатсиз, қулай-енгилдир. У бандаларидан кучлари етмайдиган ишларни талаб қилмай-ди. Ким яхшилик қилса, яхши мукофотга эришади, ким ёмонлик қилса, жазосини тортади. Эй Роббимиз, бизларга фарз қилганинг ишлардан бирортасини унутсак ёки Сен қайтарган ишлардан бирортасини қилиб қўйиб, хатога йўл қўйсак, бизларни

азобламагин. Эй Роббимиз,
бизлардан илгари ўтган осийларга
уқубат ўлароқ юклаганинг оғир
ишларни бизларга юкламагин. Эй
Роббимиз, кучимиз етмайдиган
мажбуриятларни ва бало-
мусибатларни бизлар-га
мажбуrlамагин. Гуноҳларимизни
кечиргин, айбларимиз-ни яширгин,
бизларга раҳм-шафқат қилгин. Сен
ишлари-мизнинг Эгаси ва
Бошқарувчисисан. Динингни инкор
қилган, ягоналигинга шак
келтирган, пайғамбаринг Мұхаммад
соллаллоҳу алайҳи ва салламни
ёлғончига чиқарған кимсалар
устидан бизга нусрат ато этгин ва
дунёю охиратда улар устига бизни
ғолиб қилгин.